

441
442

Ўттиз саккизинчи йил чиқиши
Шаввол-зулқаъда 1444ҳ
Май-июн 2023м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал


Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Судандаги қонли ҳодисалар: Бурҳон-Ҳамидатий... Мисли кўрилмаган хиёнат



Яҳудий ҳукумати келажаги...
ички ва ташқи босимлар
ўртасида



Ғарбнинг ҳазорий бузуқлиги
гомосексуализмгача бўлган
ҳар қандай бузуқликнинг
«инкубатори»дир

Аёл ва даъватни ёйиш

Ислом диёри



441
442

Ўттиз саккизинчи
йил чиқиши
Шаввол-Зулқаъда 1444х
Май-июн 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Судандаги қонли ҳодисалар: Бурҳон-Ҳамидатий... Мисли кўрилмаган хиёнат .. 3
- Дунё тизими Ислом ва мусулмонларга қарши... Покистоннинг тараққиётга эришиш йўли Исломга қайтиш ва Халифалик давлатини барпо этишдадир 9
- Яҳудий ҳукумати келажаги... ички ва ташқи босимлар ўртасида 19
- Ғарбнинг ҳазорий бузқлиги гомосексуализмгача бўлган ҳар қандай бузқликнинг «инкубатори»дир 28
- Коинотнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимот ҳамда катта портлаш назарияси (1) 48
- Фоизли ташқи қарзлар сиёсати Ғарбнинг ҳукуматлар ва халқларни қулга айлантирувчи ваҳший капиталистик жоҳилий сиёсатидир 57
- Аёл ва даъватни ёйиш 67
- Ислом диёри 71
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 77
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 84
- **Жаннат боғлари:** «Аллоҳ наздида дунёнинг заволга юз тутиши бир мусулмоннинг ўлдирилишидан енгилроқдир» (1)..... 90
- Қалтис пайтдаги кучли позициялар (1)..... 98
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Қайс ибн Саъд ибн Уббода Хазражий 103
- **Сўнги сўз:** Ҳуқуқ фанлари профессори Ной Фелдман: Саид дунёдаги энг нуфузли исломий демократни ҳибсга олди 107
- «Душман мамлакатлар» номли китоб Ҳиндистон билан босқинчи (Исроил) ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳ-камланиши сирини очиб беради 108



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

СУДАНДАГИ ҚОНЛИ ҲОДИСАЛАР: БУРҲОН-ҲАМИДАТИЙ... МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ХИЁНАТ

Судандаги ҳоқимият учун кураш янгилик эмас. Бугун кечаётган қонли, шафқатсиз кураш Америка томонидан армия қўмондони Абдулфаттоҳ Бурҳон билан Тезкор ҳаракат кучлари қўмондони Муҳаммад Ҳамадон Дақлу Ҳамидатийга чизиб берилган режа бўйича кетмоқда. Бундан мақсад, ҳоқимият инглизлар ва европаликлар билан алоқадаги фуқаролик тузилма қўлига ўтиб кетишига йўл қўймасликдир. Америка бу курашни қоралаётган бўлса-да, бироқ уни ўзи бошқараётганлиги яққол кўриниб турибди. У бу ифлос вазифага ўзаро сузишадиган, ёмонликда бир-биридан қолишмайдиган икки «қўчқор»ни танлади. Иккаласи ҳам ўз халқи ҳақида асло ўйламайдиган, ҳоқимиятга ўта ташна кимсалар бўлиб, «қопчиқ»лари даҳшатли қонли тўқнашувларга тўла. Иккаласи ҳам эгаллаб турган мавқеи туфайли мамлакат ҳарбий кучларини ўз чангалида ушлаб келмоқда. Бундан тушунса бўладикки, бу иккиси ўртасидаги кураш бутун мамлакатни вайрон қилади... Американинг мусулмонларга қарши барча исломий юртларда ҳеч кимни аямайдиган, ҳўлу қуруқни баравар ёқадиган жиноий режаларни тузиши ҳаммага маълум... Ҳозир навбат Суданга келди. Судан ҳам бошқа мусулмон юртлари каби аҳолиси пок табиатли, табиий ресурсларга бой, лекин ҳукмдорлари жабридан азият чекиб, камбағал ҳаёт кечираётган юртдир...

Бу қонли ҳодисалар олови мусулмонлар уруш ҳаром қилинган ой деб эмас, балки, фатҳ ва ғалабалар ойи деб биладиган Рамазон ойида аланга олди... Ҳа, муборак рамазон ойи ҳурматиға нисбатан ҳеч бир эҳтиром кўрсатилмай, Суданни шу икки кимсанинг ифлос қўллари билан вайрон қилиш жараёни бошланди. Америка расмийлари бу қонли ҳодисалар узоққа чўзилиши мумкин, деган эҳтимолни билдиришди. Бундан маълум бўладикки, улар айна ҳодисаларни узоқ давом этадиган қилиб режалаштиришган. Блинкеннинг «бу ички кураш» деб берган баёноти ёмон ниятдаги аралашув бўлиб, улар айна аралашувнинг янада каттароқ тус

олишига парда ортидан туриб ҳаракат қилишди ва ҳаракат қилишмоқда. Чет элликлар ва араб давлатлари фуқароларини кенг кўламда эвакуация қилишга қаттиқ эътибор қаратилгани бу ерда ҳали узоқ давом этадиган фожиали сериал режалаштирилганига очиқ ишорадир. Бу фожиа саҳналарини биронта яхши фазилатга эга эмаслиги шундоқ кўриниб турган ана шу икки кимса бошлади... Уларнинг ҳокимиятга ғоят ўчлигини ҳисобга олсак, бу нарса айна қонли урушдан кейин Суданни бўлиб ташлаш аниқ иш деган таҳлилга йўл очади. Зеро, Америка режаси бўйича, иккаласидан ҳеч бири бу курашни узил-кесил ҳал қилолмайди. Бу билан Америка Суданни икки кураш минтақасига бўлиб ташлаб, ҳар бирига ана шу қўмондонлардан бирини қўяди. Бу режа бўйича кўриниб турибдики, инглизларга тобе, ҳокимият устида Европанинг фойдасига рақобатлашадиган фуқаролик тузилмадан асар ҳам қолмайди.

Бундай ички курашларда Американинг халқларга қарши зимдан тил бириктириши сиёсий ва ҳарбий саҳнада одатий ҳолга айланиб қолган. Қўшма Штатлар бу тил бириктирувларни ана шу мамлакатдаги куч марказларига ўзи ўрнатиб қўйган пасткаш кимсалар орқали амалга оширади. Шундан кейин ўша мамлакат майдонини «қўчқор»ларга ва улар ўртасидаги курашга тайёрлайди. Буни ана шу пасткашларга – улар адашиб, улоқишда давом этишлари учун – Американинг региондаги мусулмон ҳукмдорлардан иборат бошқа малайлари тайёрлаб беради. Демак, бу фожиа ташқи кучлар томонидан уюштирилиб, аниқ режа ва ичкаридаги маҳаллий малайлар ёрдамида амалга оширилмоқда... Зеро, жанглар бошланиши биланоқ, бу фожиали манзара маҳаллий ахборот воситаларида, регионал ва халқаро телеканалларда намойиш қилина бошлади. Масалан, қурбонлар сони ва кўрилган зарарлар ҳажми ҳақидаги статистик маълумотлар, қирғин, харобага айлантириш ва вайрон қилиш манзаралари тасвири, бунга берилган изоҳлар ҳамда қочқинлар, ёрдамларнинг етиб келиши, уларнинг теварагидаги хатарлар ва тинч фуқароларнинг қамалда қолиб кетишидан иборат гуманитар ҳолатларга эътиборни қаратиш, шунингдек, ҳарбий тўқнашувлар, расмий ва ҳарбий марказларни босиб олингани ҳақидаги хабарларни тарқатиш, сузишаётган ана шу икки «қўчқор»нинг бир-бирини айблаб берган баёнотларини эшиттириш кабилар бошланди. Охир-оқибат мамлакатни сиёсий ва

ҳарбий жиҳатдан парчалаб, вайрон қилишга эришиш учун жангчиларни янада жунбушга, одамларни эса у ёки бу тарафга мойил қиладиган пассив ҳолатга келтирадиган таҳлилларни тақдим қилиш бошланди...

Одатий ҳолга айланиб қолмаслиги керак бўлган нарса шуки, биз одамларнинг қандай қилиб бўлса ҳам, фақат жонлари, ҳаётлари, оилалари, уй-жойлари ва тирикчиликларини сақлаб қолиш пайида бўлиб, уруш қурбонларига айланиш позициясини эгаллашаётганини кўряпмиз. Ваҳоланки, бўлаётган ҳодисалар борасида уларнинг айтадиган ўз сўзи бўлиши керак. Улар бу фитнага кескин қарши туришлари лозим. Шунингдек, ўзаро низолашаётган томонлар мустамлакачининг малайлари эканини, улар фақат ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлайдиган кимсаларлигини, халқнинг вакиллари эмаслигини, шунинг учун уларни тупуриб ташлаш кераклигини баралла эълон қилишлари ҳам лозим... Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, одамлар мустамлакачига тобе, илмоний-секуляр ва одамлардан узилган партияларга эмас, аксинча, Суданнинг покиза мусулмон аҳолиси орзу-умидларини акс эттирадиган софдил ва онгли сиёсий партияларга эга бўлиши керак... Кофир ғарб одамларнинг ўз ҳаётларида динларини ҳукмрон қилишга интилишларини ёқтирмайди. Шунинг учун уларга ҳеч бир аҳамияти ҳам, обрў-эътибори ҳам йўқ бўлган, ёқимсиз илмоний сиёсий партияларни пайдо қилиб беряпти. Бу партиялар ўз ролларини уларни пайдо қилган элчихоналардан ва тарғиб қилган оммавий ахборот воситаларидан олмоқда... Ҳа, одамлар лоақал шу низога чек қўядиган кучли босим ўтказишлари керак... Аммо шаръан талаб қилинадиган нарса шуки, одамлар ҳукмрон режимларни афдариб ташлаб, уларнинг ўрнига Аллоҳ буюрган ҳокимиятни барпо этиш билан ўзгартиришга оид ўз сўзларига эга бўлишлари лозим. Мусулмонлар учун дунё ва охиратда, фақат шу нарсагина нажот олиб келади.

Одатий ҳолга айланиб қолмаслиги керак бўлган яна бир нарса зобит ва аскарлардан иборат Судан армиясининг аслида ўзларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган бундай курашда иштирок этишидир... Илгари Тезкор ҳаракат кучлари сафида хизмат қилган ҳарбийларнинг ҳам, армия кучлари сафида хизмат қилган ҳарбийларнинг ҳам Ҳамидатий ва Бурҳоннинг шахсий ғаразлари йўлида жангга киришлари асло дуруст эмас... Чунки

мусулмонларнинг бир-бирларига қарши қилич кўтаришлари ҳаромдир. Бунда ўлдирган ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахда бўлади, иккаласидан ҳеч бирининг Аллоҳ олдида бирорта узри бўлмайди. Абу Бакр رضي الله عنه дан қуйидагича ривоят қилинади: Мен Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг

«إِذَا التَّقَى الْمُسْلِمَانِ بَسِيْفَيْهِمَا فَالْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا الْقَاتِلُ فَمَا بَأَلِ الْمَقْتُولِ؟ قَالَ: إِنَّهُ كَانَ حَرِيصًا عَلَى قَتْلِ صَاحِبِهِ»

«Икки мусулмон бир-бирига қилич кўтарса, қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахда, деб айтганларини эшитдим. Шунда, қотилнинг иши тушунарли, ўлдирилган нима учун дўзахда бўлади, деб сўрадим. Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم: У ҳам ўз шеригини ўлдиришга ҳарис эди, деб жавоб бердилар».

Демак, ҳарбийларнинг ҳар бири Бурҳон ва Ҳамидатийнинг эмас, балки ўз динларининг ансорлари бўлиши лозим. Акс ҳолда ўшалар билан бирга дўзахда бўладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَمَانَ وَجُنُودَهُمَا كَانُوا خَاطِئِينَ﴾

«Албатта Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг аскарлари хато қилгувчи бўлдилар» [Қасос 8]

Афтидан, бу қонли кураш мамлакатнинг бўлиб ташланиши билан ҳамда Бурҳон ва Ҳамидатийнинг ҳар иккиси ҳарбий формалар ўрнига фуқаролик либосини кийиб, ҳокимият жilовини қўлга олишлари билан якунланиши режалаштирилган кўринади. Шу тариқа ҳокимият тепасига ўз малай ва «дум»лари ёрдамида, хоин ва илмонийлар орқали Америка ва Ғарб давлатлари келади.

Эй Судандаги мусулмонлар! Албатта сизнинг устингизда ва бошқа исломий халқлар устида Аллоҳнинг ҳаққи бор. У ҳам бўлса, ҳаётингизни Аллоҳнинг буйруғига асосан қуриб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомларга мурожаат қилмоғингиздир ҳамда Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритадиган ҳукмдорни сайлаб, исломий ҳаёт кечирмоғингиздир, шунингдек, мана шу ҳақ устида собит туриб, унинг йўлида жон фидо қилмоғингиздир. Бугунги кунда сиз ва сиз каби бошқа мусулмонларга қарши ўз юртларингизда мана шундай ҳодисалар юз бермоқда. Ваҳоланки, бу юртлар аслида битта, бир бутун юрт бўлиши лозим эди. Шунингдек, хоҳиш-иродангиздан маҳрум қилиб, сизни Ғарбнинг очкўз истаклари ўлжасига ва ўзларининг режалари қурбонига айлантиришмоқда... Шундай экан,

сизлар буларнинг барчасини ҳамда устингизга зўравонлик билан ўрнатиб қўйилган хоин, жиноятчи ҳарбий раҳбариятни қатъиян рад этишингиз лозим. Бу раҳбарият ўз динини хўжайинларига сариқ чақага арзимайдиган дунё матоси эвазига сотиб юборди. Сизлар, шунингдек, устингизга ўрнатиб қўйилган илмоний сиёсий жамоатларни ҳам рад қилиб, улар сизларнинг ҳеч бир нарсада вакилларингиз эмаслигини, вакилларингиз сизлар учун бирдан-бир халоскор лойиҳа бўлмиш Халифалик давлати соясида бир бутун Уммат бўлиш лойиҳасини кўтариб чиқаётган кишилар эканини ҳам баралла эълон қилишингиз лозим. Зеро, Халифалик давлати динингизни муҳофаза қилиб, фаровон ва тинч ҳаёт кечиришингизни таъминлайди ва сиз учун Исломни бутун оламга ёйиш дарвозаларини очиб қўяди. Сизлар шуларни баралла эълон қилишингиз лозим. Аллоҳни рози қиладиган иш мана шудир, У сизларни шу иш учун яратган... Шундай экан, қўзғалинг, бўлаётган қонли ҳодисаларга ўз норозилигингизни билдиринг, фақат уруш қурбонлари бўлиб қолишни бас қилинг... Бир-биридан баттар бу икки «қўчқор»дан қўлни ювиб қўлтиққа уришингизни эълон қилибгина қолмай, балки бошингизга ва диёрингизга мусибат бўлиб тушган ушбу қирғин, қўрқитиш, вайрона ва харобага айлантиришларнинг бутун жавобгарлигини иккаласининг бўйнига юкланг...

Эй Судан армиясидаги зобит ва аскарлар, сиз ҳозир чавандоз ўрнидасиз. Аммо тизгин сизнинг қўлингизда эмас. Ҳолбуки, Аллоҳнинг динига ёрдам бериш учун тизгин чавандоз қўлида бўлиши лозим... Эй зобит ва аскарлар, сиз хоҳ армия сафида бўлинг, хоҳ Тезкор ҳаракат кучлари сафида, энг аввало мусулмонсиз. Шу боис, бу қонли ҳодисалар олдида сиздан талаб қилинадиган нарса шуки, аввало ўзаро курашаётган бу икки жиноятчи қўлидаги ва Ғарб давлатлари кофирлари қўлидаги қатл қуроли бўлиб қолманг, ўз диёрингизни ўз қўлингиз билан хароб қилманг, аҳлингизни ўз қўлингиз билан ўлдирманг, юртингизни ўз қўлингиз билан вайрон қилманг... Сиздан биринчи лаҳзаданоқ бу қирғинга қарши туриш, уни уюштираётганларга таҳдид қилиш, улардан қонунийликни тортиб олиш ва буйруқларига бўйсунмаслик талаб қилинади... Иймонингиз сизни бу ҳодисалардан олдин ҳам, юз бераётган чоғда ҳам, улардан кейин ҳам, фақат Аллоҳнинг динига нусрат-ёрдам бериш сари ундасин.

Чунки бу зиммангиздаги шаръий вазифадир... Сизлар, шунингдек, бундай фожиали аҳволларга узил-кесил чек қўйишингиз учун Исломни ҳокимиятга олиб келадиган куч бўлмоғингиз лозим.

Эй мусулмон зобит ва аскарлар! Аллоҳнинг ансорлари бўлинг. Шунини яхши билингки, Аллоҳ қиёмат куни қилган ишларингиз ҳақида сўрайди. Шундай экан, қиёмат куни Фиръавн ва Ҳомон аскарлари Фиръавн билан бирга тирилганидек, сизлар ҳам Бурҳон ва Ҳамидатий билан бирга тирилишни хоҳлайсизми? Ўз аҳллариингизни ўлдириш, ризқу-рўзларингизни барбод қилиш, Американинг ўзаро сузишаётган ана шу икки «қўчқор»дан бири орқали Судандаги ҳокимиятни ўз қўлига олишига имкон яратиш тўғрисидаги раҳбарларингиз томонидан берилган буйруқларни бажаришингиз жоизми? «Исроил»дан бу аламли ҳодисаларда воситачилик учун ёрдам сўраш жоизми? Наҳотки сизлардан биронтангиз мана бу ўзаро кўрашаётган икки «қўчқор»дан ҳар бирининг – иккаласи «Исроил» билан алоқада бўлар экан ёки ўз манфаатлари учун Рамазон ойида жанг бошлашар экан – қанчалар тубан эканлиги ҳақида фикрлаб кўрмаса... Юзлаб ўлдирилган, ўнг минглаб жароҳатланган ва қочқинга айланган одамлар борасидаги жавобгарлик қиёмат куни Бурҳон ва Ҳамидатийнинг бўйнида бўлади. Шундай экан, сизлар ҳам бу тўғрида Аллоҳ олдида жавобгар бўлишга розимисизлар?

Эй мусулмон зобит ва аскарлар, динингизга нусрат-ёрдам беришга шошилинг, Роббингиз Таборака ва Таолонинг ушбу қавли билан сизларга қилган нидосига лаббай деб жавоб беринг:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا أَنصَارَ اللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيِّينَ مَنْ أَنصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنصَارُ اللَّهِ فَعَامَنَّا طَائِفَةٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَكَفَرَت طَّائِفَةٌ فَأَيَّدْنَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ فَأَصْبَحُوا ظَاهِرِينَ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз! Исо ибн Марям ҳаворийларга: «Аллоҳга (яъни Унинг динига даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчим бўлур?» деганида, ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам бергувчилармиз». Бас, Бану Исроилдан бир тоифа (одамлар Исога) иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз иймон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар» [Саф: 14] □

**ДУНЁ ТИЗИМИ ИСЛОМ ВА МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ...
ПОКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЙЎЛИ ИСЛОМГА
ҚАЙТИШ ВА ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ БАРПО ЭТИШДАДИР**

Муҳандис Муиз – Покистон

Покистоннинг стратегик ва сиёсий доиралари иқтисодиётнинг қулаши ва унинг давлат ва жамиятга таъсирига қарши курашиб келмоқда. Уларда Покистон янги ва ўзгача нарсани синаб кўриши керак деган деярли яқдил қараш мавжуд бўлса-да, бироқ, янги ғоялар етишмайди. Аммо инқироз ва ваҳима муҳити ғарбча характердаги Покистон элитасига ўз кун тартибини илгари суриш учун замин яратди. Зеро, уларда Покистон ғарб тараққиёти тажрибаси изидан бориши ва ғарблик сиёсатчи ва академиклар томонидан белгилаб берилган тараққиёт йўлига ўтиши лозим, деган ишонч бор. Ушбу ғарбпараст элитага кўра, Покистон халқаро муассасалар талаб қилаётган ислохотлар йўлида – бу ислохотлар иқтисодиётни либераллаштиришми ёки ижтимоий тўзилишини қайта кўриб чиқишми ёки мамлакатнинг халқаро роли ва муносабатларини қайта белгилашми фарқсиз – етарлича қадам ташламаган.

Ушбу янги йўналиш ва ислохот дастурининг эътиборли жиҳати Ҳиндистон ва Покистон рақобатидаги ғолиблар ва мағлублар билан, яъни унда Ҳиндистоннинг ғолиб, Покистоннинг мағлуб бўлиши билан боғлиқ. Бинобарин, уларга кўра, айти мағлубият Покистонни ўз сиёсати ва тараққиёт йўлини қайта кўриб чиқишга ундаши лозим. Бу элита Покистонни янги воқеликка бўйсунтиришга, Кашмир масаласида ўзининг идеологик позициясидан чекинишга, Афғонистон билан бўлган муносабатларни қайта кўриб чиқишга, Ҳиндистон билан бўлган рақобатда ўз амбицияларидан воз кечишга, савдо-иқтисодий соҳада ўзаро боғлиқликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга, ҳамда Қўшма Штатлар билан бўлган иттифоқни кучайтиришга очиқ чақирмоқда. Уларга кўра, Покистон халқаро миқёсда тан олинмиши учун ўзини қайтадан таништириб, халқаро ҳамжамиятга, айтиқса кучли ғарб давлатларига алоқадор эканини билдириб қўймиши лозим, чунки бу нарса Покистонга иқтисодий ютуқларнинг оқиб келишига имкон беради.

Бу эса аксиламерика принциpidан чекинишни, исломий ўзлгимиздан воз кечишни, ҳуқуқий замонавийлик ва ижтимоий тараққиётни қабул қилишни талаб қилади... Қолаверса,

жамиятнинг ижтимоий тузилишини ўзгартириш керак бўлади. Хулоса қилиб айтганда, уларнинг назарида Покистонга тўсқинлик қилаётган нарса унинг ғарб давлатлари томонидан тузилган халқаро тизим ва замонавий дунёга мос келмайдиган ўзлиги, мафкураси ва сақофатидир.

Жамият ва давлатни ҳамда унинг ўзлигини тубдан қайта қуриш ғояси аксар ҳолатларда оддий ва тасодифий тарзда муҳокама қилинади. Кўпинча бу ғоя тарафдорлари жамият ва давлатлар қандай шаклланишини, миллий ўзлик қандай фаолият кўрсатишини тушунишмайди. Ҳолбуки, жамият ва давлатни қайта қуриш жараёни қайта қурувчининг мафкуравий тенденциялари ва эътиқодларидан ҳеч қачон ажралмайди. Покистон Ҳиндистонга ютқазди ва бу нарса жамиятни бошқача йўл тутишга ундаши керак деган гап бир томондан Покистон ва Ҳиндистон доимий рақобатда эканлиги ҳақидаги нотўғри фикр ва ишончни акс эттиради. Бу шуни англатадики, ҳар икки давлат ҳам валюта захиралари ҳажми, миллиардерлар ва йирик компаниялар сони, қўшинларнинг сони билан кучи, геосиёсий таъсир ва ҳоказоларни ўз тараққиётини ўлчашдаги маълумот сифатида кўради. Бунда Покистон тараққиёти Япония, Германия ёки Польша тараққиётига нисбатан эмас, балки Ҳиндистон тараққиётига нисбатан ўлчанади. Қизиғи шундаки, Ҳиндистонга бўлган тарихий душманлигимиздан воз кечишга чақриқ билан бир қаторда, Ҳиндистон билан тарихий рақобатни қўллаб-қувватлаб, шу рақобатни турли иқтисодий мақсадларга йўналтириш иши ҳам олиб борилмоқда. Бу бизни, жамият ва миллатлар қандай қурилиши ва ташкил этилиши тўғрисидаги нотўғри тушунчага олиб келади. Муаммонинг ўзаги ҳам мана шунда. Миллий ўзлик сақофий эътиқодларга ҳамда одамларни бир-бирига боғловчи асосий фикрларга асосланган узвий сиёсий тажрибалар билан белгиланади. Покистон вужуди асосланган фикр эса, Ҳиндистон ярим оролидаги мусулмонлар бирлашган ярим орол қитъасида келажакда ўзларининг сақофий ва ҳазорий ўзлигидан айриладилар, мусулмонларни мудофаа, ташқи ишлар ва ахборот воситалари билан ҳимоя қиладиган илмоний конфедерация мусулмонлар билан ҳиндулар томонидан биргаликда бошқарилади, деган фикрдир. Бу эса, Қуръон ва Суннат ҳукмлари асосидаги жамият қуришга интилаётган мусулмонларнинг сиёсий интилишларига мос келмайди. Қолаверса, Покистоннинг ташкил топиши ортидаги сиёсий омил

иқтисодий мулоҳазалар натижасида юзага келмаган, балки бунда бизнинг халқ ва жамият сифатидаги ўзликимиз эътиборга олинган. Ҳиндистон ярим оролини бир томонда аҳолисининг кўпчилиги муслмонлардан иборат, иккинчи томонда аҳолисининг кўпчилиги ҳиндулардан иборат икки давлатга бўлиш ғоясида асосан муслмонларнинг тавҳидга иймон келтирган мўъмин бўлганликлари, ҳиндларнинг эса мушрик бўлганликлари, бинобарин, муслмонларнинг ҳинд ҳокимиятига бўйсунилари мумкин эмаслиги эътиборга олинган. Айти шу ғоя етмиш йилдан ортиқроқ вақтдан бери ҳинду ҳукмронлигига қарши чиққан ва курашиб келаётган Кашмир муслмонларини илҳомлантириб ва рағбатлантириб келмоқда. Босиб олинган Кашмир дунёдаги энг ҳарбийлашган минтақалардан биридир. Бу нарса Ҳиндистон давлатининг муваффақиятига далолат қилмайди. Аксинча, жамият ва давлатларни янги воқеликлар ва мағлубият ҳисси асосида ташкил этиб бўлмаслигига далилдир. Тўғрироғи, ўзлари пайдо қилмоқчи бўлган дунё ҳақида тасаввурга эга ва бу ишни қанчалик қимматга тушмасин ҳақиқатга айлантиришга интилувчи кишиларнинг мафкуравий эътиқодлари ва ҳазорий интилишлари асосида жамият ва давлатлар қурилиб, қайта тузилади.

Ҳиндистоннинг юксалиши унинг саъй-ҳаракатлари туфайли эмас. Чунки Ҳиндистон қирқ йилдан кўпроқ вақт давомида халқаро майдонни ташкил этувчи буюк кучлар рақобатидан масофа сақлаб, халқаро тизимдан бир четда турарди. У бетарафликни даъво қилиш орқали ўзини Америка томонидан ўрнатилган халқаро тартибдан узоқда тутар эди. Шу боис, Ҳиндистоннинг ўсиши Хитойнинг улкан иқтисодий ўсиши борасидаги АҚШ хавотирлари билан боғлиқ. Зеро, АҚШ ташқи сиёсати ва мудофаа муассасалари Хитойнинг ўсишига нисбатан огоҳлик бонгини ура бошлади. Генри Киссинжер тасавури бўйича коммунистик лагерни бўлиш ва Совет Иттифоқини жиловлаш учун Хитойнинг йўлини очиқ қолдириш америкалик сиёсат дарғаларининг менталитетига боғлиқ бўлган. Америка Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасидаги коммунистик иттифоқнинг олдини олиш учун Хитойнинг халқаро тизимга интеграциялашувига ёрдам берди. Бу ишни Хитойни ғарб дунёси учун заводга айлантириб, ундан глобал амбициялар ва Америка трансмиллий компаниялари учун улкан бозор сифатида фойдаланиш орқали амалга оширди. Бугунга келиб, Хитой иқтисодий қудратга айланди. У ўзининг

иқтисодий қудратидан мудофаа қобилиятини оширишда ҳамда Шарқий ва Жанубий Хитой денгизида ўзини тинч куч сифатида кўрсатишда фойдаланаётган бир пайтда эса, Америка унинг геосиёсий юксалишидан кўрқмоқда ва Ҳиндистон билан Японияни Хитойга параллел куч сифатида пайдо қилиш бўйича иш олиб бормоқда. Шунинг учун Ҳиндистон билан Япония Америка томонидан ташкил қилинган ва Австралияни ҳам ўз ичига олган тўрт томонлама иттифоқнинг бир бўлаги бўлиши ажабланарли эмас. Америка Ҳиндистонни АҚШ геосиёсий кун тартибини қабул қилишга кўндириш мақсадида уни рағбатлантириб қўйиш учун Манмохан Сингх бошчилигида халқаро тизимга интеграция қила бошлади. Худди шунингдек, АҚШ лагерининг чангалига илинтириш учун Покистон ҳам Аюб Хон даврида Америка ёрдами ва қарзларига ботирилган эди. Модди даврига келиб, Ҳиндистон Америка таклифларини бажаришга ва АҚШ шахмат тахтасида Хитойга қарши фигура бўлишга тайёр эканини кўрсатди. Хитойдан ҳам худди шундай Совет Иттифоқига қарши Америка геосиёсий кун тартибини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланилган эди. Ҳиндистон ҳам бугунги кунда Американинг геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун айнан Хитойга қарши геосиёсий восита сифатида унинг ўрнини эгаллади. Ҳиндистоннинг юксалиши ва тараққий этишининг асл моҳияти мана шу. Бу Ҳиндистондаги сиёсий тизимнинг мослашувчанлиги ёки сиёсий ва ҳукмрон элитанинг зукколиги ёки таълим муассасаларининг кучлилиги билан боғлиқ эмас. Аксинча, Ҳиндистоннинг юксалиши геосиёсий ўсиш бўлиб, бу нарса унинг Ҳинд-Тинч океани минтақасида Америка сиёсатини амалга оширишга тайёр турганлиги учун берилган мукофотдир.

Ҳиндистоннинг юксалишига Покистон ҳарбий тузилмаси бевосита ёрдам берган. Зеро, Покистон Американинг «терроризм»га қарши урушида унинг ёнида туриш, армия структурасини қайта қуриш, Покистоннинг доктринасини, ҳарбий ва хавфсизлик имкониятларини қайта ташкил этиш, уларни Ҳиндистондан узоқлаштириб, «терроризм»га қарши кураш қобилиятини ривожлантиришга қаратиш, тинчлик музокараларини бошлаб, Ҳиндистон билан муносабатларни нормаллаштириш, Кашмирдан воз кечиш, Ҳиндистонда жойлашган жиҳодчилар инфратузилмасини бостириш ва назорат чизиғида ўт очишни тўхтатиш каби ишлар билан катта стратегик хатога йўл қўйди.

Буларнинг барчаси Ҳиндистоннинг Покистонга бўлган стратегик эътиборини ожайтириб, асосий эътиборини АҚШнинг минтақадаги кенгроқ кун тартибига қаратишга олиб келди. Шунинг учун Ҳиндистоннинг бугунги «ғалабаси» Покистон ҳукмдорларининг Жанубий Осиё ва Афғонистон борасида Америка буйруқларига амал қилиш учун қабул қилган ҳалокатли қарорлари туфайлидир. Ҳиндистон – биз унга «ғалаба» йўлида ёрдам берганимиз учун – ғалаба қозонди. Бироқ энг оқилона чора – воқега таслим бўлиб, ушбу ғалабани нишонлаш ўрнига – Ҳиндистонга ёрдам беришни тўхтатиш ва у билан реал рақобатни бошлашдир.

Покистоннинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий муаммоларининг асоси Покистондаги ҳукмрон элита томонидан қабул қилинган нуқсонли ривожланиш ва тараққиёт моделига бориб тақалади. Чунки Покистон ташкил топганидан бери – хоҳ Ҳиндистон билан рақобатида, хоҳ иқтисодиётининг структурасида, хоҳ ҳарбий салоҳиятини ривожлантириш ва минтақавий амбицияларига эришишда бўлсин фарқсиз – ўзининг ривожланиши ва интеграцияси Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка томонидан барпо қилинган халқаро тизимга боғлаб қўйилганидан азият чекиб келди. Негаки Покистон ҳукмдорлари Америка ёки Европа давлатларининг ёрдамсиз Покистонни бирор соҳада олдинга силжита олишларини асло тасаввур қилишмаган. Покистоннинг суғориш тизими, тўфонлари ва бутун қишлоқ хўжалиги сиёсати америкаликлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг эвазига Покистон АҚШни Совет Иттифоқига қарши кузатув базалари билан таъминлаб бериши керак бўлган. Покистон Америкага Совет Иттифоқига қарши Афғон урушида ёрдам берди. Бунинг эвазига Америкадан иқтисодий қўллаб-қувватлов ва молиявий ресурсларни олди. Шу орқали Ҳиндистонга қарши ўзининг ҳарбий салоҳиятини оширишга муваффақ бўлди. Ҳиндистон бетарафлигини эълон қилиб, қўшилмаслик ҳаракатининг бир қисми бўлган ва Американинг халқаро тизимига қўшилишдан бош тортган пайтда Америка ўз эътиборини бошқа томонга қаратди. Яъни Покистон Ҳиндистоннинг ядровий дастурига жавобан ўзининг ядровий қурол дастурини яратган пайтда Америка унинг айни дастурига Ҳиндистонни бўйсунтиришга мажбурлаш учун таёқ сифатида қараган эди. Покистон ҳам биринчи давлатга қарши чиқмаслик йўлини танлади. Америка 11 сентябр ҳужумларидан кейин Исломга қарши уруш бошлаганида, Покистон Американинг

Ҳиндистонга душманлик қилмаслик борасидаги талабларини қабул қилди ва ҳарбий доктринасини қайта тузиб, уни «терроризм»га қарши курашга йўналтирди. Бу Покистонни ўз армиясининг яшил китобига ўзгартиришлар киритишга олиб келиб, Ҳиндистонни биринчи рақамли таҳдид деб ҳисоблашдан уни буриб юборди. Покистон АҚШнинг Кашмир масаласидаги босимини қабул қилди ва Моди 2019 йил август ойида Кашмирни аннексия қилган пайтда Ҳиндистонга ҳарбий жиҳатдан қарши чиқишдан бош тортди. Ҳиндистонда жойлашган мужоҳидлар инфратузилмасини йўқ қилиш учун молиявий тадбирлардан манфаатдор ишчи гуруҳининг босимига рози бўлди. Покистоннинг энергия сиёсати ҳам Жаҳон Банки томонидан ишлаб чиқилган. Бу эса энергетика соҳасида улкан қарзларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Ана шунда Покистон ўзининг иқтисодий структурасини фақат Ғарбнинг буйруғига биноан қайта қуриш бўйича Халқаро Валюта Фондининг қатор ислоҳот дастурларини бажаришга киришди. Оқибатда Америка ва унинг кўпқиррали ташкилотларидан яна-да кўпроқ ёрдам талаб қиладиган бошқа бир инқирозга юз тутди. Бугунги кунда ҳам Покистоннинг ҳукмрон элитаси билан Ғарб зиёлилари ўртасидаги яқдил фикр шуки, Покистон ўз ривожланиш йўлини давом эттириш учун – ҳатто Америкадан мустақил равишда тараққиёт йўлига ўтган тақдирда ҳам – Халқаро Валюта Фонди ислоҳот дастурини қабул қилишдан бошқа чораси йўқ. Шу боис, ўзининг инфратузилма ва транспорт секторига сармоя жалб қилиш учун Хитойга кетди. Ҳолбуки ушбу инвестициялар Покистоннинг заиф иқтисодининг устига оғир юк бўлиб тушадиган рецепт бўлиб чиқди ва бу Покистонни банкротлик ёқасига олиб келди.

Покистон ҳукмрон элитасининг мамлакат тараққиёти ва ривожланиши учун мустақил йўлни тасаввур қила олмаслиги Покистоннинг ўтмишдан мустамлака бўлиши билан қисман боғлиқдир. Чунки Покистон Британия ҳукмронлиги даврдан кейин инглизлар қолдирган мустамлакачиликка асосланган давлат ва муассасаларни мерос қилиб олди. Зеро, инглизлар сиёсий ва фикрий муҳитни пайдо қилиб олгандан сўнг Ҳиндистон ярим оролининг тараққиёти ва ривожланишини Ғарбнинг сиёсий ва фикрий тажрибасига тақлид қилишга боғлиқ қилиб қўйган эди. Америка ушбу мустамлакачилик меросига келиб ўрнашди ва

Покистонни ўзининг халқаро тизимига бўйсунадиган қилиб, тузоққа илинтирди.

Шу нарса аниқки, глобал тизимда ҳам, бугунги кунда дунёга ҳукмронлик қилаётган халқаро молиявий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий инфратузилмада ҳам ҳукмронликни ушбу тизим доирасида тақсимлаш деган нарса йўқ. Америка бошқа барча кучларни четга суриб қўйиб, халқаро тизим устидан ёлғиз ўзи ҳукмронлик қилмоқда. Масалан, халқаро савдода ўзининг долларини жорий қилиш учун Бреттон-Вудсда Халқаро Валюта Фондига асос солди. Покистондаги тўлов баланси кризиси ҳам унинг ушбу тизимга бевосита қатнашганлиги натижасида юз берди. Покистон ва бутун Ислом дунёси халқаро савдони долларда олиб боришни – чин дилдан – танлади. Халқаро Валюта Фонди доллар етишмовчилигини бошдан кечираётган мамлакатлар учун охириги чора сифатида ташкил этилган. Қизиги шундаки, Покистон ҳам, Америка ҳам дефолт ёқасида турибди. Айни пайтда Покистон иқтисодни боши берк кўчага киритиб қўйган ва халқнинг иқтисодий қашшоқлигига ва азоб-уқубатларининг кучайишига сабаб бўлган долларлар эвазига Халқаро Валюта Фонди дастурининг оғир шартларини қабул қилишга мажбур қилинмоқда. Америка қарз чегарасини ошириш бўйича (Конгресс) қарорини кутмоқда. Чунки Америка ўзининг марказий банки (Федерал резерв тизими) орқали доллар босиб чиқаришнинг ўзига хос имкониятига эга. Покистон ва Ислом олами халқаро савдода иштирок этиш учун доллар топиши керак бўлиб турган бир пайтда, Америка ўзи пайдо қилган мураккаб молиявий тизим орқали ўз эҳтиёжига қараб уни чоп этаверади ёки экспорт қилаверади. Жаҳон Банки лойиҳаларни молиялаштириш тақдим этиладиган мамлакатларда ривожланиш жараёнини назорат қилиш учун ташкил этилган. Бу эса Ғарб манфаатлари ва Ғарб трансмиллий корпорациялари манфаатларига мос келадиган лойиҳалар учун ёрдам ва кредитлар бериш орқали амалга ошади. Масалан, Реко-Дикдаги мис ва олтин кони масаласини олайлик. Жаҳон Банкининг Халқаро арбитраж суди Покистонга Барриск Голд компаниясига кончилик шартномасини бергани учун 11 миллиард доллар жарима солди. Мана шунинг ўзи халқаро ташкилотларнинг гегемонлик ва мустамлакачилик режаларига мисол бўлади. Яна бир мисол, Америка «SWIFT» тизимидан узиб қўйиш билан ҳамда жаҳон капитал бозорлари, халқаро юк ташиш йўллари, хизматлар

ва ҳоказоларга киришни тақиқлаб қўйиш билан таҳдид қилиш орқали ўз сиёсатига амал қилмаган давлатларга санкциялар қўймоқда ва шу билан уларни ўзининг кун тартибига бўйсундирмоқда.

Шундай қилиб, халқаро тизим бутунлай Америка назорати остида. Бу тизимда ким фойда кўришини ва ким зиёнга киришини фақат Американинг ўзи белгилайди. Америка Япония билан Германияга уларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг қуролсизланиш шарти билан айна тизимдан фойдаланишга рухсат берди. Ҳозирга келиб, Америка Тайван бўғозидаги уруш таҳдиди ҳамда Марказий Европадаги Украина-Россия уруши орқали Япония ва Германияни мудофаа бюджетларини оширишга ва Американинг геосиёсий мақсадларига хизмат қилиш учун Хитой ва Россияга нисбатан янада душманлик позициясини эгаллашга мажбур қилди. Хитой бир пайтлар ушбу халқаро тизимни афзал кўрган бўлса, ҳозирга келиб, уни қандай бўлса, ўшандай ҳолатда оладиган, аммо унга таъсир ўтказмайдиган позицияда турибди. Ҳиндистон бир пайтлар ушбу халқаро режим томонидан четлатилган бўлса, ҳозир эса унинг қўллаб-қувватловларидан фойдаланмоқда. Покистондаги ҳукмрон элита эса халқаро тизим томонидан Ҳиндистонга берилган имтиёзларни қўлга киритиш эвазига Покистонни Американинг таъсир доирасида айланадиган малай давлатга айлантиришга тайёр турибди. Дарҳақиқат, Покистон раҳбарлари Ҳиндистонга қилинаётган муомалага эришиш учун бу масалани Америкага қайта-қайта кўтаришди ҳамда ўзларининг куч ва ресурсларини Американинг геосиёсий манфаатларига хизмат қилиш учун таклиф қилишди. Бу Покистон стратегик доираларида калтабинлик борлигидан дарак беради. Устига-устак, малай давлат ўзига қарз берувчи давлатнинг кун тартибидан ҳеч қачон четга чиқмаслиги очиқ нарса. Шунга қарамай, Ғарб таълимоти Покистондаги ҳукмрон элитани ҳақиқатни кўра олмайдиган кўр қилиб қўйди. Бу ҳақиқат – Америка Исломга қарши чуқур мафкуравий адоват ва исломий фикрнинг идеологик кучидан қўрқиши сабабли бир муслмон давлатнинг бу тизимда куч ва ҳокимиятни қўлга киритишига ҳеч қачон йўл қўймайди, деган ҳақиқатдир. Бундан юз йил олдин, Биринчи жаҳон урушигача муслмон юртлари Халифалик давлати томонидан бошқарилар эди. Чунки бу давлат XVIII аср ўрталаригача халқаро майдонда кучли ўйинчи бўлган. Бундан

ташқари, XV асрда бошланган Ғарб мустамлакачилик лойиҳаси дунёнинг кўп қисмларини (жумладан, Африка ва Америка қитъасини) назорат қила олди. Бироқ, исломий юртлар ва исломий ҳазорат Ғарб мустамлакачилиги олдидаги энг катта тўсиқ бўлиб турарди. Ва ниҳоят, Европа, кейин эса Америка мустамлакачилиги остида умумевропа ёки умумғарбнинг биринчи тажрибаси бошланди. Яъни сиёсий лойиҳа сифатида ягона Ғарб ҳазорати ғояси билан насронийларнинг салиб юришлари Халифалик давлатига қарши бирлашди. Шундай қилиб, ўзини қайтадан шакллантириб, ўзига эътибор бера бошлаган Ғарб ҳазоратининг таркибий бирлиги мусулмонлар ва Халифалик давлатига қарши эди. Насроний сиёсий анъаналарида ҳамда Ғарб ҳазоратининг бир қисми сифатида чуқур илдиз отган бу адоват турли Ғарб давлатлари томонидан XVII-XVIII асрларда илмоний-секуляр идеология қабул қилингандан кейин ҳам давом этди. Бугунги кунда ҳам Ғарб Ислом оламига Ислом билан Ғарб ўртасидаги ҳазорий тўқнашув нуқтаи назаридан қарайди. Унинг сўз эркинлиги номи билан Исломий қадриятларга қарши куфрни қаттиқ ҳимоя қилиши ҳамда сўнгги пайтларда Ғарбнинг Ислом оламини гомосексуализмнинг жирканч ҳаракатини қабул қилишга мажбурлаши ҳазорий тўқнашувга бир далилдир.

Покистон ва Ислом оламининг олдинга силжишининг ягона йўли Америка ҳукмронлиги остидаги бу халқаро тизимдан чиқиб, исломий фикр ва исломий ҳазорат асосида ўзининг мустақил ва тараққиёт йўлини белгилаб олишидир. Ислом оламининг Ироқ ва Афғонистондаги Америка гегемонлигига бўйсунтиришдан бош тортиши чуқур тарихий илдизларга эга. Зеро, Ислом Уммати Халифалик давлати соясида дунёга ҳукмронлик қилган ҳамда мусулмон мамлакатларида Исломни татбиқ этиб, жиҳод орқали Исломни дунёнинг қолган қисмига етказган пайтда халқаро майдонни назорат қилиб келган. Исломий Уммат асрлар давомида мавжуд вазиятга таслим бўлишни рад этиб, бир вақтнинг ўзида Рим ва Форс империяларини қўлга киритди. Константинополни забт этиш билан Рим империясини яқсон қилди. Фаластин тўқсон йил давомида христиан оламига бой берилгандан кейин уни насронийлар назоратидан озод қилиб, Европа мустамлакачилигига қарши жанг қилди. У ҳозирда Фаластин учун қақшатқич курашга тортилган. Америка гегемонлигидан қутулишнинг йўли Исломни бошқарув ва ҳокимиятга қайтаришдан

иборат. Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ ва Африкадаги исломий юртларнинг барчасини битта халифа ҳукмронлиги остида бирлаштирган ягона Уммат табиий ресурсларга бой умматга айланади. У, шунингдек, қудратли давлатга айланиб, инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат деган глобал мавқеини қайтариб олади.

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасаларда – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган Зотдир»

[Тавба 33] □

ЯХУДИЙ ҲУКУМАТИ КЕЛАЖАГИ... ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОСИМЛАР ЎРТАСИДА

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Маълумки, Кнессетдаги конституциявий кўпчиликдан ошиб, 120 ўриндан 63таси қўлга киритилиши билан навбатдаги яҳудий ҳукумати тузилди. Оммавий ахборот воситаларига кўра, бу ҳукумат иккита қаттиққўл диний партия ва сайловларда 14 ўринни эгаллаган учта экстремист ўнг қанот партиялар билан коалиция тузди. Партия лидерлари – Бецалель Смотрич (Сионистик диний партия), Итамар Бен-Гвир (Оцма Йехудит партияси) ва Ави Маоз (Ноам партияси) коалицион ҳукуматнинг таркибий қисмига кирди. «Ликуд» партияси вазирлик портфелидан 15тасини, жумладан хавфсизлик, ташқи ишлар ва таълим вазирликларини қўлга киритган бўлса, ултраортодоксал бўлган Шас партияси 5тасига эга бўлди. Энди унинг лидери раввин Арье Дери ички ишлар вазирилиги ва соғлиқни сақлаш вазирилигини бошқаради. Бунинг муқобили ўлароқ, «Радикал яҳудийлар қаршилиқ ҳаракати» – уларни шундай номлашади – вазирлик портфелидан 3тасини қўлга киритди. Улар ичида энг асосийси «Хавфсизлик вазирилиги» бўлиб, уни партия лидери Итамар Бен-Гвир бошқаради. Айни пайтда Диний сионистик партия ҳам 3та портфелни қўлга киритишга эришди. Улар ичида энг аҳамиятлиси «Молия вазирилиги» бўлиб, уни ҳаракат раҳбари Бецалель Смотрич эгаллайди.

Шу шаклда яҳудий вужудида баъзи қонунларга ўзгартиришлар киритилиб, бир неча вазирликка янги салоҳиятлар берилди. Бу эса кўчаларда ва ҳатто армия кучлари орасида норозилик, тўс-тўполонлар юзага келишига сабаб бўлди. Армияга қарашли радионинг 2022 йил 29 декабрда вазирликлар салоҳиятидаги ўзгаришлар ҳақида тарқатган хабарига кўра, Ликуд партияси ва яҳудий дахлсизлиги ҳаракати ўртасидаги коалиция келишуви матнида чегара қўшинларининг тўлалигича миллий хавфсизлик вазири Бен-Гвирнинг салоҳиятига ўтиши айтилган. Радионинг таъкидлашича, ушбу бандга кўра, Бен-Гвир ўзига боғлиқ бўлган ва ўз таълимотларига бўйсунадиган хавфсизлик кучларини тузиш имконига эга бўлади. Баъзи партияларни ташвишга солаётган яна бир нарса гомосексуалистлар ва арабларга душман кайфиятдаги экстремист ўнг қанот Наом партиясининг коалицияга қўшилганидир. Кнессетда битта ўринга эга ҳамда бош вазир девонида вазир ўринбосари ва партия лидери бўлмиш Ави Маоз

яқинда ташкил топган «Миллий яҳудий ўзлик» ҳайъатига масъул қилиб тайинланиши кутилмоқда. Ушбу янги ҳайъат (Исроил) мактабларида мунтазам ўқув дастурларидан ташқари бериб бориладиган контент устидан ваколатга эга бўлади. Бу эса мактабларда дарс бериш учун тайинланган норасмий органлар устидан ҳам назорат қилиш ҳуқуқини беради.

Ҳукуматнинг вазир ва амалдорлари томонидан бир қанча баёнотлар берилди. Жумладан ички ишлар вазири Итамар Бен-Гвир 2023 йил 25 январдаги баёнотида «Нетаняхуга қаршилик билдириб, Масжидул-Ақсога тажовуз қилишда давом этишини айтди. Маълумки, Нетаняху Иордания қиролига босиб олинган Қуддусдаги Ақсо масжидидаги мавжуд вазиятни сақлашга ваъда берган эди. Бу Иордания элчисининг 2023 йил 17 январда Ақсога сафар қилишига тўсқинлик қилиниши ортидан содир бўлди». Бен-Гвир 2023 йил 17 январда яҳудий радиосига берган интервьюсида бундай деди: «Иордания қиролига тўла эҳтиром ила... Исроил мустақил давлат. Мен Жабалул Ҳайкал (Масжидул Ақсо)га кўтарилдим ва шунда давом этаман». У очиқ-ойдин «терроризмга қарши кескин кураш олиб боришини» билдирди. Бен-Гвир, шунингдек, полиция зобитларига тош отаётган намоийшчиларни ўққа тутиш имконини бериш ва хавфсизлик кучларининг ҳуқуқий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида ўқ узишга қўйилган чекловларни юмшатишни хоҳлаётганини айтди.

Ушбу ҳукумат ички ва ташқи босимлар тўғрисида қай даражада олдинга силжиши мумкин? Мамлакат ичидаги ўнг қанотлар билан халқаро хорижий томонларни рози қилиш йўлида бу сиёсий ранг-баранглик қачонгача давом этади? Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин қуйидагиларга тўхталиб ўтамиз:

Биринчидан: ҳозирги яҳудий ҳукуматининг шаклланиши табиатига назар ташлаган киши, унинг зиддиятлар омухтасидан иборат эканини кўради. Бу яҳудий вужудида ҳукуматни ташкил қилишни тартибга соладиган қонун табиатининг муқаррар натижасидир. Шунингдек, ўта ўнг қанот ва ўта сўл қанот яҳудий партиялар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилик ва ўзаро нафратнинг ҳам натижасидир. Яҳудий қонунчилигига кўра, бош вазир биринчи навбатда 3.25 фоизлик чегарадан ошганига, сўнг ўринларнинг кўпини қўлга киритганига ҳамда 120 ўриндан ташкил топган Кнессетнинг ярмидан кўпига эришганига қараб сайланади. У ўзини демократик деб атаган кўплаб мамлакатларда бўлгани

каби бевосита сайланмайди. Бу эса ўз навбатида яҳудий вужуди бош вазирини – бу улардаги энг юқори қарор чиқарувчи сиёсий орган ҳисобланади – ҳукумат таркибининг, бошқача айтганда ҳукумат таркибидаги сиёсий партияларнинг гаровига айлантириб қўяди. Демак, шарт қилинганидан битта овоз бўлса ҳам кам овоз олиш ҳукуматнинг, шу жумладан бош вазирнинг қулашини англатади. Бинобарин, қайтадан сайлов ўтказиб, янги ҳукумат тузиш заруратини пайдо қилади.

Иккинчидан: яҳудий вужуди умуман олганда, ўз сиёсати, иқтисоди ва хавфсизлиги жиҳатидан заиф бир вужуд бўлиб, ҳақиқий маънодаги давлат даражасига кўтарила олмайди. У аслида барча таркибий қисмларида Ғарбга, хусусан, Америкага боғланган бўлиб, бусиз бир кун ҳам яшай олмас эди. У айниқса, қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам Ғарбга малай бўлган режимлар томонидан қўриқланади.

Биз юқорида ташланган саволга мана шу айтиб ўтилган ишлар орқали қуйидагича жавоб берамиз: ҳақиқат шуки, бу ҳукумат сиёсий зиддиятларга асосланган. Уни кўпроқ манфаат ҳукумати дейиш мумкин. Чунки ҳукумат ички ишлар вазирлиги ва соғлиқни сақлаш вазирликларини эгаллаши кутилаётган, солиқ тўлашдан бўйин товлаганликда айбланган ва айни айблов билан 2022 йилда судга тортилган Шас партияси лидери раввин Арье Дери иши бўйича суд қарорига қарши чиқди. Шунингдек, молиявий коррупция, порахўрлик ва фирибгарликда айбланаётган, айниқса, Безек компанияси билан ҳамда бош вазирнинг имиджини пора эвазига яхшилашга ҳаракат қилган иброний газеталар билан боғлиқ ишларда қораланаётган амалдаги бош вазир Нетаняхунинг иши бўйича суд қарорига ҳам қарши чиқди. Бу нарса ҳукуматни унда иштирок этаётган диний партияларнинг гаровига ҳамда уларнинг айниқса, Фаластиндаги босиб олинган ҳудудлар, хусусан, муборак Масжидул Ақсо борасидаги сиёсий кўз қарашларининг гаровига айлантириб қўяди. Буларнинг барчаси ҳукуматни икки чегара ўртасида яшашга мажбур қиладики, у иккаласини ҳам ҳатлаб ўтолмайди:

Биринчи чегара: бу ҳозирги халқаро вазият сабабли юзага келган сиёсий чегара бўлиб, асосан АҚШнинг Фаластин масаласидан ҳам нозикроқ ва муҳимроқ бўлган, хусусан, Украина урушидан иборат бўлган кўплаб масалалар билан машғул бўлиб қолганлиги сабабли юзага келди. Америка ҳозирги шароитда

вазиятни таранглаштириш, океан узра жангларга шўнғиш ва айна дамда ечимлар тақдим этиш ўрни эмас деб билипти. Негаки у ўз манфаатлари мезони бўйича янада муҳимроқ ва халқаро аҳамиятга молик ишлар билан банд. Айна пайтда АҚШнинг Фаластин масаласига нисбатан кўз қараши музокараларни қайта жонлантириш ва қандайдир ечимлар тақдим этиш эмас, балки орқага суриб туришдир.

Иккинчи чегара: бу – яҳудий партияларнинг қарашлари ва сиёсий программаларидир ҳамда ўз тарафдорлари ва сайловчилари тарафидан бўлаётган ички босимлардан қийналаётганидир. Масалан, Бен-Гвир ўзининг 2023 йил 5 майга белгиланган Ақсо сафарини Нетаняхунинг мурожаатларига ва сафарни кечиктириб туриш борасидаги талабларига қарамай, орқага суролмади. У бу ташрифни орқага сурмоқчилигини билдирганда, қўллаб-қувватлаган диний жамоалар уни ёлғончилик ва сиёсий хоинликда айблаб, қаттиқ танқид қилишди. Бу эса уни тезкор ва юзаки шаклда бўлса ҳам Масжидул Ақсога киришга мажбурлади.

Бу ерда сўлчилардан иборат мухолафатга тааллуқли ҳамда армия билан боғлиқ – гарчи армия сиёсатга аралашмаслигига қарамай – бир ички сиёсий масала мавжуд. Аммо Бен-Гвирнинг армияга оид баёнотлари ҳамда ички хавфсизликни назорат қилишга, чегара қўшинлари бошқарувини тўлиқ ўзининг ваколатлари доирасига киритишга бўлган чақирувлари, шунингдек, ўзига қарашли ва ўзининг кўрсатмаларига бўйсунадиган хавфсизлик кучларини ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритиши... бу ва бундан бошқа Бен-Гвирнинг суқилишлари армия кўмондонларини бошқарувга аралашишга ва ички хавфсизлик вазири томонидан келадиган бўйруқларга бўйсунмаслик билан таҳдид қилишга ундади. Тель-Авивда яҳудий вужуди ичидаги бир қанча фракциялар, партиялар, қонуний-ҳуқуқий ташкилотлар иштирокида намоишлар бошланиб, унда иштирокчилар амалдаги ҳукумат, унинг таркиби ҳамда давлатга ички ва ташқи жиҳатдан таъсир кўрсатаётган сиёсатидан норозиликларини билдиришди. Айна шу ҳаракат кўпайиб, кенгайиб бормоқда ҳамда умумий шаклда яҳудий жамиятидаги бўлиниш таҳдидини юзага келтирмоқда. 2023 йил 27 январь шанбага ўтар кечада Тель-Авивда 120 мингдан ортиқ киши намоиш ўтказди. Улар давлат демократиясини ёқтирмайдиган, хусусан, гомосексуалистлар ва

аёл эркинлигига тааллуқли қонунларни ҳурмат қилмайдиган партияларни ҳамда бир қатор янги қабул қилинган қонунларни қораладилар.

Дарҳақиқат, бу воқелик кўплаб ички ва ташқи реакцияларни келтириб чиқариб, аллақачон бўлиниб бўлган яҳудий жамияти ичида парчаланишнинг кучайишига олиб келди. Мазкур реакциялардан мисол тариқасида айримларини келтириб ўтамыз:

1 – Дипломатик жиҳатдан. Ташқи ишлар вазирлигидан нафақага чиққан 100дан ортиқ элчи ва дипломатлар Нетаняху бошчилигидаги ҳозирги ҳукумат сиёсати Тель-Авивнинг ташқи алоқаларига путур етказиши мумкинлигидан хавотир билдиришди.

2 – Янги ҳукуматнинг қасамёд маросимидан бир неча соат олдин АҚШдаги 300дан ортиқ яҳудий раввинлар бир мактуб имзолашди. Мактубда яҳудий вужуди билан ташқаридаги яҳудий диаспоралари ўртасидаги алоқаларга ўнглаб бўлмас даражада путур етишига амалдаги ҳукуматнинг сабабчи бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирилган. Мактубга имзо чекканлар янги маъмуриятнинг айрим сиёсатларини демократик принципларга тупуриш, дея баҳолаб, ҳукуматни аёллар, гейлар, лесбиянкалар, бисексуаллар ва яҳудий транссексуаллар ҳуқуқини поймол қилиш, ишғол остидаги ғарбий соҳилни аннексия қилиш, яҳудий олий судини парламентга бўйсундириш каби режаларни ишлаб чиқаётганликда айблашган.

3 – Сўл қанот бўлган ибронийча Гаарец газетаси Нетаняху бошчилигидаги янги коалицион ҳукуматни ўта экстремист, ирқчи, гомофобик, яҳудий вужуди тарихида энг теократик ҳамда ички бўлинишларни янада чуқурлаштириши, озчиликлар ҳуқуқини чеклаб қўйиши, яҳудийлар ва фаластинликлар ўртасидаги курашни янада кучайтириши мумкин бўлган ҳукумат, деб баҳолади.

4 – АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен янги ҳукумат тузилганидан сўнг, Америка икки давлат ечими истиқболларини шубҳасиз бузадиган ҳар қандай амалиётларга, шу жумладан аҳоли пунктларини кенгайтириш ва Ғарбий Соҳилни аннексия қилиш уринишларига қарши туришда давом этади, дея очиклади.

5 – Иброний телеканалнинг хабар беришича, мухолиф партиялардан бўлган Кнессетдаги депутат аёллар Нетаняхуга мактуб йўллаб, коалиция келишувларидаги аёллар мақомига дахл қилувчи бандларни бекор қилишни сўрашган. Телеканалга кўра, депутат аёллар Ликуд партияси билан ортодоксал ҳаракат бўлган

«Бирлашган таврот иттифоқи» ўртасидаги коалиция келишуви бандига ишора қилиб ўтишган. Зеро, айна келишув бандида расмий муассасалар томонидан ташкил этилган тадбирларда икки жинс вакиллари орасини ажратиш шартлиги айtilган. Депутат аёллар мактубида Шас билан тузилган келишув бандига ҳам эътибор қаратилган. Зеро, ушбу келишув банди Таврот маҳкамаларига шахсий ҳолатга алоқаси бўлмаган фуқаролик масалаларини ҳам кўриб чиқиш имконини беради. Бу депутатлар судьяларини раввинлар ташкил қилувчи Таврот маҳкамаларининг аёлларга нисбатан ноҳолис ҳукмлар чиқаришидан огоҳлантиришди. Худди шу тарзда олий маҳкама собиқ раисаси Дорит Бейниш ҳам янги ҳукуматни танқид остига олиб, яҳудий давлати бу ишлари билан зулматли босқичга кириб бормоқда деди. Армия радиосига берган интервьюсида Бейниш янги ҳукумат аёлларга душман эканини, тенгсизликни мустаҳкамлашини урғулади.

6 – Миллий лагер партияси раҳбари ва собиқ хавфсизлик вазири Бени Ганц бошчилигидаги муҳолафат партиялари 2023 йил 10 январда бош вазир Биньямин Нетаняхуни – агар адлия вазири Ярив Левиннинг ҳукумат томонидан қабул қилинган ва коалиция партиялари томонидан қўллаб-қувватланган режаси амалга ошгудек бўлса – яҳудий вужудини хатарли фуқаролар урушига тортаётган бўлади, деб айбладилар. Ярив Левиннинг режаси олий суднинг ваколатини чеклаш мақсадида суд тизимидаги туб ўзгаришларни ҳамда Кнессетни ҳукумат тақдим қилган ва амалга оширишни мақсад қилаётган барча қонун ва қарорларнинг сўнги тасдиқланиш минбарига айлантиришни ўз ичига олади.

7 – Еш Атид партияси лидери Яир Лапид демократияни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хаосдан огоҳлантирди. У бундай деди: «Ҳамма нарсага рухсат берилган ва ҳокимиятдаги барча мувозанат ва назоратлар бирдан бекор қилинган давлат демократик давлат эмас. Балки у асосий мақсади ҳеч қандай муҳолафат ва баҳс-мунозарасиз ҳокимиятни сақлаб қолиш бўлган ҳукуматдир. Унинг бу иши ўз уйимизга қарши ўзимиз бошлаган ва қандай тугашини билмайдиган урушдир».

8 – Собиқ бош вазир Эҳуд Барак 2023 йил 9 январда ички ишлар вазири Бен-Гвир ва ҳукумат раиси Нетаняхуни танқид қилиб, яҳудий вужуди ичкарасида кенг кўламли намоишлар билан таҳдид қилди.

У Бен-Гвир ва Нетаняхуни танқид қилиб, жумладан бундай деди: «Қарши кураш бизнинг бурчимиз ва улар бундан жуда яхши ҳис қиладилар». У яна «Бен-Гвир намоишларга қарши полиция оёққа туради, дея қўрқитмоқда. Нетаняху уни қўллаб-қувватляпти. Уларнинг иккиси ҳам қилмишига пушаймон бўлиб, қаршимизда тиз чўкишади» деди. Сўнг бундай қўшимча қилди: «Бу нарса ҳукуматнинг асл башарасини очиб беради. Булар миллатчиликни ўзларига қурол қилиб олган порахўр, заиф, эксплуататор кимсалардир».

9 – Яҳудий доиралар ўртасида норозиликлар кучайиб, ҳукуматни ағдариш учун бўлган чақириқлар давом этди. Муҳолафат вакилларига кўра, таклиф этилаётган ислохотлар суд ҳокимияти мустақиллигига путур етказиб, коррупцияни авж олдиради. Шунингдек, суд тизимига нисбатан ишончсизликни пайдо қилиш билан бирга, озчиликлар ҳуқуқлари нуқтаи назаридан олиб қараганда муваффақиятсизлик сифатида баҳоланади. Намойишчилар коалицияни «шармандалик ҳукумати» деб қораловчи баннерлар кўтариб чиқишган.

Ҳозирги яҳудий ҳукумати бошдан кечираётган сиёсий воқелик уни ички ва ташқи кўплаб қийинчиликларга рўбарў қилмоқда. Шунингдек, Кнессетдаги 14та ўринни, вазирликдаги 15та портфелни назорат қилувчи ўнг қанот партиялар босими сабабли қаршиликларнинг янада кучайиб, эҳтимол, ҳукуматнинг қулашидан ҳам огоҳлантирмоқда. Бу чигал воқелик қаршисида Нетаняху ё ички босим ва қаршиликларни бироз юмшатадиган қандайдир инқирозли вазиятни юзага келтириб, сўнгра ўз манфаат ва мақсадларини амалга ошириб олгунча ҳукуматни сақлаб туриш йўл-йўриғини кўриши керак ёки аҳоли пунктларини кенгайтириш ва Ғарбий Соҳилдаги янада кўпроқ ҳудудларни эгаллашда радикал ўнгчиларга бўйсуниб, Ақсога қилинаётган тажовузларга сукут сақлаши керак. Лекин бу ишларнинг барчаси Қуддусда ва ишғол остидаги бутун Фаластин ҳудудида хавфсизликнинг издан чиқишига олиб келади. Қолаверса, ҳукуматни Америка ва унинг Фаластин масаласидаги бугунги кўз-қарашига қарши қилиб қўяди. Нетаняху ҳукумати учун ўзи йўлиқаётган бу сиёсий кризисдан чиқишнинг энг осон йўли ички инқирозлардан ташқарига чиқиш, улар билан ўралашмаслик ва яҳудийларни ташқи «хатар» қаршисида бирлаштиришга ҳаракат қилишдир. Бу эса Фаластин маъмурияти қўл остидаги минтақаларга – бир неча кун олдин

Жанинда бўлгани каби – кетма-кет қонли, вайронкор ҳужумлар уюштириб ёки Ғазо секторига ҳаводан зарбалар йўллаб, сунъий ҳарбий хавфсизлик муаммосини пайдо қилиш орқали амалга оширилади. Ички вазият барқарорлашгунча сиёсий ва ҳарбий доиралар шу тарзда банд қилиб турилади.

Хотима ўрнида айтамизки, бугунги кунда яҳудий ҳукуматида содир бўлаётган ҳодисаларнинг табиати ва бўлажак сиёсий курашлар бизга қуйидаги бир қанча ҳақиқатларни эслатмоқда:

1 – Яҳудий ҳукуматида содир бўлаётган ҳодисалар Аллоҳ Таолонинг мана бу қавлини ёдимизга солмоқда:

﴿لَا يَأْتِلُونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي قَرْى مُحْصَنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ﴾

«Улар (мунофиқ ва яҳудийлар) бирлашган ҳолларида сизлар билан фақат қалъа-қўрғонли қишлоқлар ичида (беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қила олулар, (яъни ҳеч қачон сизларга қарши очиқ жангга чиқа олмаслар). Улар ўз ўрталарида кучли-кувватлидирлар, (яъни, жанг-жадал бўлмасдан туриб ўзаро куч-қудратли эканликлари ҳақида лоф ураверадилар, аммо жанг пайтида ожиз-қўрқоқдирлар). (Оғизларидаги сўзларидан) уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари хилма-хилдир. Бунга сабаб, уларнинг ақлсиз қавм эканликларидир» [Ҳашр 14]

Бу партияларнинг барчасини Исломга нисбатан муштарак душманлик бирлаштиради. Улар ўзаро зиддият ва нафратда бўлиб, сиёсий табақа ва унга етиш йўлида шарқий ва ғарбий қисм, камбағал ва сармоядорлар, хўжайин ва қуллар, радикал диндорлар ва учига чиққан сўлчиларга бўлинишган. Улар ранги ҳам, манзил-макони ҳам, муштарак дини ҳам бўлмаган омукта ташландиқлардан иборат бир нарсадир.

2 – Нетаняху жангни ҳукумат ва мухолафат доирасидан ташқарига олиб чиқишга ҳамда ишларни ўзининг ва баъзи вазирларнинг аввалги коррупцияси учун маҳкамада ҳисобот бериш доирасидан олиб ташлашга уриняпти. Бунинг учун фаластинликлар билан янги кескинликларни пайдо қилиш орқали – ваҳоланки бу ўзларининг таъбири бўйича, жангдаги энг заиф бўғин – кризисни ташқарига экспорт қилиш керак ёки уни Ғазога тезкор, чекланган ва одатий зарбалар йўллашга кўчириш керак. АҚШ давлат котибининг минтақа сафари дастурининг биринчи

бекати сифатида нима учун Миср танланганини ҳам шу нарса изоҳлаб турибди. Мақсад, вазиятни тинчлантириш ва кескинликка йўл қўймаслик учун ҳар икки томонга ҳам босим қилишдир.

3 – Ушбу ҳодисаларнинг табиати, уларнинг тезлашиб бораётгани ва яҳудийларнинг бузғунчилиги Фаластин маъмуриятини ўз аҳолиси ва яҳудий ҳукумати олдида қийин аҳволга солиб қўяди. Агар армия ҳокимиятнинг барча бўғинларига бостириб кириб, айрим ҳарбий хизматчилар ва сиёсатчиларга қарши муайян ҳаракатларни амалга оширса, иш янада оғирлашади.

4 – Ақсо ва унинг атрофида содир бўлаётган ҳодисалар бутун Ислом Умматида ўз ҳукмдорларига нисбатан нафрат уйғотиб, Фаластин аҳлига нусрат-ёрдам бериш олдидаги тўсиқларни олиб ташлашга ундайди. Хусусан, Уммат бунга ўзидаги Ислом ва Ақсога бўлган муҳаббати ҳамда яҳудийларга нисбатан нафрати сабабли ошиқмоқда.

Аллоҳ Таолодан сўраб қоламизки, ушбу ҳодисалар Ислом Умматига хайр-баракот дарвозаларини очиб берсин. Салибчилар бузғунчилиги тугаб, Оли Зангий ва Айюбийлар томонидан юрт ва фуқаро тўлиқ озод этилган замонда бўлгани каби, бугун ҳам яҳудийларнинг бузғунчилиги Умматнинг ягона Халифалик давлатидаги битта раҳбарият остида ўз динига қайтишига сабабчи бўлсин. Аллоҳумма омин. □

ҒАРБНИНГ ҲАЗОРИЙ БУЗУҚЛИГИ ГОМОСЕКСУАЛИЗМГАЧА БЎЛГАН ҲАР ҚАНДАЙ БУЗУҚЛИКНИНГ «ИНКУБАТОРИ»ДИР

Муножйй Мухаммад

Ғарбнинг илмоний-секуляр модели материя қонунларини мукаммал билиш воқеликка тўлиқ ҳукмрон бўлишга ва ундан инсон манфаати ва саодати учун фойдаланишга олиб келади, деган догматик (постулат¹) тахмин билан бошланган. Кейинчалик иллюзия² ғубори, соддалаштириш алдови ва материалистик илмоний редукционизм³ сохталиги тумандек тарқалиб кетди. Ана шу соддалаштириш билан бузғунчи редукционизмнинг ўрнини Ғарб муфаккирларининг чуқур идроки эгаллади. Бу чуқур идрок қуйидагичадир: «Инсон, ҳаёт ва коинотнинг ҳақиқат-моҳиятини ҳар томонлама, тўлиқ билиш, ҳатто деярли тўлиқ билиш ҳам амри маҳол, иложи йўқ ишдир. Номаълумлик майдони кенгайиб ва катталашиб бораверади. Маълумлик доираси эса, кичрайиб ва емирилиб бораверади. Моддий ва илмий билимлар лаборатория чегарасидан нарига ўтиб кетадиган инсоний феноменни тушунишдан ожиздир. Бунинг устига бу билимлар кўп даражада фаразийликка асосланган. Инсон воқелиги эса мураккаб ва чигалдир». Шундай қилиб Ғарбнинг илмоний тафаккуридаги маърифий «нисбийлик» тушунчаси пайдо бўлди. Унинг материалистик илмоний фалсафасининг камчиликлари ойдинлашиб, Ғарб илмоний тафаккури «борлиқ ҳамда унинг сабаби», «борлиқ ҳамда унинг маъно ва ғояси», «бахт», «тақдир», «қадриятлар», «яхшилиқ ва ёмонлик» каби улкан ҳазорий масалалар қаршисида ожиз туриб қолди.

Кейин Ғарбнинг материалистик илмоний фалсафасининг фикрий чигаллиги янада жиддий тус олди. Охир-оқибат бу фалсафа янги фикрий лабиринтга тушиб қолди. Нигилизм⁴ тушунчалари майдонга чиқди. Уларнинг ортидан «постмодернизм», «постметафизика», «постсекуляризм», «постфилософия» каби пост ... пост... пост... деган тушунчалар пайдо бўлдики, бу «пост» деган сўз Ғарб илмоний тафаккурини бошқарадиган бир ажралмас

(1) Исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз.

(2) Сизгиларнинг номукамаллиги, алданиши натижасида борлиқни, воқеликни нотўғри идрок қилиш.

(3) Мураккаб ҳодисаларни оддийроқ, соддароқ ҳодисаларга хос қонунлар воситасида тушунтириш.

(4) Ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни инкор этиш.

термин ва тушунча бўлиб қолди. Бу терминни текшириб, ўрганиб чиқилса, у мавжуд тизимнинг банкротлигини камайтириш ва унинг ўрнига альтернативани ўйлаб топишдан ожизлик бўлиб, у мавжуд нарсани фалсафий услуб билан рад этиш ва келгусида бўладиган нарсани олдиндан кўра олмасликдир. Уни фалсафа сифатида ясаиб, унга деконструкция фалсафаси ёки постмодернизм деган ном берилди.

Шундай қилиб, Ғарбнинг илманий материалистик тафаккури охир-оқибат ҳамма нарсани қамраб олувчи нигилизм ва ҳақиқий материалистик иррационаллик даражасига етди. Буни аҳмоқона фалсафа десангиз ҳам бўлади. Ғарб ўзининг фалсафий ва фикрий бузуқлиги «шарбати»ни ишлаб чиқариб, уни ўзининг ҳазорий бузуқлиги сифатида кўрсатди. Ғарбнинг материалистик илманий фалсафаси инсонни кар-соқов моддага айлантириб, инсон масаласига нуқта қўйди. Бу фалсафа бўйича материалистик талқинга ҳамда материянинг ўлчов ва қонунларига кўра инсон, ҳайвон, маймун, личинка (қурт), дарахт ва тош тенгдир. Бундай фикрий бузуқлик назариялари ва мактабларига асос солиниши натижасида Дарвиннинг Ғарб ирқчилигига асос солган назарияси пайдо бўлди. Бунда илманий дарвинизмнинг «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши», «энг кучли омон қолади» деган мезонлари асосида одамлар танланиб, сараланади. Шунингдек, Уильям Жеймс ва Томас Мальтуснинг саралашни тамомига етказиш учун аҳоли массаси ҳажмини камайтириш ва ортиқча аҳолини йўқ қилиш ҳақидаги назариялари, Фрейднинг порнография, гомосексуализм ва жинсий анархияга асос солган материалистик психоанализ назарияси ва мактаби ҳам пайдо бўлди. Кейинчалик Павлов инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи ҳар қандай муқаддасликдан маҳрум қилиб, уни ҳайвонга тенглаштириш учун инсон билан ит устида тажрибалар ўтказди. Пировардида Ғарбнинг илманий фалсафий бузуқлиги бир ёқлама бузуқ талқин қилиш даражасигача етди. Унга кўра борлиқ, бутун борлиқ фақат кар-соқов материядан иборат бўлиб, у на яхшилиқни, на ёмонлиқни, на қадриятларни, на ахлоқни, на маънони ва на ғояни билади. Аксинча, яхшилиқ, ёмонлиқ, қадриятлар деб тавсифлаш (жисмоний номутаносиблик, атроф-муҳит, генлар, безлар, гормонлар, ферментлар...) каби шунчаки қуруқ моддий ҳодисаларнинг тавсифидир. Уларга нисбатан (дори-дармонлар, жарроҳлик операциялари, косметик

жарроҳлик, углерод чиқиндиларни камайтириш...)дан иборат қуруқ моддий воситалар билан муносабатда бўлинади.

Ҳеч қандай маърифий ишонч, иймон, қадриятлар ва ахлоқ йўқ бўлган шароитда мақсад, қадрият, меъёр, маъно ва ғоя деган нарсаларга ҳам ўрин қолмади. Уларнинг ўрнини зулматли нигилизм ва мутлақ ҳайратланарли шубҳалар эгаллаб олди. Қарама-қаршилиқлар тенглашиб, зиддиятлар оқланди. Тутуриқсизлик ва ноаниқлик фикрий услубга, бўшлиқ маърифий моҳиятга айланди. Ғарб модернизмнинг ўзи нигилизм ва бемаънилик экан, демак постмодернизм беҳуда нигилизм тубига чўкишдир. Илмоний нигилизм биринчи асосни инкор қилган фалсафанинг табиий натижасидир. Бу фалсафа инсоний масаладаги маъно ва ғоянинг муқаррар асосий шарти бўлмиш иймонни, яъни инсонни яратган яратувчига иймон келтиришни бекор қилди. Шундай экан, асбоб-усқунанинг яратувчисини-ишлаб чиқарувчисини инкор қилган кофир (шахс) қандай қилиб унинг маъносини ва ундан кўзланган ғояни идрок қила олсин ахир. Оқибатда, муқаррар натижа йўқлик, адашиб тентираш ва ҳайронлик бўлади, холос. Буни унинг файласуфларидан бири Ричард Рорти (1937-2007) шундай ифодалаган: «Ҳозирги илмоний ҳазорат муқаддаслик ғоясини инкор қилиш ёки уни тубдан қайта талқин қилиш билангина кифояланмайди. Аксинча, у инсоний ўзликка ҳам ҳақиқат манбаи сифатида ҳужум қилади».

Материалистик илмонийлик ўзининг бузуқ фалсафаси оқибатида ўз сақофий билимларини ҳақиқатларни бузиб кўрсатиш, шубҳа ва ишончсизлик уруғини сепиш, чалкашлик ва зоелик келтириб чиқариш қуролларига айлантирди. Али Иззатбекович (роҳимаҳуллоҳ) бундай дейди: «Шундай қилиб, биз диний социология диннинг асосий моҳиятини, психология фани жонни, антропология (инсонни сақофий жиҳатдан ўрганиш) фани эса инсоний шахсиятни йўқ қилаётганини кўрдик. Этика (ахлоқ фани) эса биз ахлоқ деб ҳисоблаб юрган нарса шунчаки маданий худбинликнинг бир тури эканини кўрсатди. Яъни этика фанида ахлоқ ахлоқни инкор қилади. Бугина эмас, балки биология фани инсон аслида ҳайвондир, ҳайвон эса бир нарсадир, ҳаёт ҳам охир-оқибат шунчаки жонсиз механизмлардир, деган хулосага келган».

Ғарбнинг материалистик илмоний фалсафасининг бу ҳазорий бузуқлиги башарият бошига ўзининг мисли кўрилмаган фожиаларини солди. Масалан, башарият тарихида биринчи марта

инсон мавжудлигининг маъно ва мақсади бекор қилиниб, ҳеч қандай қадрият ва ахлоққа эга бўлмаган, яхшилик ва ёмонлик ўлчов ва меъёрларини инкор қиладиган, етиб келган сўнги инстанцияси ҳар қандай мурожаат манбаини инкор қилишдан иборат бўлган сунъий «дин» пайдо қилинмоқда. Бу бузуқ маърифий ахлоқсизлик на муқаддас нарсаларни, на мутлақ нарсаларни, на ҳақиқатларни ва на ҳаромларни билади. Унда илмоний инсон ҳазорий жиҳатдан батамом бўшлиқда. Унинг ҳар бир бўлак аъзоси шунчаки материя ва жисмоний мушак массасидир. Ушбу мушак энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида то чириб кетгунга қадар тўлиқ ишлатилар экан, ҳар қандай ахлоқий ёки инсоний қадриятлардан четлатилган ҳамда тадбиркор яратувчига бўлган алоқаси тан олинмаган ҳолда ишлатилади. Шу тарзда материалистик илмоний фалсафа ўз бузуқлигида ўзининг энг муҳим «ютуғи»га эришди. У ҳам бўлса инсоннинг инсоний истеъдоди-қобилияти ҳамда ўзини ва ғоясини англаш қуроли бўлган ақлни бекор қилишдир. Балки бу фалсафа инсонни – қуруқ моддий мотивларгина ҳаракатга келтирадиган, материя доирасидан ташқарига чиқмайдиган, бу қуруқ моддий ҳаракатдан мақсад фақат моддий мақсад бўлмиш лаззатга эришиш бўлган – қуруқ моддий нарсага айлантириб қўйди. Бу фалсафага кўра, ушбу ҳаракатга келтирувчи мотивларнинг ҳамда узвий эҳтиёж ва ғаризаларни қондиришларнинг ўз яратувчиси, қайта тирилиш, ҳисоб бериш, савоб, жазо, жаннат, дўзах, қадриятлар, ахлоқ, ҳалол ва ҳаромга ҳеч бир жиҳатдан алоқаси йўқ. Шу тарзда материалистик илмоний фалсафий тизим ҳаёт фалсафаси сифатида материалистик телбалик ва маъносиз нигилизм даражасига етди. Буни унинг тузумлари рўйи рост кўрсатиб турибди. Натижада бузуқлик-ғайритабиийлик ушбу фалсафа ва ҳаётнинг ўзига хос хусусиятига айланиб қолди.

Ғарбнинг илмоний ақли бузуқ бўлганлиги сабабли унинг меҳнат-ҳаракатлари ўзининг фожиалари, ҳалокатининг тизимлари, азоб-уқубатининг қонун ва йўлларини шакллантиришга хизмат қилди. У ўзининг черкови залолати ва зўравонлигидан, руҳонийлари ва қиролларининг истибдодидан қочар экан, адашиб, тентираб ўзининг ваҳший сиёсати учун бошқарув тизимини грек (юнон)лар демократиясидан кўчириб олди. Диндан қочиш учун Ғарбнинг илмоний ақли башарият тарихидаги ширк чуқурликларининг энг тубига етиб бориб, юнонлар Афинаси ва у ўз

қулларини бошқариш учун ўйлаб топган тузумлар қаърида ўрнашиб қолди. Ғарб ўз қулларини бошқариш учун ҳамда ўз йиртқичлиги ғояси бўйича уларга ўзи тузиб берган ўрмон сиёсатини жорий қилиш учун ана шу тузумларни ўзлаштирди. Демак, Афина демократияси Ғарбнинг ўз халқларини қул қилиш ва ўз аҳлига қарши макр қуролидир.

Демократия Ғарбга папа черковини ўзининг илмоний черкови билан алмаштиришга, руҳонийлар ва феодал қироллар иттифоқини капиталистлар ва илмоний сиёсатчилар ўртасидаги очиқ иттифоқ билан алмаштиришга имкон берди. Қолаверса, илмоний фалсафа давлат ва унинг сиёсий вазифаларини жамиятга хизмат қиладиган давлатдан банкирлар ва йирик корпорациялардан иборат ҳукмрон капиталист табақа манфаатларига хизмат қиладиган давлатга айлантириб, ўз сиёсий бузуқлигини шакллантиришни ниҳоясига етказди. Оқибатда, нафақат Ғарб жамияти, балки бутун олам бу фалсафанинг йиртқич конституцияси ва «фақат энг кучлилар яшаб қолади» деган энг олий қонуни «ўрмони»га тушиб қолди. Бу фалсафанинг бузуқ сиёсий тузуми ваҳшиёна бошқарувнинг бир қуролидир, холос.

Ғарб ёмонликнинг нима эканини, феъл-атвор айнишини ва тубан ахлоқнинг асл маъносини ўзининг ҳазорий бузуқлигида кўрсатиб берди. Чунки у дунёга эгалик ҳуқуқини фақат бир ҳовуч капиталистларники ва уларнинг монополияси қилиб қўйди. Натижада улар башарият орасида бузуқлик, бузғунчилик ва ҳалокат келтирувчи воситалар бўлиб қолишди. Ғарб феодаллар табақаси ўрнига банкирлар ва йирик корпорациялардан иборат капиталистлар табақасини олиб келди. Қолаверса, илмонийлик мол-дунёга ўта ҳирс қўйишдаги ушбу бузуқликни ҳамда бир ҳовуч капиталистларнинг бутун бойликка эга бўлиб олиши ва ҳақ-ҳуқуқларни тортиб олишидаги мана шу очкўзликни олиб келди. Буни талаб ва таклифнинг анави моддий расм-русумлари орқали бозор механизмнинг моддий истаги ва ҳукми сифатида кўрсатди. Илмонийлик бу бузуқ иқтисодий тизимга айлантириб, унга эркин бозор деб лақаб қўйди. Эркин бозор деган нарса инсонга, унинг эҳтиёж ва ғаризаларига, иқтисодий муаммоларига, тирикчилик ва асосий эҳтиёжлари борасидаги ғам-ташвишларига зиғирча ҳам аҳамият бермайди. Табиийки, қадрият, ахлоқ ва ғояларга мутлақо аҳамият бермайди. Чунки бозор «дини»да энг олий ғоя фойда ва даромад бўлиб, фойдадан ҳеч нарса юқори

турмайди. Бу тўғрида Ғарб илманийлиги ўз иқтисодий бузуқлигини етиштириб чиқаришнинг сўнгги даражасига етди. Чунки у эркин иқтисод ва эркин бозор орқали муаммо эгасидан қутулиб, инсоний муаммога барҳам берди. Бу билан башариятга кучлилар заифларни овлайдиган ўрмон яратиб берди. Сўнгра ўзининг мустамлакачилиги ва шафқатсиз урушлари орқали ушбу жирканчлик ва ҳазорий бузуқликни глобаллаштирди, башарият бошига улкан фалокатларни солиб, буни халқаро тартиб ва глобал система деб кўрсатди. Қолаверса, илманийлик башариятни бахтсиз ҳаётга ва танг аҳволга гирифтор қилди.

Кредит Свисс банкига кўра «дунёда бойликнинг умумий миқдори 9,8 фоизга ўсиб, 463,2 триллион долларга етди. 2020 йилда дунёдаги бойликнинг 43.9 %, 2021 йил якунида эса 45,5 %и дунё аҳолисининг фақат 1 %и қўлида бўлиб қолди. Айни пайтда ер юзи аҳолисининг 50 %дан кўпроғи, яъни 3 миллиарддан ошиқ инсон кунига 2,5 доллардан озроқ маблағ билан, 1,3 миллиарддан ортиқ инсон эса 1,25 доллардан оз маблағ билан кун кечирмоқда. 805 миллион инсон эса кундалик озуқасини ҳам тополмаяпти». Уларнинг халқаро муассасалари, жумладан БМТ ҳисоботида айтилишича, «2021 йилда дунёдаги оч одамлар сони 828 миллионга кўтарилди. Беш ёшгача бўлган 45 миллион бола очлик сабабли ориқликдан қийналмоқда. Беш ёшгача бўлган яна 149 миллион бола сурункали озиқ-овқат етишмаслиги сабабли бўй ўсмасликдан азият чекмоқда». Бу аҳволнинг махфий қолаётганлари эса янада қабиҳ, янада жирканчдир. БМТга қарашли Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP)нинг 2022 йилги ҳисоботида гуманитар фалокатлар сони ва кўлами эълон қилинди, унга кўра «Ҳар йили беш ёшгача бўлган 3,1 миллион бола очликдан вафот этади. Бу бутун дунё бўйлаб болалар ўлимининг 45%ини ташкил қилади. 16 миллион бола эса, ўткир тўйиб овқатланмасликдан азият чекмоқда».

Бу иқтисодий бузуқлик – илманийлик ўрмони экспертларининг 2020 йилги ҳисоб-китоблари бўйича – оламда 132 миллиондан ортиқ инсоннинг очликдан вафот этишига олиб келмоқда. Бу эса кунига ўртача 362 минг инсонга тўғри келади. Ваҳоланки, бу Хиросима ва Нагасакидаги атом бомбаси қурбонлари сонидан ҳам кўпдир. Ўшанда 220 минг одам ўлган эди. Бугина эмас, балки илманий Ғарб инсонни эзишда азобнинг ҳар хил турларини ҳисоб-китоб қилиб қўйган. Масалан, сиз очликдан ёки наркотик

дозасидан ёки инсон қиёфасидаги чиябўрилар бурдалаб ташлайдиган бир парча гўштга айланишингиздан ўлишингиз мумкин. Чунки эркин бозор бунга кафилдир. Бу бозорда инсон истеъмолчи ҳамда истеъмол қилинадиган товардир, ишлаб чиқариш ва истеъмол материалидир. Шундай қилиб, эркин бозор бузуқлиги гиёҳванд моддалар савдосини келтириб чиқарди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳаёти барбод қилинган гиёҳвандлар сони Америка ва Европанинг ўзида 300 миллион бўлса, дунё бўйлаб уларнинг сони бир миллиарддир. Уларнинг аксари ёшлардан иборат. Гиёҳванд моддалар савдоси ҳажми йилига 800 миллиард доллар, деб баҳоланмоқда. Бу эса, дунё тижорати ҳажмининг 8 %и демакдир.

Бу иқтисодий бузуқлик қурбонлари ҳисоб-китобига келсак, ҳар йили гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш оқибатида ярим миллион киши ўлади. СПИД, саратон, ўткир гепатит, наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ психологик ва ҳулқ-атвордаги бузилишлар каби ҳалокатли касалликларга чалинганлар сони бундан икки баравар кўп. Буларга қўшимча ўғрилиқ, қотиллик, зўравонлик ва зўрлаш жиноятлари ҳам бор. Ушбу иқтисодий бузуқлик азоб-уқубатнинг яна бир турини келтириб чиқарди, у ҳам бўлса инсон танасини сотишдир. Масалан, Ғарбда ўтказилган тадқиқотлар бўйича фоҳишабозлик индустрияси ҳажми 1500 миллиард доллар, деб баҳоланди. Бу эса, дунё тижорати ҳажмининг 15 %дан кўпроғини ташкил қилади. Ғарбнинг малъун капитализми томонидан олди-сотди қилинадиган товарга айлантирилиб, инсоний қадр-қиммати бутунлай яксон этилган 50 миллион аёл фоҳишага айлантирилган. Бу бузуқлик урчиб, зўрлаш жиноятларини келтириб чиқарди. Масалан, Америкадаги Ғарб илмонийлигининг ёрқин намунаси шуки, зўрлаш қурбонларининг миллий маркази ҳамда зўрлаш қурбонлари бўйича тадқиқот ва муолажа маркази ўзининг бир тадқиқотида билдиришича, Вашингтонда ҳар соатда 78 аёл зўрланади, бу йилига ўртача 683 минг аёл зўрланади демакдир. Бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда. Тадқиқотда яна айтилишича, 13 % америкалик аёллар умрларида камида бир марта зўрланган, улардан 61 %и ёши 18 ёшга тўлмаганлардир, 29 %и эса 11га ҳам кирмаган. Бошқа бир тадқиқотда айтилишича, Америкада зўрлаш ўртача 21 % ва 23 %ни ташкил қилади.

Қолаверса, материалистик илмоний ҳазорат ўзининг инсон ва одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳақидаги тушунчаларини моддий манфаат ва иқтисодий фойда нуқтаи назаридан туриб қайта шакллантирди. Натижада инсонни энг кам сарф-харажатлар билан фойдаланса бўладиган бир нарсага, товарга, ишлаб чиқариш ва истеъмол материалига айлантирди. Мақсад рекорд вақт ичида энг юқори даромад ва фойдага эришишдир. Чунки сарф-харажат, нарх, даромад, фойда, вақт, маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол соатлари бузуқ материалистик илмонийликнинг инсон жинсига ҳамда эркак билан аёл ўртасидаги ижтимоий алоқаларга бўлган қарашидаги ҳал қилувчи ва қатъий меъёрлардир.

Ғарбнинг илмоний ҳазорати одамзот жинси ва унинг ижтимоий низоми масаласига тўхталишида ҳам ўзининг ҳазорий «қусиғи»ни қусди. Чунки бу ҳазорат эркак, аёл ва оила моҳиятини бузиб, ер билан яксон қилди. Шунингдек, одамзод жинсини ва икки жинснинг ижтимоий муносабатини бузиб, расво қилиш учун бузуқ тушунча, термин ва маъноларни тўқиб чиқарди. Унинг бузуқлиги «йиринг»ларидан бири гендер деган термин бўлди. Шу маънодаки, эркак бўладими ёки аёлми унинг жинсини кўрсатадиган инсон турини унинг хилқати ҳам, эркак билан аёлни бир биридан ажратиб турадиган биологик ва физиологик хусусиятлари ҳам белгиламайди. Аксинча, жамият меъёрлари, қолиплари, урфлари ва ундаги ҳукмрон сақофат, фикрлар ҳамда эркаклик ва аёллик маъно-моҳияти ҳақидаги сақофий тасаввурлар (аниқроғи илмонийликнинг сақофий қолиплари) белгилаб беради. Булар инсонни жинсий жиҳатдан шакллантириб, унинг жинсий турини, яъни «гендер»ни – унинг ҳақиқий жинсидан ва яратилиш табиатидан йироқда – белгилаб беради. Ғарб илмонийлиги ўзининг бузуқлиги ва экстремистлигидан келиб чиқиб, гендер, деган тушунчани ўйлаб топар экан, инсоннинг ҳақиқий жинси ва унинг туғма инстинктлари билан қондириш ўртасида бузилиш жарлигини пайдо қилди. Натижада ўта бузуқ хатти-ҳаракатлар шаклланиб, ривожланди ҳамда инсоният тарихида маълум бўлмаган турли-туман шакллар тусини олди. Ҳатто Лут қавми ҳам ўзларининг ана шу ҳалокатли, қабиҳ қилмишларида бунчалик даражага боришмаган эди. Илмоний фалсафа ўзининг бузуқлигидан келиб чиқиб, гендер тенглиги, деган тушунчани ҳам ўйлаб топди. Бунинг маъноси эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўзига

хос хусусияти йўқ, эркаклик билан аёллик ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деганидир. Кейин у халқаро муассасалар орқали ушбу ижтимоий бузуқликни глобаллаштириб, ўзларининг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг бир қисмига айлантирди. Шунингдек, уни барқарор ривожланишнинг ҳамда инсон ҳуқуқларига оид илмоний сақофатни мустақамлашнинг асосий шarti қилиб қўйди. Кейин бу жинсий бузиш ва инсон турини расво қилиш халқаро сиёсат бўлиб қолди. Уни ҳатто боғчалар ва мактаблардаги болаларга ҳам таълим программалари ва ўйинчоқлар орқали зўрлик билан тиқиштириладиган бўлди. Гендер термини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1995 йилда Пекин конференциясида қабул қилинган бўлиб, уни зеҳнларга сингдириб ташлаш учун зўр бериб тарғиб қилинди. Шу даражадаки, якуний баёнотда гендер сўзи 233 марта тилга олинди.

Фитратга қарши бундай бузуқ душманлик фожиали оқибатларсиз ва инсоният ҳалокатисиз ўтиб кетмади. Жамиятларнинг хароб ва вайрон бўлганига оид рақамлар бунини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, гомосексуаллар орасида ўз жонига қасд қилиш даражаси Ғарбдаги ўз жонига қасд қилишлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Тушкунликка тушиш ва гиёҳванд моддаларга муккасидан кетиш нисбати ҳам худди шундай юқори. Американинг 2020 йилги статистик маълумотларига кўра, «гомосексуалликнинг дастлабки беш йилидан кейин 92 фоиз гомосексуаллар камида бир марта ўз жонига қасд қилган бўлса, улардан 97 фоизи психологик даволанишга мурожаат қилган». Бунга қўшимча, СПИД каби уларнинг орасида пайдо бўлган ҳалокатли касалликлар ҳам бор. СПИД ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида гомосексуаллар ўртасида кенг тарқалганидан бери 2022 йилнинг охиригача 40 миллиондан кўпроқ кишининг ёстиғини қуритди. Қўшма Штатлар СПИДга чалинганлар сони бўйича Ғарб давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. 2020 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, АҚШда СПИДга чалинган 1,1 миллиондан кўп гомосексуалист бор.

Ушбу малъун илмоний фалсафа қувилган шайтоннинг дам уриб, пуфлашидан бошқа нарса эмас. Одамзоднинг ижтимоий масаласига бутунлай барҳам бериб, ўзининг бузуқлигини амалга оширмагунча бу лаънати тўхтамайди. Лаънати CEDAW (аёлларга нисбатан камситишларнинг барча турларига барҳам бериш

тўғрисидаги БМТ конвенцияси) аёл ва оилани бузиш механизми бўлди. Айти шу конвенция орқали ижтимоий бузуқлик халқаро шартнома шаклида глобаллаштирилди. Буни «аёлга қарши дискриминация (камситиш)нинг барча турларига барҳам бериш» деган банд остида амалга оширилди. Аёл – материалистик илмонийлик кўз қараши бўйича, қуруқ моддий тана, холос. Уни моддий мезонлар орқали бузиб-парчаланиб, буюм, товар, ишлаб чиқариш ва истеъмол материалга айлантирилганидан сўнг моддий қиймати ҳам унинг жинсий жозибадорлиги баҳосига, ундан лаззат олиш орқали келадиган иқтисодий даромад ва фойдага қараб белгиланадиган бўлди. Ғарбнинг ижтимоий бузуқлиги ва аёлни яқсон қилувчи бузуқ моддий меъёрлари охиросиқибат уни лаззат ишлаб чиқарадиган, зийнат ва пардоз буюмлари истеъмол қиладиган, мўл-кўл даромад келтирувчи фоҳишага айлантирди. Ўз бузуқлиги ва экстремистлиги билан фалокат келтирувчи Ғарб аёлни фоҳишага, бузуқлик ва фоҳишаликни шахсий эркинликка, шахсий эркинликни эса инсон танаси сотиладиган индустрия ва тижоратга айлантирди. Ғарб ўзининг ёмонлигида давом этиб, бу бузуқликни оммалаштириш ва глобаллаштиришга ҳаракат қилмоқда. CEDAW мана шу жирканч ижтимоий бузуқликни глобаллаштириш учун тузилган конвенция бўлиб, аёлни бир ҳовуч капиталист ваҳшийларга ҳамда уларнинг даромадларини ўстиришга хизмат қиладиган товарга айлантириш орқали унинг иззат-ҳурматини ва инсонийлигини поймол қилади.

Тадқиқотчи Ричард Поллан ўзининг «фоҳишалик... ҳар қандай ҳунар каби бир ҳунардир» номли китобида фоҳишабозлик индустриясининг дунё миқёсидаги ҳажмини 1500 миллиард доллар, фоҳишалар армиясини эса 50 миллион аёл, деб баҳолади. Тўғрироғи, Таиланд каби бутун бир мамлакат фоҳишахонага айлантирилган. Таиланд модели аёлни товарга, истеъмол материалга ва лаззатланиш буюмига айлантириш моделидир. Чунки Америка ўзининг ҳазорий бузуқлиги учун «инкубатор»га айлантирган бу Осиё мамлакатада фоҳишалик сектори умумий даромаднинг энг муҳим манбаига айланган. Ғарб оммалаштиришга ҳаракат қиладиган нарса мана шу. Унинг энг самарали механизмларидан бири жинсий туризм ҳамда уни бир иқтисодий тармоқ қилиб қўйишдир. Чунки бу туризмга рағбатлантиришдир. Халқаро муассасаларнинг уни иқтисодий тармоқ сифатида қайта-қайта тавсия қилишлари замирида

бевосита ҳазорий ҳужум қуролларидан бири бўлган туризмнинг зарарли мақсадини яшириш ётади. Демак, босқинчи аскарлар ўрнини ғарблик ахлоқсиз ва гомосексуалист сайёҳлардан иборат босқинчи армиялар эгаллайди.

Жамият мана шундай тартибсизлик ҳамда инсон жинсининг аниқ белгиларини кескин ва шафқатсиз тарзда беқарорлаштириш ботқоғига ботирилди. Бунинг натижасида эркак ва аёлнинг вазифалари ва уларнинг ролларида бузилиш юзага келди. Булар гендер бузуқлигининг эркаклик ва аёлликни ғайритабиий тарзда тенглаштириш, уларни бир-биридан ажратиб турувчи фарқларни йўқ қилиш, фитратни бузиш ҳамда эркаклик ва аёлликни бир ўткинчи, тасодифий масалага айлантириш орқали амалга оширилди. Мана шулардан кейин Ғарб ўзининг ҳазорий бузуқлигидан келиб чиқиб, инсоният жамиятининг ядроси бўлмиш оилани ҳамда эркак билан аёлни бир-бирига боғловчи никоҳни емириш ва парчалаш даражасига етиб келди. Шундай қилиб, у инсонни, кейин унинг эркак ва аёл жинсини, сўнгра уларнинг табиий жуфтлиги бўлмиш оилани барбод қилди. Ғарб ўзининг ижтимоий бузуқлигидан келиб чиқиб, башариятнинг йўқ бўлиб, заволга юз тутиш вақтини яқинлаштиришга ҳаракат қилар экан, инсоний жамиятнинг ядроси ва инсон турини сақланиб қолиш сабабчиси бўлмиш оилани барбод қилиши билан бузуқликнинг энг чўққисига етиб келди.

Ғарб ўзининг ижтимоий бузуқлиги сабабли турмуш қуришнинг бузуқ кўринишларини пайдо қилди. «Оила ва келажакдаги муаммолар» китобида келтирилган БМТ нашрларидан бирида оила қуришнинг 12 хил кўриниши ва йўли кўрсатилган. Улардан бири бир хил жинсдаги гомосексуал оилалардир. Пекин конференцияси ижтимоий муҳитга кўра 6 турдаги оила мавжудлигини маъқуллаган эди. Кейинчалик аҳоли масалаларига бағишланган Қоҳира конференцияси ҳаракат программаси ҳужжати гомосексуаллар ҳуқуқини белгилаб берди. Унда «Никоҳ ва яқинликнинг бошқа кўринишларига тааллуқли сиёсатларда дискриминацияга барҳам бериш лозим», деб айтилган. Кейин турмуш қуришнинг бузуқ кўринишлари «оила қуришнинг барча кўринишлари» деган атама билан ифодаланди. Ушбу бузуқликни давом эттирган ҳолда, лаънати CEDAW конвенциясининг бешинчи моддасида аёлнинг вазифаси ҳар қандай шахс бажара оладиган ижтимоий вазифадир, дея сифатланган.

Ғарбнинг малъун ижтимоий бузуқлиги насл-насаб ва қариндошликка бутунлай барҳам берган. Унда насл-насаб, қариндошлик, фарзандлар, набиралар, аждод ва авлодлар деган тушунча йўқ. Ғарбнинг гендерлиги ва гомосексуализмига кўра, ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, тоғалар, холалар, амакилар, аммалар, боболар ва набиралар бўлмади, балки насли, аждоди, авлоди йўқ бурдаланган бир ўлимтик бўлади, холос.

Ушбу бузуқ ижтимоий аҳвол, унинг заҳарли, ифлос мевалари ва хонавайрон қилувчи оқибатлари давом этаверади деб ким ҳам айта олади?! Бу аҳвол мана шундай куфр илмоний фалсафа томонидан ҳар қанча қўллаб-қувватланмасин, мусибат кўрсаткичлари ҳаётдан эмас, ўз жонига қасд қилиш ва ўлимдан дарак бермоқда. Европа ва унинг бахтсиз иттифоқида туғилганларнинг 47 фоизи валади зино. Франция бу ижтимоий бузуқликнинг энг юқори чўққисиди бўлиб, бу кўрсаткич у ерда 60 фоизни ташкил қилади. Британияда эса 2018 йилнинг сўнгги статистик маълумотларига кўра, 50 фоиздан ошиб кетган. Оилавий ҳаётнинг барбод бўлиши масаласига келсак, АҚШ соғлиқни сақлаш статистикаси марказининг 2020 йилда эълон қилинган маълумотларига кўра, оила қуришлар сони мисли кўрилмаган рекорд даражада камайган. Қолаверса, бу бузуқ ижтимоий вазият туғилиш кўрсаткичларининг кескин пасайишига, аҳоли пирамидасидаги номутаносибликларга ва қариликнинг кенг тарқалишига олиб келди. Шунинг учун Европага «Қари Европа», деган ном тамоман мос келмоқда. Чунки дунёдаги кексаларнинг энг катта қисми Европада яшайди. 2021 йилги ҳисоб-китобларга кўра, Европа аҳолиси сони қарийб бир миллиардга етай деб қолди. Улардан 191 миллион киши ёши 60дан ошганлардир. Европа Иттифоқи аҳолисининг бешдан бир қисми 65 ёшдан ошганларни ташкил қилади. Еврокомиссиянинг «Евростат» статистика хизмати томонидан 2022 йил июл ойида чиқарилган ҳисоботда 2021 йилда Европа Иттифоқи аҳолиси сониди янги пасайиш борлиги аниқланган. Бу 2020 йилдаги пасайишдан кейинги ҳолатдир. Европанинг қариётгани унинг йўқ бўлиб кетишининг, Европа жамиятларининг заволга юз тутишининг хабарчисига айланди.

Кейинчалик бу ижтимоий бузуқлик урчиб, маҳрамлар орасидаги зино ва болаларни зўрлаш ҳолатлари кўпайди. Франциянинг

«Медиапарт» газетасининг билдиришича, Франциядаги маҳрамлар орасидаги зино масаласи бўйича тузилган комиссия ўзининг 2023 йилдаги ҳисоботида қўрқинчли, ҳайратланарли рақамларни маълум қилди. Бу рақамлар ҳар йили Францияда 160 мингга яқин бола маҳрам қариндошлари томонидан зўрлашга дучор бўлаётганини кўрсатади. Ҳисоботда айтилишича, мамлакатда жами 5,5 миллионга яқин қурбон бор бўлиб, уларнинг кўпчилиги (ҳар 10тадан 9таси) аёлларни ташкил қилади. Ҳозирда уларнинг ўртача ёши 44 атрофида. Ҳар 4 қурбондан биттасининг ёши жинсий зўравонликка дучор бўлган вақтда 5 ёшдан ҳам ошмаган бўлган. Ҳисоботда, шунингдек, қурбонларга бўлган психологик ва жисмоний фалокатли асоратлар ҳақида ҳам сўз юритилган бўлиб, буни уларнинг орасидаги гиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилишнинг юқори кўрсаткичлари кўрсатиб турибди. Бунинг бир фожиа ҳамда ниҳояси йўқ азоб-уқубат эканлиги маълум.

Лаънати Ғарб ўз жонига қасд қилишга қарор қилган бўлиб, унинг ҳазорий бузуқлиги қон томирларини кесадиган ўткир тиғидир. Ёзувчилар Ричард Кук ва Крис Смитнинг «Ғарбнинг ўз жонига қасд қилиши» китобида қуйидагилар келган: «Агар Ғарбнинг бирор кризис-инқироzi бўлса, бу унинг қулаши ҳамда фикр ва ғоялари замирида ётган ички кризисидир». Америкалик сиёсий мутафаккир Патрик Бьюкенен ўзининг «Ғарбнинг ўлими» номли китобида Ғарбнинг ўлими ва ҳазоратининг даҳшатли қулашидан дарак берувчи омиллар ички омиллар эканини таъкидлаб, улар «туғилишнинг пасайиши, оиланинг ижтимоий ячейка сифатида «эриб» йўқ бўлиб кетиши, аёлларнинг табиий ҳаёт кечириш (турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уларга ғамхўрлик қилиш)ни истамаслиги, ёшларнинг турмуш қуришни истамаслиги, жинсий алоқа ва баччабозликнинг кенг тарқалиши ҳамда бу ғайритабиий тенденцияларни ҳимоя қилиш»дан иборатлигини айтади.

Бу ижтимоий бузуқлик замирида яширинган ифлос мақсадлар янада жирканч ва янада малъундир. Чунки инсонни, унинг турмуши ва ижтимоий ҳаётини программали тарзда бузиб йўқ қилишлик фалсафа бўлиб шаклланишидан олдин ҳукмрон синф томонидан ишлаб чиқилган бир режа ва ғоя эдики, шу орқали илмоний ваҳшийлик ва ёввойиликни бошқариш кўзланган. Ғарб фалсафаси ва ҳазорати гарчи моҳиятан бузуқ бўлса-да, бугун ушбу

ҳаддан ташқари бузуқликни озиклантириб, уни энг чўққисига олиб чиқаётганлар давлат ва жамиятга ҳукмрон бўлиб олиб, фикр ва сиёсатни йўналтираётган анави капиталистлар тўдасидир. Бу ҳалокатли бузуқлик бугунги кунда ўша капиталистлар тўдасининг қуролига айланиб қолди. Улар бу қурол ёрдамида ичкарида системанинг шу ҳолатда давом этишини назорат қилишаётган бўлса, ташқарида ундан ўзларининг мустамлакачилиги ва ҳукмронлиги давом этиши учун амалга ошираётган вайронагарчиликларида фойдаланишмоқда.

Яқин тарихдан бизга маълумки, бу кенг тарқалган порнография ва жинсий бебошлик Ғарбда оммавий тус олиб, унга «жинсий инқилоб» деган ном берилди. Бу термин олтмишинчи йилларнинг охири ва етмишинчи йилларнинг бошида Ғарб оламида жинсий алоқалардаги туб ўзгаришни ифодалаш учун қўлланадиган бўлди. Порнография ҳаёт фалсафаси сифатида шаклланмасдан олдин бир ифлос режа ва ғоя эдики, Ғарбдаги капиталистик ҳукмрон тўда ўзларининг аксилинқилобини шу режа ва ғоя асосида бошқаришган. Уларнинг бу аксилинқилоби капиталистик система ўзининг ичкарисида гувоҳ бўлган энг чуқур ва энг ғазабнок революцион исёнга қарши қўйилган эди. Биз бу билан 1968 йилги май қўзғолонини назарда тутяпмиз. Унга Ғарб мутафаккирлари, зиёлилари, университет талабалари бошчилик қилиб, норозилик намойишлари бутун Европа ва Америка бўйлаб ҳукм суриб, кенг ёйилган эди. У Ғарб фалсафий системасига, унинг капиталистик ва коммунистик талқинига қарши чуқур норозилик ва исён эди. Шунда капитализм шайтонлари «жинсий инқилоб» деган ўзларининг аксилинқилобларини ўйлаб топишди. У ҳукмрон капиталистлар ва ҳокимият доиралари учун бир фалсафа ва сиёсат бўлиб қолди. Шунингдек, Ғарб мутафаккирлари, зиёлилари ва талабалари бошчилигидаги қўзғолонни бошқа ўзанга буриб юбориб, уларнинг ғазабларини сўндириш, ҳаракатларини фалаж ҳолга келтириш, мақсадларини сохталаштириш учун фойдаланиладиган бир режа ҳам бўлиб қолди. Натижада, системани ва унинг ҳазоратини емириб, вайрон қилиш, унинг фалсафасини тубдан ўзгартириш ўрнига жинсий бузуқлик бир матлаб бўлиб қолди.

Бугун гомосексуализм Ғарб ичкарисидаги ваҳший ва ёввойи бошқарув сиёсатининг давомидир. 2008 йилда юз берган иқтисодий кризис капиталистик иқтисоднинг, унинг йирик

Банкларининг қалбига қақшатқич зарба берди. Унинг Ғарб ичкарасида ҳалокатли асоратлари юзага келди. Илмоний системанинг банкрот бўлиши ва унинг асосий структуравий таянчи бўлмиш иқтисодий тизимнинг қулаши аниқ намоён бўла бошлади. Шу билан бирга портлашдан дарак берувчи исён ва кучли вакуум аломатлари пайдо бўлди. Шунда гомосексуализм жуда қўл келди. У барбод бўлган системага қарши исённи олдини олиш фалсафаси ҳамда ваҳший ва ёввойи бошқарув сиёсати бўлиб хизмат қилди. Бу кенг қамровли порнография, шаҳвоний қутуриш ва бу даражада шиддат ва тезлик билан тарқалаётган гомосексуализмдан мақсад Ғарбдаги инсонни тизим-система машинасида эритишдир. Тоинки у тизимнинг ажралмас қисмига айлансин. Натижада, у системанинг доимий сақланиб қолишини ҳимоя қилиш йўлида ҳаётини ҳам аямайдиган бўлади. Шунингдек, ўзининг ахлоқсизлиги ва бузуқлигида Ғарб фалсафаси, ҳазорати ва тузумларининг ахлоқсизлиги ва бузуқлиги билан тамоман мослашиб кетади. Бу пайтда Ғарбдаги жинсий бузилган инсон ушбу бузуқ системани ҳимоя қилишда жонини тикиб қўяди. Чунки бу система унга унинг ғайритабиий қондиришларининг барча сабаб ва шароитларини муҳайё қилиб беради. У ахлоқсиз, бузуқ ҳаёт кечирадиган шароитни фақат мана шу системада ва унинг ёрдамида топади. Бугина эмас, ҳатто Ғарбдаги инсон эҳтиёжлари, умуман, инсоннинг табиий эҳтиёжлари компаси бошқа томонга бурилиб, уларнинг ўрнига сунъий бузуқ эҳтиёжлар пайдо қилинди ва улар бир матлабга айлантирилди. Ғарб шаҳарларидаги гей-парадлар бунинг яққол ифодасидир. Шу ўринда муаммони система ва ҳукмрон тўда муаммосидан жамиятдаги гейлар муаммосига айлантириш билан Ғарб ичкарасидаги тузоқ янада мустаҳкамланди.

Ғарбдан ташқи дунёда эса, порнография ва гомосексуализм Ғарбнинг башарият учун қўйган бир тузоғи бўлиб, ундан башариятнинг бир қисмини йўқ қилиш кўзланган. Яна бир қисмини эса чалғитмоқчи бўлиб, унинг Исломига, ҳазорий юксалишига, фикрий жиҳатдан солаётган хатарига қарши Ғарб ҳазорий урушга кирмоқда. Чунки у капиталист тўдасига хизмат қилиш учун ўзининг мустамлакачилиги давом этишини истади. Йўқ қилиш кўзланган биринчи қисмга келсак, Ғарб ўзининг ахлоқсизлиги, порнографияси ва гомосексуализмини кенг ёяр экан, бу билан ўзининг бузуқ ҳазоратидан ҳамда инсониятни

камайтириш борасидаги кўз қарашидан келиб чиққан талабларни бажармоқда. Инсониятни камайтириш Уильям Жеймс ва Мальтус назариялари бўлиб, ундан Аҳоли сонининг ортиб бориш таҳдиди деб таърифлаган ёки «демографик портлаш» деб атаган муаммони ҳал қилиш кўзланган. Чунки Ғарб аҳоли сони ва уларнинг эҳтиёжлари билан мавжуд ресурслар ўртасида номутаносиблик бор, деб нотўғри ва ёлғон даъвони қилади. Шунинг учун Ғарбнинг аҳолини йўқ қилиш сиёсати ва башариятнинг бир қисмини қириб ташлаш программаси пайдо бўлди. Киссенжернинг 1974 йилдаги ҳисоботи буни фош қилиб турибди. АҚШ миллий хавфсизлиги кенгаши томонидан Киссенжер ҳисоботи номи билан чиқарилган бу ҳужжат мавзуси «Дунё бўйлаб аҳоли сони ўсишининг Америка хавфсизлиги ва унинг чет эл манфаатларига таъсири» деган мавзу эди. У дарвинизмнинг ҳақиқий башарасини ҳамда Ғарбнинг инсонларга нисбатан фойдаланиб бўлиб, отиб юбориладиган ва йўқ қилинадиган буюм сифатида муносабатда бўлишидаги ваҳшийлигини очиб ташлади. Зеро, ҳисоботда Америка маъмуриятига ва унинг ортида турган капиталист йиртқичларга ер юзи аҳолиси сонини камайтириш режаси чизиб берилган. Ундан мақсад ана шу халқларни олдиндан йўқ қилиш орқали, уларнинг хомашё ва бойликларини энг кам сарф-харажатлар билан қўлга киритишдир. Ҳисоботда айтилишича, «АҚШ иқтисодиёти хориждан, айниқса, кам ривожланган давлатлардан борган сари катта миқдорда фойдали қазилмаларни талаб қилади. Бу факт Қўшма Штатларнинг ана шу мамлакатлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка нисбатан қизиқишини оширади. Туғилиш даражасини ва аҳоли сонини қисқартириш орқали демографик босимни камайтириш мумкин. Бу ўз навбатида барқарорлик имкониятларини оширишга олиб келади. Шунга биноан, аҳоли сонини камайтириш сиёсати АҚШнинг ресурслар билан таъминланиши ва иқтисодий манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб қолади». Инсон зотини йўқ қилиш бузуқ илмоний фалсафа ва ҳазоратдаги асосий йўналиш ҳамда чуқур илдиз отган бузуқликдир. Унинг қуроллари эса туғилишни чеклаш, турмуш қуришни йўққа чиқариб, ундан бош тортишга тарғиб қилиш, шафқатсиз урушлар, сунъий равишда тарқатиладиган ҳалокатли эпидемиялар ҳамда порнографиядан тортиб гомосексуализмгача бўлган бузуқликлар бўлиб, булар аҳолини қириб, йўқ қилиш қуролидан бошқа нарса эмас.

Ғарбдан ташқи дунёдаги чалғитиш кўзланган иккинчи қисмга келсак, у Ғарб учун янада хатарли ва янада ташвишга солувчидир. Чунки у ҳазорий альтернативани ва башариятнинг халос бўлишини мақсад қилади. Зеро, Ғарб ўзининг ҳазорий бузуқлиги ва фалсафий барбодлиги ботқоғида ботиб ётибди. Ана шу ҳазорий сохталик ва фикрий қаллобликнинг барчасидан холи бўлган Ислом қаршисида фикрий жиҳатдан қаттиқ мағлубиятга учради. Ғарб мана шу аҳволда экан, нима қиларини билмай қолди, мағлубияти уни ожиз қолдириб, қийнаб ташлади. Шунда у ўз мағлубиятини ваҳшийлик, покиза қонларни тўкиш, порнография ва гомосексуализм каби фаҳшларни ёйиш шаклида эълон қилди. Бу унинг ноиложликдан мусулмонларнинг онгини бузиш, иймонларидан маҳрум қилиш ва фитратларини бузиш учун бўлган уринишидир. Мақсади уларни пок турмуш тарзларидан маҳрум қилишдир. Шунингдек, мусулмонларнинг Ғарбнинг бузуқ илмонийлик лойиҳасини дафн қилиш ҳамда Исломий альтернативани яна бошқарув ва раҳбарликка олиб келиш тўғрисидаги азму қарорларини барбод қилиш ҳамдир. Буни эркинликлар ва инсон ҳуқуқи деган ном остида разолат, фаҳш ва гомосексуализмни глобаллаштириш ва қонунийлаштириш учун ўзлари фойдаланадиган қонунчилик арсенали орқали амалга оширмоқчи. Ҳатто шайтоннинг шохи бўлган Америка гомосексуализм ишларини кўриб чиқувчи махсус элчи тайинлаган. Шундан кейин бу ҳазорий ҳалокатни рад қилган, унга қарши чиқиб, курашаётган ҳар бир киши, аниқроғи мусулмонлар жиноятчига чиқарилиб, уларга гомофобия, нафрат, экстремизм, терроризм тамғаси ёпиштирилади. Демак, порнография, гомосексуализм ва бу разолатларни мусулмонлар орасида ёйишга бўлган мана шу зўр бериб уриниш ҳазорий салибчилик урушидаги бир кампаниядир. Ундан мақсад, Ислом аҳли қалбларидаги Ислом ва унга бўлган иймон фазилатини ўлдиришдир. Шунингдек, уларни илмонийлик ботқоғига ботириш учун Ғарбнинг кўфр ва залолатига зўравонлик билан мажбурлашдир.

Бу Ғарбнинг ҳазорий бузуқлиги бўлиб, у жиддий ва хавfli тус олди. Унинг ҳазоратга оид бузуқ гендер тушунчалари, CEDAW, гомосексуализм, буларгача бўлган ирқчилик, материалистик ирқчилик назариялари, Мальтус ва Дарвин назариялари орқали геноцидни пайдо қилиш, эпидемиялар тарқатиш, зулматли эмпирик (экспериментал, тажрибавий) фан, буларнинг барчаси

маърифий бузилиш ҳам, фикрий айниш ҳам эмас. Шунингдек, тойилиш кўринишлари ҳам, Ғарбнинг материалистик илмоний системасидаги ўткинчи, тасодифий кўринишлар ва ҳодисалар ҳам эмас, балки кенг қамровли илмоний фалсафанинг мағиз-моҳиятидан келиб чиққан маърифий система ва фикрий ёндашувдир.

Биз илмоний материалистик фалсафанинг мағиз-моҳиятига етиб борганмиз. Унинг маърифий базаси доирасидан ташқарида, чекка ва атрофларда айланиб юрганимиз йўқ. Ўткинчи, тасодифий доирада ёки нотаниш фикр доирасида айланиб юрмаганимизни-ку айтмасак ҳам бўлаверади. Шунинг учун унинг моҳиятидан бирон нарса ҳайрон қолдирмайди. Хуллас, Ғарбнинг ҳазорий бузуқлиги ҳаёт ҳақидаги бузуқ тушунчаларнинг мантиқий чиқиндиси бўлиб, бу тушунчалар бузуқ материалистик илмоний фалсафий илдиз-асосдан келиб чиққан.

Албатта бу очиқ ҳақиқат бўлиб, бу ҳақиқат қақшатқич кризислар, фалокатлар, йўқ қилувчи урушлар, ваҳшийлик, шафқатсиз мустамлакачилик, ирқчилик, башарият қирғини ҳамда фалсафий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бузуқликнинг барча турларида шундоқ кўриниб турибди. Ҳатто, Ғарбдаги инсоннинг ўзи ҳам Ғарбнинг материалистик илмоний системасида ҳаёт, ободончилик ва саодат лойиҳаси бор деб билмайдиган бўлиб қолди. Аксинча, уни ўлим, бахтсизлик, ўз жонига қасд қилиш лойиҳаси деб биладиган бўлди. Ғарбда бугун Ғарб таназзули, қулаши, тубанлашаётгани, ўз жонига қасд қилаётгани, ўлими ҳақида ҳамда ҳаёт ҳақидаги эмас, фанога юз тутиш тушунчалари ҳақида гап-сўз юрибди. Ғарбнинг материалистик илмоний ҳазоратининг самараси сўнгги даражада зимистон, зулматли бўлди, ҳар қандай фалокат ва бахтсизликнинг ҳақиқий манбаи, дард-касалликлар ботқоғи ва фано қабристонига айланиб қолди.

Эй ақли расо инсонлар, ҳеч шубҳасиз Ғарбнинг бузуқ материалистик илмонийлиги шундай ҳазоратки, унинг эгалари зулмдан бошқа нарсани билмайди. Парвардигорга ва ҳисоб-китоб кунига кофир бўлган, кўрлик ва жаҳолат зулматида адашиб-улоқиб, еру само яратувчисини майдонга чорлаган, ўзининг фаҳш ва разолатлари ботқоғига ботган, башариятни йўқ қилишга қаттиқ бел боғлаб, уни сўйиш, ўлдириш учун пичоқ қайраган бу илмонийлик сизлар учун ҳеч бир танлов қолдирмади. Бугунги

вазиятда, ё сизлар Ғарбнинг бузуқ ҳазоратини йўқ қиласизлар ёки у сизларни!

Эй муслмонлар, одамлар учун чиқарилган энг яхши Умнат ўғлонлари, буюк Ислом рисолати соҳиблари ва оламлар устида ҳақ гувоҳлик берувчи кишилар, сизлар бутун олам учун нажот чамбарегисиз, башарият халоскорисиз. Чунки сизнинг буюк Исломингиз юксак бинодир. Унинг қарашлари қатъий бўлиб, аниқ ишончли ақидага асосланган. Унинг пойдевори аниқ ишончлидир, мезони ҳам ҳақиқий ишончлидир. У моддани яратиб, унинг ишини тадбир қилиб турувчи яратувчига, Хабир, Алим Зотга интилар экан, материалистик нигилизмни ортга суриб ташлайди. Бу ёрқин қараш инсонга дунё ҳаёти ҳақида ҳақиқий тасаввурни беради. Шу билан дунё ҳаётининг моҳиятини ҳамда ўзининг дунёга келиши сабаби, ғояси ва тақдирини кўра билади. Натижада ўзининг мавжуд бўлиши ва ҳаёти учун маъно, сабаб ва ғоя юзага келади ва ўз яратувчисининг ҳидояти асосида онгли ҳаракат қилиб ўзининг мукаррам инсонлик чўққисига кўтарилади.

Эй муслмонлар, тақволилар, покиза кишилар жамоаси, бу омонатдор, ишончли Ҳизбнинг аъзолари, буюк Ислом даъватини кўтариб чиқаётганлар, бу сизларнинг ҳал қилувчи жангингиздир, бу замон сизнинг замонингиздир, ажралиш замонидир, синов замонидир, икки лагер замонидир, узил-кесил ҳал қилиш замонидир, у жанг замонидир. Ғарбнинг ҳазорий бузуқлиги ириб, чириди, унинг йўқ бўлиш замони келди. Бу бахтсиз оламни залолат ва тентирашидан чиқариш учун фақат сизлар борсиз. Бу эса, аввало тортиб олинган ҳокимиятингизни қайта қўлга олишингиз ва Роббингиз шариатини ҳакам қилишингиз билангина бўлади. Бунинг учун орангиздан Роббингиз Китобини ва Пайғамбарингиз ﷺ Суннатини ҳакам қиладиган, рошид саҳобаи киромлар сийратини, Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифаликни қайтарадиган кишига байъат бериш тўғрисидаги Исломнинг амрини амалга оширишингиз лозим. Зеро, Халифалик ташлаб қўйилган Қуръон аҳкомларини қоим қилиб, Ҳодий Мустафо ﷺнинг Суннатини тирилтиради. Шунда сизлар узилиб қолган азиз исломий ҳаётингизни қайтадан бошлайсиз, буюк Ислом даъватини оламларга нур ва ҳидоят сифатида кўтариб чиқасиз, еру само Парвардигори сизлардан рози бўлиши учун ерни само билан боғлайсиз.

﴿هَذَا مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ، وَصَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ﴾

**«Бу Аллоҳ ва пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир.
Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир»** [Аҳзоб: 22] □

КОИНОТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ ҲАМДА КАТТА ПОРТЛАШ НАЗАРИЯСИ (1)

Айман Салоҳ – муборак Фаластин замини

Фалсафа ва файласуфлар пайдо бўлгач, коинот ва ундаги нарсаларнинг пайдо бўлиш масаласи ҳамда унинг бошланиш нуқтаси борми ёки у азалийми, деган савол вужудга келди. Шу билан коинотнинг яратувчиси борлигига иймон келтирган ҳамда коинот ва ҳаётни азалий деб ҳисоблайдиган икки гуруҳ пайдо бўлди. Мусулмонлар, Қуръон кўрсатганидек, коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги ақлий тафаккур орқали вожибул вужуд (бор бўлиши зарар бўлган) яратувчига иймон келтирган эдилар. Ғарбда эса, черков одамларга ақлий тафаккурсиз яратувчига ишонишни лозим қилиб қўйган эди. Динни ҳаётдан ажратиш ақидаси пайдо бўлгач, бу масала илмий майдонга чиқди. Олимлар бунинг илмий йўли билан ечишга киришди. Бунинг натижасида коинотнинг пайдо бўлиши ва ер юзида ҳаётнинг бошланишига изоҳ сифатида катта портлаш ва эволюция назарияси вужудга келди. Бир гуруҳ атеист олимлар мавжуд бўлган ҳар бир нарса моддадир, моддадан ташқари илм-фан идрок қилмаган ҳеч нарса мавжуд эмас, дея бонг ура бошлашди. Улар фан яратувчининг борлигини исботламайди, коинот азалийдир, деган фикрни олға суришди. Бир гуруҳ мусулмон мутафаккирлари эса Аллоҳнинг борлигини ва исломий ақиданинг тўғрилигини исботлаш учун оламнинг пайдо бўлиши ҳақида физиклар ва астрономлар томонидан ишлаб чиқилган илмий йўналиш ва илмий назариялардан фойдаланмоқчи бўлдилар. Улар креационист олимлар йўлидан бориб, кўпгина оятларни илмий назарияларга мувофиқ келиши учун таъвил қилдилар. Натижада, исломий ақидага хилоф бўлган фикрларни пайдо қилдилар. Чунки изланишдаги бу йўл ақлий тафаккур йўналишига, Қуръони Карим воқелигига ва унинг далил келтириш йўналишига хилофдир.

Муқаддима:

Фалсафа ва файласуфлар пайдо бўлганидан бошлаб кўпгина тортишувларга сабаб бўлаётган масалалардан бири коинотнинг пайдо бўлиш масаласидир. «Коинот ва ундаги нарсалар қандай пайдо бўлган?», «Коинотнинг бошланиш нуқтаси борми ёки у азалийми?», «Коинот, ҳаёт ва инсон нега пайдо бўлган?». Ушбу саволлар инсонда энг катта тугунни ташкил қилади. Ҳаёт ҳақидаги саволларга қўшимча «Бу ҳаёт нима, ундан кейин қандай ҳаёт бор,

ҳаётнинг ўзидан олдини ва кейинига қандай алоқаси бор?», деган саволлар ҳам мавжуд. Булар ақли комил ҳар қандай шахсда пайдо бўладиган табиий саволлардир. Файласуфларнинг сафсата-тўқималари билан фитрати булғанмаган ҳар бир кишининг ақлни қаноатлантирадиган, фитратга мувофиқ келадиган жавобга эришиши осон ва енгилдир. Лекин фалсафа ва файласуфлар кўп фараз-тахминларни илгари суриб, бу масала бўйича катта тортишувларни келтириб чиқардилар. Тортишувлар коинотнинг яратувчиси бор деган гуруҳ билан коинот ва ҳаёт азалий деган гуруҳ ўртасида кетарди. Коинот, инсон ва ҳаёт ҳақида ақлий фикр юритганда, ёлғизлик, илоҳлик, илм, қудрат каби ўзига хос улғлик ва комиллик сифатлари билан ажралиб турувчи вожибул вужуд яратувчининг борлиги тўғрисидаги иймонга эришилади. Ақлий тафаккур ёрдамида биламизки, яратувчи бошқага муҳтожлик ёки ўзи яратган нарсаларга ўхшашлик каби ҳар қандай нуқсонлар билан сифатланиши мумкин эмас. Бу тарзда иймон келтириш энг катта тугунни ечади, ақлни қаноатлантиради, инсон фитратига мос келади ва қалбни хотиржам қилади. Бундан кейин, қалб бошқа далилларга эҳтиёж сезмайди, шак-шубҳа унга сизиб киролмайди. Шунинг учун бу тортишув Исломнинг баҳс майдонида кенг тарқалмади. Чунки Ислом буюрган ақлий тафаккур барча атеистик фикрларнинг унини ўчириш учун етарли эди. Ғарбда эса, руҳонийлар яратувчининг борлигига ҳеч қандай ақлий тафаккурсиз таслим бўлиш кераклигини айтишар эди. Шунингдек, болага эҳтиёж ҳамда (ота, ўғил, Рухул Қудс)га бўлиниш каби нуқсонлардан яратувчини поклашмасди. Улар барча диний ишларда, шу жумладан яратувчига иймон келтиришда тўғри ақлий тафаккурни ман қилишарди, дин ишида фикр юритган ҳар қандай шахс таъқибга олинарди. Шунинг учун Ғарбда бу масала бўйича зиддият кескинлигича қолди. Ҳатто кўпчилик ғарблик олим ва мутафаккирлар яратувчи бўлиши зарурлигига йўл топишган эди. Лекин улар бу яратувчи нуқсонли сифатларга эга черков худоси эмас, деб эътиқод қилар эдилар. Машҳур физик олим Ньютон ҳам шу йўналишда бўлган, дейилади.

Дарҳақиқат, қарийб бир аср олдин Ғарб мамлакатларида илмий материализм пайдо бўлганидан буён, сўнгги ўн йилликларда бу масала борасида тортишувлар кўпайди. Бу тортишувлар барча соҳаларда илмий инқилоб содир бўлганидан кейин ҳамда фан кўплаб муаммоларни ҳал қила бошлаган ва Ғарб жамиятлари

динни ҳаётдан ажратишга ва руҳонийларни черковдан ташқаридаги ҳар қандай билим ёки фикрдан четлатишга рози бўлганидан кейин, шунингдек, Коммунистик партия бошчилигидаги материалист атеистлар материалистик атеистик тафаккур асосида давлат қуришга муваффақ бўлишган пайтда юз берди. Шу билан мавжуд бўлган ҳар бир нарса моддадир, моддадан ташқари фан идрок қилмаган ҳеч нарса мавжуд эмас, деган қараш интеллектуал ва илмий доираларда ҳукмрон тушунчага айланиб қолди. Натижада Ғарбда коинот қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикр асосида бир қанча оқимлар вужудга келди. Улардан бири яратувчига ҳеч қандай фикрий изланишларсиз ишонган гуруҳ бўлиб, улар черков тобеълари эди. Яна бири модда ва коинотни азалий, яратувчига эҳтиёж йўқ, деб билган материалист атеистлар гуруҳи эди. Учинчи гуруҳ эса фанни илоҳ даражасига кўтарарди. Улар фаннинг ўзи коинот, инсон ва ҳаёт ҳақида алоҳида қарашга эга фалсафий ақида-таълимотга айланиши учун фақат фан исботлай оладиган нарсага ишонишарди. Бироқ, баъзи мушоҳадаларда илмий бўлмаган ғайбий фалсафий тушунтиришларга ҳам таянишган. Бу қарашларнинг келиб чиқишига черков кишилари томонидан қониқарли жавоб бўлмагани ҳамда баъзиларни фақатгина ҳис қилинадиган нарсаларга ишонишга олиб келган моддий ҳаётга қисқа назар ташлашлик сабаб бўлди. Шунинг учун олимлар илмий йўналиш орқали бу масалага коинот ва ҳаётнинг борлигини тушунтириб берадиган илмий назариялар шаклида жавоб топишни хоҳлашди.

Катта портлаш назарияси

Коинот ва унинг пайдо бўлиши ҳақида кенг тарқалган илмий назариялар мавжуд. Бу назариялар коинотнинг чекланганини ва яратувчига муҳтожлигини тан олади. Бундан ташқари, айланма ёки тебранувчи коинот назарияси (Oscillating universe) ҳам мавжуд. Унга кўра, коинот портлайди, кенгайди, сўнг кенгайишда ўз энергиясини тугатиб боради. Сўнг тортишиш кучлари устун келиб, қайта жипслашади. Сўнг яна портлайди ва ҳоказо. Шу боис бу назарияга кўра, коинот азалийдир. Булар билан бир қаторда янгитдан яратилиш назарияси ҳам мавжуд. Мана шу назариялар ортидан коинотнинг кенгайиши ва буюк портлаш назарияси пайдо бўлди. Бу назарияга кўра, коинот кенгайиб галактикалар бир-

бирдан узоқлашиб боради. Бу назария ҳақида 1929 йилдан бошлаб гапирила бошлади¹.

Коинотнинг кенгайиши назариясига кўра, галактикаларнинг бир-бирдан узоқлашиши, уларнинг ҳар хил йўналишларга қараб ҳаракатланиши ҳисобидан бўлмай, балки улар турган жойнинг кенгайиши натижасида галактикалар ўртасидаги масофа кенгайиши ҳисобидан бўлади. Олимлар коинотнинг кенгаётганини, галактикаларнинг бир-бирдан узоқлашаётганини ёки юлдузлар ўртасидаги масофа ортганини ўзлари кўришмаган. Бироқ, улар юлдуз ва узоқ галактикалардан келаётган ёруғлик спектрдан шундай хулоса чиқаришган. Яъни кўринадиган ёруғлик спектрининг кўк-бинафша рангдан қизил спектрга силжишини пайқаб, бундан ёруғлик манбаи биздан узоқлашмоқда, яъни юлдузлар ва галактикалар биздан узоқлашмоқда, деган хулосага келдилар. Сўнг коинот бугунги кунда кенгаймоқда, шунинг учун ўтмишда ҳозиргидан кичикроқ ҳамда юлдуз ва сайёралар бугунгидан кўра бир-бирига яқинроқ бўлган дейишди. Кейин кенгайишни тескари жадвалини туздилар. Бунда галактикалар бир-бирига тобора яқинлашади. Тортишиш кучи уларни ягона массага айлантиргунча бир-бирига яқинлашишда давом этаверади. Охир оқибат тортишиш кучи уни қаттиқ сиқиб, коинот материясини жуда ҳам кичик ва зич ҳолатга олиб келади, дея тасаввур қилишди. Бу бириккан зич моддани ягона материя деб номлашди. Уни дастлаб тухумдек ёки тўғноғич учи ҳажмича, кейин баъзилар зарра ёки унданда кичик деб тахмин қилишди. Охириги ҳисоб-китобларга кўра, уни бир сантиметрдан 10^{-33} баравар кичик деб белгилашди. Бу физикада «Планк узунлиги», деб аталади. Бу олимлар коинотнинг ёшини, яъни шу ҳолатда бўлган вақтни тахмин қилишда ихтилоф қилишди. Дастлаб 25 миллиард йил деб белгилашди. Сўнг бир неча тахминлар ўртага ташланиб, охири 13.7 миллиард йилга бориб тўхтади. Бу олимларнинг айтишича, кеча ва бугун деган нарсалар бўлмаган, яъни замон ва макони бўлмаган нолга тенг биринчи лаҳзада ўша юқори зичликдаги, кичик, тўйинган ягона материя бўлиниб ёки портлаб, қисмларга ажралган. Кейин улардан атомлар, юлдузлар, сўнгра элемент ва бирикмалар вужудга келган. Коинотнинг бу тарзда пайдо бўлиш назариясига 1948 йилда катта портлаш (BigBang) номи берилди.

(1) Бу назарияни биринчи бўлиб (Edwin Hubble) айтган.

Маълумки, бу номни қўйганлар ушбу назарияга қаноатланганидан эмас, балки масхара қилганидан қўйган эдилар. Бироқ, бу исм оммалашди¹. Олимлар бу назарияни қувватловчи далилларни излашда давом этдилар. Сўнг уларда 1965 йилда катта портлаш назарияси тўғрилигига далил деб санашган космик микротўлқинли фон нурланишлардан ҳосил бўлувчи микротўлқинлар, фотонлар ва гелийга оид мушоҳадалар юзага келди. Айтилишича, катта портлаш назариясига муқобил равишда ишлаб чиқилган яна бир назария ҳам мавжуд. Бу барқарор коинот ва стационар олам назарияси бўлиб, у коинотни азалий, деб ҳисоблайди. Бу назария йигирманчи асрнинг ўрталарида кенг тарқалган бўлсада, бироқ, уни илгари сўрганларнинг ўлиmidан кейин янги қўллаб-қувватловчилар чиқмаганлиги боис йигирманчи асрнинг охирларига келиб ўз ниҳоясига етди.

Сўнгра катта портлаш назариясини илгари сурувчилар тахмин қилдиларки, портлашнинг биринчи лаҳзаларида вужудга келган, ҳозирда коинотда мавжуд бўлмаган, бироқ унинг вужуди нейтрино, кварклар, материя ва антиматерия каби босқичма-босқич давом этган нарсалар бор. Шунингдек, катта портлаш тарафдорлари коинотнинг ҳар бир босқичдаги кенгайиш тезлигини ҳамда ҳарорат, босим ва бошқа физиологик ўзгаришлар даражасини ҳисоблаб чиқишди. Улар юлдузлар ядросидаги атомлар ва элементларнинг ҳосил бўлиш механизмини кашф қилишди. Сўнг субатомик заррача ҳақида нейтрино деб номланган заррача бор эди, у жуда кичик массанинг биринчи портлаши натижасида пайдо бўлган, кейин протон ва электронга парчаланиб кетган, деб айтишди. Уларга кўра, материя ва антиматерия деган нарса ҳам мавжуд бўлган ва улар ўртасида нимадир юз берган. Бунинг натижасида, атомлар ва элементларни келтириб чиқарган термоядровий реакция ва реакциялар схемаси вужудга келган. Улар коинотдаги барча нарсаларнинг шаклланиш жараёнига алоқадор жуда кўп, нозик ва аксари сохта бўлган тафсилотларни келтиришди. Қачонки улар тушунтириш қийин бир масалага дуч келсалар ёки жараён давомида бирорта довонга йўлиқсалар, ҳодисалар занжиридаги бўшлиқни тўлдириш учун имкон қадар шу

(1) Бу исм билан атаган биринчи шахс сэр Фред Хойлдир. У 1949 йил 28 мартда Би-Би-Би радиоси эфирга узатган дастур давомида шу ном билан атаган.

қонунларга мос келадиган ва доволон ошишга ёрдам берадиган фарозларни илгари суришарди.

Коинотнинг пайдо бўлиши ва табиат қонунларига мувофиқ ривожланишини-эволюциясини тушунтириш учун ишлаб чиқилган катта портлаш назарияси коинотнинг бошланиш нуқтаси борлигига, бошланиш нуқтаси бўлган ҳар бир нарсанинг тугаш нуқтаси ҳам бўлишига ёрқин далолат қилади. Шунинг учун олимлар келажакда коинотда то тугагунига қадар юз берадиган ўзгаришлар сценарийсини башорат қилиб шундай дедилар: «Табиат ва физика қонунлари бугун коинотни кенгайтирмоқда ва бу кенгайтириш жараёни шу тарзда давом этади. Келажакда бир неча эҳтимоллар бўлиши кутилмоқда: ё коинот кенгайишда тўхтамасдан-чексиз давом этади ёки тортишиш кучи кенгайишни олдини олишда рол ўйнаб, коинот катта портлашнинг акси ўлароқ буюк ҳалокат билан интиҳосига етади ёки секин-аста қисқариб, бир-бирига киришиб, тугаб кетади».

Катта портлаш назариясидан қаноатланган астроном ва биолог олимлар ушбу жараённи коинот ва ҳаёт пайдо бўлиши ва эволюциясининг ажралмас бир қисми деб билишади. Уларга кўра, эволюция маъноси кенгқамровли бўлиб, бир қанча йирик ҳодисаларда замонлар оша ҳосил бўлган. Бунини қуйидагича тақсимлаш мумкин; 1) астрономик-физик эволюция. Бунда коинот йўқдан бор бўлган ва ер пайдо бўлиб, ҳаёт учун яроқли ҳолга келган. 2) физик-кимёвий эволюция. Бунда турли элементларнинг атомлари вужудга келиб, баъзи кимёвий бирикмалар ҳосил қилиш учун реакцияга кириша бошлайди. Бу икки қисм коинот материясининг пайдо бўлиши ва эволюцияси билан боғлиқ. 3) Биологик эволюция. Бунда ҳаёт жонсиз моддалардан вужудга келган. Сўнг эволюция юз бериб, бактериялардан тортиб сутэмизувчиларгача бўлган улкан хилма-хил тирик организмлар юзага келдики, инсоннинг пайдо бўлиши ҳам шулар жумласидандир. Бу «Дарвин назарияси», деб танилган. Уларнинг айтишича, бу уч масаланинг бирида изланаётган шахс қолган иккитасини назардан четда қолдира олмайди. Чунки улар бир қарашда ҳар хил ва алоҳида бўлиб кўринсада, аслида ўзаро боғлиқ масалалардир.

Катта портлаш назариясининг коинотнинг бошланиш нуқтаси борлигига далолат қилиш масаласи илоҳиётчиларга завқ бағишлади. Шунинг учун астроном, физик олим Роберт Жастроу

Ўзининг «Илоҳ ва астрономия» китобида шундай деган эди: «Мантикий йўналишга одатланган олим учун катта портлаш қиссаси гўё қўрқинчли туш каби ниҳоя топганга ўхшайди. У жаҳолат тоғларини забт этишга киришиб, чўққидаги охириги қояга етганда, асрлар давомида шу ерда ўтирган илоҳиётчи олимлар уни кутиб олишди¹. Шу ердан, илоҳиётчилар билан олим ва файласуфлар ўртасида коинотнинг пайдо бўлиши ва буюк портлаш назариясини талқин қилишда зиддият юзага келди. Бунинг натижасида Ғарбда коинотнинг пайдо бўлиши ва ушбу назария атрофида бир қанча таълимот, фикр ва позициялар вужудга келди. Улардан муҳимлари учта:

1 – Материалистик илмий атеизм ва агностицизм мактаби: улар айтадики, коинот ўз-ўзидан йўқдан пайдо бўлган ёки у бошланиши йўқ азалийдир. Сўнгра ривожланиб тасодифан ҳаёт учун яроқли ҳолга келган. Бинобарин, мазкур ҳодисаларнинг барчаси тасодиф бўлган. Буюк портлаш ҳам барча тафсилот ва натижалари билан бирга тасодифийдир. Шунингдек, ер сайёрасида ҳаёт учун яроқли муҳитнинг пайдо бўлиши ҳам, ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳам тасодифийдир. Ўз ихтиёри билан яратадиган яратувчи бор деб айтишнинг ҳожати йўқ, унинг борлигидан ғоя ҳам йўқ. Чунки коинот эволюциясига ҳамда юлдуз ва галактикаларнинг шаклланишига таъсир ўтказган нарса коинот эволюциясининг ҳар бир босқичида мавжуд бўлган моддалар хусусиятлари ва физик қонунлардир. Агар бу хусусиятлар озгина бўлса ҳам ўзгарса, коинотнинг кенгайиш тезлиги ва коинотдаги мавжудотлар шаклига ўзгариш киради.

2 – Диний яратилишчи (креационист)лар мактаби: бу фикр эгалари илоҳ барча мавжудотни бевосита ўзи яратган, деб эътиқод қилади. Шунинг учун катта портлашни ҳам, биологик эволюцияни ҳам инкор қилишди. Бу мактаб черков ва илоҳиётчи олимлар фикрининг давомидир.

3 – Ақлли дизайн мактаби ёки ҳаракати (Intelligent Design Movement)². Уларга кўра, тасодиф деган нарса коинот ва ҳаётнинг пайдо бўлишини тушунтиришдан ожиздир. Ер юзидаги ҳаёт ҳамда коинот пайдо бўлиши ақлли дизайнернинг кенг диапазондаги асосий физик константаларни ўта аниқлик, эҳтиёткорлик билан

(1) Бу иқтибос Фрэнсис Коллинзнинг «Аллоҳнинг луғати; фан иймонга йўллайди» китобидан келтирилган.

(2) Бу мактабга молекуляр биология олими Фрэнсис Коллинз бошчилик қилган.

созлаши ва калибрлашидан кейингина амалга ошади. Агар бу мезонлар ёки уларнинг баъзилари озгина бўлса ҳам бузилса, ушбу космик тармоқнинг ҳосил бўлиши ҳамда юлдузларнинг ядроларида бундай кўплаб кимёвий элементларнинг пайдо бўлиши мумкин бўлмасди. Шунинг учун айтишадик, коинот, тирик материя ва дастлабки тирик организмларни яратишда табиат қонунларини ишга соладиган ақлли дизайнер (яратувчи) бўлиши лозим. Сўнг у инсон пайдо бўлгунига қадар, тирик организмларни диверсификация қилишда ўз раҳбарлиги остида ишлайдиган эволюция механизмини ишга туширди. Ақлли дизайн мактабидан иккита мактаб етишиб чиқди. Биринчиси, ақлли дизайн ва махсус яратилиш мактаби. Иккинчиси, ақлли дизайнер ва йўналтирилган эволюция мактаби.

Илмий материалистик атеизм мактаби тарафдорлари ақлли дизайн ғоясига жавобан, агар ушбу назоратдан чиқиш рўй берганда эди, ҳаёт ва коинот низоми биз билмаган бошқа шаклда вужудга келган бўларди, деб айтишди. Илмий материалистик атеизм ва тасодифийлик мактабининг катта портлаш орқали коинотнинг пайдо бўлиши ва тирик мавжудотларнинг биологик эволюцияси ҳақидаги қараши Ғарб университетларида илмий ақида-таълимотга айланди. Айни мактаб ҳокимиятга эга чиқиб, муҳолиф олимларни бидъатчига чиқариб, барча имтиёздан маҳрум қиларди. Креационизм ва ақлли дизайнер назариясини ўргатувчи олимлар судда жиноий жавобгарликка тортиларди. Америкада 1967-2005 йиллар мобайнида шу хусусда бир қанча суд жараёнлари бўлиб ўтган. Ёзувчи Молин Матсумура ва Луиза Мид Фан таълими миллий маркази (NCSE) сайтида нашр қилинган мақолада ана шундай ўнлаб суд жараёнларини эслатиб ўтган. Мақола эволюция ва креационизм ҳақидаги ўнта суд иши, деб номланган. Буларнинг бошида, яъни 1968 йилда АҚШ олий суди Арканзас штатида Дарвин нуқтаи назарияси асосидаги эволюцияни ўқитишни тақиқловчи асосий қонунни бекор қилди. Сўнгра судлар креационизм ва ақлли дизайн назариясини ўқитишни тақиқлашга қарор чиқарди. Суд креационизм ва ақлли дизайнни фан эмас, диний тушунча деб ҳисоблаб, уни мактабларда ўқитишни тақиқлади. Коинот ва тирик организмларнинг тасодифий пайдо бўлиши ҳақидаги таълимотни рад этгани ҳамда креационизм ва ақлли дизайн назариясини қабул қилгани учун бир қанча олимлар ишдан ҳайдалиб,

маърифий терроризмда айбланишган. Дарҳақиқат, баъзиларининг ҳикоялари милодий 2008 йилда «Қувилганлар, интеллектга рухсат йўқ», номли ҳужжатли филмда намойиш қилинган. Материализм ва тасодифийлик тарафдорлари сертификатлар, мукофотлар¹, ишга жойлашиш, лавозим кўтарилиш, конференциялар ташкил қилиш, тадқиқотлар учун молиявий ёрдамлар, унинг натижаларини нуфузли журналларда чоп қилиш каби ишларни назорат қиладиган бўлишди. Шунингдек, улар ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга эдилар. Бу ишларни сақофий таълим дастурлар орқали ҳамда ушбу назарияни барча қабул қилган ҳақиқат сифатида тарғиб қилувчи ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқариш билан амалга оширишган. Бунга Американинг National Geographic журнали ишлаб чиқарган программа ва фильмлар мисол бўла олади. Улар, шунингдек, айни назария билан йўғрилган илмий-фантастик сериаллар ва фильмлар орқали жамоатчиликка таъсир ўтказар эди.

Материалист атеистларнинг илмий террори креационистлар мактабининг «ақлли дизайн ва йўналтирилган эволюция» мактаби билан интеграциялашувига олиб келди. Буни Ватикан папаси Иоанн Павел II 1996 йилда агар жон киритувчи Аллоҳдир деб ишонсак, эволюция муқаддас китобга зид келмайди, деб эълон қилиши мисолида кўришимиз мумкин.

Булар Ғарбда юз берган тортишув ва назариялардир. Ушбу фикр ва назарияларга нисбатан мусулмон мутафаккирларининг позицияси қандай бўлиши лозим?! Кейинги баҳсимизда шу ҳақда тўхталиб ўтамиз, инша Аллоҳ.

(Давоми бор). □

⁽¹⁾ Масалан сэр Фред Хойл Катта портлаш назариясини қабул қилмагани учун, бунга қўшимча ер юзидаги ҳаётнинг даврий пайдо бўлиши назариясини инкор қилгани учун Нобель мукофотидан маҳрум қилинган.

ФОИЗЛИ ТАШҚИ ҚАРЗЛАР СИЁСАТИ ҒАРБНИНГ ҲУКУМАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИ ҚУЛГА АЙЛАНТИРУВЧИ ВАҲШИЙ КАПИТАЛИСТИК ЖОҲИЛИЙ СИЁСАТИДИР

Муаллиф: Муҳаммад Рожиҳ – Яман

Биринчи жоҳилият даврида, яъни Ислом келишидан олдин одамлар бошқаларни қулга айлантиришда рибо-судхўрликдан фойдаланишар эди. Қарздор одам бўйнидаги қарзини келишилган муддатда тўлай олмаса, тўлов муддати ўтган сайин қарзи ошиб бораверар эди. Бу ҳол то қарздор бир кун келиб ўзини ёки боласини қарз берувчига сотиб юборгунига қадар давом этарди. Шундан кейин у қўй ва туялар савдоси каби олди-сотди қилинадиган қулга айланиб қоларди. Бу билан рибо одамларни қулга айлантириш, уларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатиш, ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум қилиш қуролларидан бирига айланган эди.

Биз яшаётган ҳозирги аср жоҳилиятида ҳам бу иш ўтмишдагидан фарқ қилмайди. Тўғрироғи, халқлар, жамиятлар, давлатларга, хусусан муслмонларга унданда даҳшатлироқ, аччиқроқ ва оғирроқдир. Чунки ҳозирда рибо якка шахсларни қул қилмайди. Аксинча, халқларни қулга, давлатларни мустамлакага айлантирадиган қурол бўлиб қолган. Унда мамлакатлар ажнабийнинг, у ердаги сиёсий қарор эса қарз берувчи давлатларнинг гаровига айланиб қолиб, ўз мустақиллигини йўқотмоқда. Одамлар қашшоқлик, очлик, танг ҳаётга гирифтор бўлмоқда. Жамиятлар оғир қарзлар юки остида эзилиб, инграмоқда, уларнинг бадалини ҳеч бир гуноҳ ва айби йўқ келгуси авлод ўз ҳаётлари ва турмуш тарзлари ҳисобидан тўламоқда. Чунки рибо билан фақат якка шахслар шуғулланмаяпти. Шундай бўлганида эди унинг таъсири чекли бўларди. Аксинча, бу ерда уни ўнгу сўлга ёйиб, тарқатаётган кўплаб молиявий ташкилот ва муассасалар бор. Дунёда қайси бир давлат ва минтақа бўлмасин, унда рибо асосига қурилган банк ёки молиявий муассаса, албатта мавжуд. Росулulloҳ ﷺ:

«يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يَأْكُلُونَ الرِّبَا، فَمَنْ لَمْ يَأْكُلْهُ أَصَابَهُ عَذَابُهُ»

«Шундай замон келадики, одамлар рибога ружу қўйишади, ҳатто судхўрлик қилмаган одамга ҳам унинг ғубори етади», дея нақадар ҳақ сўзни айтган эдилар. Бу ҳадисни Аҳмад, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилган.

Ғарбнинг кўфр давлатлари кўтариб чиқаётган капитализм мабда-мафкураси дунёдаги муаммолар ва кризисларнинг сабабчисидир. Бу муаммоларни ҳал қилишга монеълик қилаётган, фақат ўз услуби бўйича ечаётган мана шу мафкурадир. Риболи ташқи қарзлар муаммосини пайдо қилган ҳам, давлатлар ва халқларни мустамлака қилиш учун мана шу ифлос ролни ўйнайдиган молиявий муассасаларни пайдо қилган ҳам мана шу мафкурадир. Риболи ташқи қарзлар капиталистик мамлакатларнинг халқларни мустамлака қилишдаги ҳукмронлигини қўллаб-қувватлайдиган энг муҳим қурол ва механизмлардан бири ҳисобланади. Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банкнинг ҳар иккаласи ҳам йирик давлатлар томонидан жаҳон иқтисоди устидан ҳукмронлик қилиш учун фойдаланиладиган энг муҳим молиявий ричаглардан биридир. Бу молиявий муассасалар дунёнинг аксарият давлатларига суқилиб кирганидан кейин мустамлакачи йирик давлатлар ўша давлатлар иқтисодини ўз иқтисодига боғлаб олди ва рибони уларнинг марказий ва тижорат банкларида шу мамлакатлар иқтисодининг жон томирига айлантирди. Бунда мустамлакачи давлатлар ана шу мамлакатлардаги нуфузли кимсалар ва қарор чиқарувчилар ёрдамига таянди ва уларга шундай бир сиёсатларни чизиб бердики, бу сиёсатлар уларни риболи қарзлар билан боғлаб, мамлакатларини қарзлар гирдобига ғарқ қилмоқда, улар бу қарзларни тўлашдан ожиз қолишмоқда. Натижада, бу мамлакатлар мустамлакачи давлатлар чангалидаги бир ўлжага айланмоқда. Мустамлакачи давлатлар уларни ўрнидан қимирламай овламоқда, бойликларини зулукдек сўриб, одамларни бу бойликлардан маҳрум қилмоқда.

Одатда, Халқаро Валюта Фонди қарздор мамлакатлар учун молиявий-иқтисодий ислоҳот программаларини жорий қилади. Бу бамисоли ўлдирувчи «доза»лар ўрнида бўлиб, бу мамлакатларни қарз берувчи давлатларга бўйсунувчи, тобеъ қилиб қўяди. Қарз бериш Валюта Фонди халқаро иқтисодчи мутахассислар ва экспертларни юборганидан кейин амалга ошади. Улар қарз олмоқчи бўлаётган мамлакат вазиятини – унинг молиявий имкониятларини билиш ва иқтисодий сирларидан ҳар томонлама бохабар бўлиш учун – ўрганиб чиқиб, унинг кучли ва заиф томонларини шу мамлакат аҳолисининг ўзидан ҳам кўра кўпроқ билиб олишади. Халқаро Валюта Фонди ўзини гўё қарз олмоқчи

бўлаётган давлат манфаати ҳақида қайғураётгандек, бу мамлакатнинг молиявий ва иқтисодий вазиятини ўнгламоқчи бўлаётгандек қилиб кўрсатади. Қарз ўзига қайта тўланишини кафолатлаш учун маълум бир шафқатсиз сиёсатга амал қилади. Бу сиёсат қарздор мамлакатларни қарзларни тўлашдан ожизлик денгизида фарқ қилишга ёрдам берадиган шартларни ўз ичига олади. Бу шартлар бўйича олинган қарзлар муайян лойиҳаларга сарфланиши лозим. Улар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилмайдиган истеъмол лойиҳалари ёки бўлмағур кўнгил очар лойиҳалари ёки маҳсулот ишлаб чиқарилмайдиган инфратузилмаларни барпо қилиш лойиҳалари бўлади. Халқаро Валюта Фондининг қарз бериш учун қўядиган шартларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- **Савдо эркинлиги ҳамда валюталарнинг эркин конвертацияси:** яъни бошқа мамлакатлардан импорт қилиш бўйича ҳар қандай чекловларни олиб ташлаш. Бу нарса маҳаллий бозорларни импорт товарлари билан тўлғазиб ташлашга олиб келади. Натижада маҳаллий саноат корхоналари ўзининг рақобатбардошлик қобилятини йўқотади. Бу эса, ўз навбатида маҳаллий саноат корхоналарининг банкрот бўлишига олиб келади ва маҳаллий иқтисодий фаолият оқсоқланиб қолади. Бу билан импорт қилинадиган товарларга рақобатчи қолмайди. Яъни маҳаллий бозорлар импорт товарлари учун истеъмол бозорига айланади. Иқтисод импортга таянадиган бўлса, бу нарса молиявий ресурсларнинг тугаб битишига олиб келади. Шунингдек, иқтисодий турғунлик натижасида ёки иқтисодий активларни иқтисодий ислоҳот деган баҳона билан глобал ширкатларга сотиб юбориш натижасида инфляция ошиб боради. Охир-оқибат бу давлатлар йирик мустамлакачи давлатларга доимий қарам бўлиб қолади. Эркин конвертация эса давлат хазинасидаги олтин ва қаттиқ валюталарнинг тугашига олиб келади. Ҳеч шубҳасиз бу сиёсат қарздор давлатлар иқтисоди ва молия тизимларининг емирилишини келтириб чиқаради.

- **Долларга нисбатан валюта курсини тушириш:** бу нарса товарлар нархининг кўтарилишига олиб келади. Бунга сабаб маҳаллий валютанинг харид қобиляти пасайиши ҳамда мамлакатнинг бозорларда чет давлатларнинг товар экспорти билан рақобатлаша олмаслигидир. Қарздор мамлакатлар экспортининг камайиши уларнинг хом ашё ва қишлоқ хўжалик

маҳсулотларидан иборат энергия ва бойликларини саноати тараққий этган мустамлакачи давлатларга арзимаган нарҳда сотиб юборишга олиб келади.

- **Бюджетдан оғир юкларни олиб ташлаш учун давлат сарф-харажатларини камайтириш:** бу эса, нафақаларни камайтириш, иш ҳақларини музлатиб қўйиш ёки озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим, даволаниш каби асосий эҳтиёжлар соҳасида давлат одамларга кўрсатадиган хизматларни ва сарф-харажатларни камайтириш ёки бекор қилиш билан бўлади. Бу нарса ижтимоий аҳволнинг ёмонлашишига олиб келади. Натижада камбағаллик, қимматчилик ва касаллик нисбати ошиб боради ва одамлар ўзларининг асосий тирикчилик эҳтиёжларини таъминлай олмай қоладилар.

- **Ёнилғи нархларининг ошиши:** бу нарса транспорт нархларининг кўтарилиши натижасида товар ва зарур хом-ашё нархларининг ошишига олиб келади. Бу эса, қимматчилик, иқтисодий турғунлик ва маҳаллий валюта қадрсизланишини келтириб чиқаради.

- **Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун одамларга солиқларни ошириш ҳамда давлат муассасалари ва давлат хизматлари учун тўлов-нархларини кўтариш:** Бу нарса одамларни янада кўпроқ қийинчилик ва машаққатларга солади, давлат томонидан солиқ йиғиб олиш борган сари кўпайиб, ғамхўрлик кўрсатиш камаяди.

- **Хусусийлаштириш:** Бу – Халқаро Валюта Фонди тиқиштирадиган энг хатарли сиёсатлардан биридир. Чунки бунда қарздор давлатлар бюджетни молиялаштириш учун оммага тегишли муассасалар ва иншоотларни хусусий секторга сотиб юборади. Бунда оммавий ишдан бўшатишлар авж олади, ишсизлик ортади, товарлар ва хизматлар нархи кўтарилади ва аҳвол одамлар тоқат қилолмайдиган даражага етади.

- **Инвестиция:** Бу – қарздор давлатларга чет эл капиталининг кириб келишига йўл очади. Мустамлакачилар шу орқали маҳаллий саноат корхоналарига зарба беришади, ўз мақсадларига эришиш ҳамда инвестиция киритиш баҳонасида мамлакатнинг турли табиий ресурслари ва стратегик активларига эга бўлиб олиш учун қарздор давлатлардаги нуфузли кишиларни ва сиёсатчиларни сотиб олишади.

Халқаро Валюта Фонди томонидан жорий қилинадиган мазкур шарт ва сиёсатлар лаънатланган, заҳарли пакет бўлиб, қарздор давлатларни тиз чўктириб, хорлайди, бозорларини мустамлакачи давлатларнинг қиммат нархдаги товарларига ланг очиб бериб, уларни истеъмолчи бозорларга айлантиради. Бу шарт ва сиёсатлар давлатларни асосий товарлардан қўллаб-қувватловни олиб ташлаш орқали фуқаролар олдидagi ўзининг асосий масъулиятларидан воз кечишга мажбурлайди. Шунингдек, одамлар елкасига оғир солиқ ва тўловларни юклаб, давлатни – ўз қарзларини тўлаши учун бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида – таълим, даволаниш ва одамларнинг бошқа ишларига ғамхўрлик кўрсатишдан иборат асосий хизматларга қилинадиган сарф-харажатларини камайтиришга ундайди. Бу энг аввало камбағалларга таъсир қилади. Улар бунинг оқибатларини кўтара олмайдилар. Бу нарса режимларни ўзгартиришни талаб қиладиган халқ норозилик намоишларига ва кўзғолонларга олиб келади. Манфаат таллашиб ўзаро курашаётган йирик давлатлар бундан фуқаролик жамияти ташкилотлари деб аталган тузилмалар орқали фойдаланиб қолади. Бу тузилмаларни йирик давлатлар сиёсий қатламга араллашиш учун очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлайди. Бу аралашув малайларни етиштириб чиқариш, ҳукмдорларни мустаҳкам ўрнатиш ёки ўзаро курашаётган йирик давлатларнинг таъсир кучига қараб уларни ағдариб ташлаш учун қилинади.

Риболи ташқи қарзлар қарздор давлатларни қарз берувчи давлатларга тобе қилиб қўяди. Натижада қарздор давлатлар қарз берган давлатлар манфаатини ҳимоя қиладиган бўлиб қолади. Бунга қўшимча, БМТнинг баҳсли қарорларига овоз беришда ўша давлатлар позициясига мос позицияларни эгаллайдиган бўлади. Ҳатто ўз ҳудудида қарз берувчи давлатларнинг ҳарбий базалари бўлишига рухсат бериб, уларнинг барча буйруқларини бажаради.

Ташқи қарз сиёсати янгича қиёфадаги мустамлакачилик сиёсати бўлиб, ундан мақсад давлатларни қарзлар ботқоғига ботиришдир. Бу давлатлар мустамлакачи давлатлар иқтисодига боғланиб қолар экан, ушбу қарзлар қарздор давлатлар иқтисодининг ўсишига ҳисса қўшмайди ва ишлаб чиқаришни ўстирмайди. Аксинча, қарздорлик, меҳнат-машаққат ва қолоқликни янада оширади. Мустамлакачи давлатлар қарздор давлатлар иқтисодига ҳукмронлик қилишда ҳамда уларнинг сиёсий ва ижтимоий тизимларини ҳеч бир уруш ёки босқинчиликсиз назорат қилишда

ушбу қарзлардан восита сифатида фойдаланади. Шунинг учун бу қарзлар давлатлар ва халқларни мустамлака қилиш услубларидан биридир.

Бу ташқи қарздорликда қарздор давлатлардаги коррупцияга ботган малай ҳукмдорларнинг ҳам жуда катта роли бор. Чунки улар ўзларининг барча сиёсатларини устларидан ҳукмронлик қилаётган мустамлакачи давлатларнинг буйруғига кўра олиб боришади. Шунингдек, бу ҳукмдорлар эркидан маҳрум халқлар устидан ҳукмронлик ўрнатишда ёрдам берган ўша мустамлакачи кофир давлатлар фойдаси учун ўз давлатларини ташқи қарзларга ботиришга ҳаракат қилишади. Бу ҳукмдорлар, хусусан, муслмонларнинг ҳукмдорлари коррупцияга ботган. Улар омма мулкани талон-торож қилиб, улкан бойликлар йиғишади ва бу бойликларини мамлакат ташқарисидаги Ғарб ёки Америка банкларига қўйишади. Чунки бу банкларни – бошларига бирон фалокат тушгудек бўлса ёки уларни таг-томирлари билан суғуриб ташлайдиган бўрондек қўзғолон юз берса – ўзлари учун тинч бошпана, деб ҳисоблашади. Шунинг учун муслмонларнинг бутун мол-мулклари бугунги кунда уларнинг душманлари қўл остида бўлиб қолди... Муслмон юртлари кофир Ғарб ва уларининг коррупцияга ботган ҳукмдорлари томонидан бемалол оёқ ости қилинмоқда. Зулм остида эзилган халқлар қашшоқлик, очлик ва ҳаётларига таҳдид солаётган касалликлар оловида жизғинак бўлмоқда.

Жаҳон Банкига келсак, у «инфратузилмаларни барпо қилиш» деган нарсани қўллаб-қувватлайди ҳамда ўзининг даъво қилишича, инвестиция қилиш учун бутун эътиборини суверен бойликларга қаратади. Лекин аслида у давлатнинг ўз қарзларини тўлай олмаслиги учун унга фойда келтирмайдиган лойиҳаларни танлаб олади. Бунга мисол қилиб маданий меросни сақлаш, туризмни муҳофаза қилиш, соғлом авлод (аслида аҳоли сонини камайтириш) каби ва бошқа лойиҳаларни келтириш мумкин.

Жаҳон Банки улкан стратегик лойиҳаларга сармоя ётқизмайди. Ғарбнинг трансмиллий ширкатлари иштирок этсагина ётқизиши мумкин. Сўнг мамлакатларни қарзлар ботқоғига ботириб, ривожланишни издан чиқаради ва Уммат бойликларининг талон-торож қилинишига ёрдам беради.

Молиявий муассасаларнинг сиёсатлари ҳалокатли ва жиноий сиёсат бўлиб, ҳеч кимга сир эмас. Бу сиёсатлар шу даражада

даҳшатлики, ҳатто ўзлари билан яқин алоқада бўлиб келган ва сабр косаси тўлган ғарблик баъзи иқтисодчи экспертларнинг ҳам ҳис-туйғуларини уйғотиб юборган. Қуйида улар айтган гаплардан мисоллар келтирамиз:

– **Жаҳон Банки вице-президенти ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Стиглиц** «Вашингтон консенсуси» сиёсатининг учта устуни Жануб давлатларидаги глобал молиявий-иқтисодий кризисларнинг сеҳрли ечими ҳисобланиб келганини, бу учта устуннинг турлари ва услублари хилма-хил бўлишидан қатъий назар, бу уч устун консенсус ва солиқ сиёсатлари бўйича ўта тежамкорлик, хусусийлаштириш ва либераллаштириш, бошқача айтганда маҳаллий бозорларни, айниқса пул бозорини ланг очиб қўйиш эканини кўрсатиб ўтади. Стиглиц ўзининг «Глобализмдан умидсизлик» китобида бундай дейди: «Бу чоралар ўша даврда халқаро молия муассасаларида мутлақ муқаддас нарсалар ўрнида бўлиб қолган эди. Чунки улар – иқтисодий контекстга ёки уларнинг жойлардаги оқибатларига эътибор бермай – автоматик рецептлар сифатида қўлланди. Бу эса, ривожланаётган мамлакатларда ҳалокатли натижаларга олиб келди. Фонд хусусий секторни рағбатлантириш воситаси сифатида хусусийлаштиришни энг қисқа вақт ичида тасдиқлар эди. Бу эса, амалда омма бойликларининг созурилишига ҳамда хусусийлаштириш жараёнини истайдиган ҳукмрон сиёсий табақаларга яқин бўлган бир ҳовуч кимсалар ва ширкатлар қўлида бу бойликларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Яъни бунда давлат бу жараёндан ваъда қилинган фойдадан бирор нарсага эришмади».

– **Ларри Эллиотт** «Гардиан» газетасида бундай деб ёзди: «Табиийки, на Жаҳон Банки, на Халқаро Валюта Фонди ўзларининг сиёсати муаммо эканини тан олмайди. Ҳатто, тадқиқотчилар Африкадаги қашшоқликни келтириб чиқараётган энг катта айбдорлар аслида мана шу халқаро муассасалар эканини исботлаб қўйишса ҳам, айбларини бўйниларига олгиси келмайди. Зеро, қароргоҳи Вашингтонда жойлашган бу икки муассаса ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб дунёда, айниқса, Африкада тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайиши учун сабабчи бўлган сиёсатнинг бош архитекторига айланди».

– **БМТнинг ривожланиш бўйича собиқ масъулasi Изабель Грамбург** ҳам Халқаро Валюта Фонди аъзо давлатларга, айниқса ривожланаётган давлатларга юклаётган ва кўп ҳолларда ишсизлик

даражасининг кўтарилишига ва харид қобилиятининг пасайишига олиб келаётган сиёсатига баҳо бериб, бу сиёсатларнинг қарамликка, айниқса озиқ-овқат қарамлигига ҳамда ишлаб чиқариш тизимларининг бузилишига олиб келаётганини айтди. У бу ишларни жиноят, деб атар экан «Халқаро Валюта Фонди бу ишларда нафақат иштирок этади, балки у бой озчиликнинг сарф-харажатларини молиялаштириш учун камбағаллардан пулларни тортиб олаётган комплекс системани бошқараётган маэстродир», деди.

– **Немис эксперти, Претория университетининг фалсафа профессори Эрнст Гольф** ҳам ўзининг «Халқаро Валюта Фонди жаҳон саҳнасидаги супер куч» китобида фонднинг аралашувлари ҳақиқатда уришаётган армияларнинг босқинларига ўхшайди, деб баҳо берди.

– **Жон Перкинс** эса ўзининг «Халқаро системанинг иқтисодий суиқасди, БМТ» китобида бундай деди: «Халқаро Валюта Фонди халқаро компанияларнинг жаҳон иқтисодиётини назорат қиладиган, мамлакатларни беқарорлаштирадиган, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодини талон-торож қилиб, вайрон қиладиган империя қуриш қуролларидан биридир».

Бу экспертлар молиявий муассасалар томонидан яратилган фожиа кўламини тасвирлаб беришди. Лекин бу азоб-уқубатлар ҳажмини янада кучлироқ тасвирлаб, чизиб, ифодалаб берадиган нарса одамлар ҳар соатда, ҳар пайтда бошларидан кечириётган ҳаётдир. Чунки мамлакатлар барча хизматлардан ҳамда асосий товар ва хизматларни қўллаб-қувватлашдан воз кечишди. Натижада ҳаёт тобора аланга олувчи жаҳаннам оловидан бир парчага айланди. Одамлар бир-бирларини еб битиришлари қолди, холос!

Рибога асосланган система Аллоҳга уруш очадиган шафқатсиз система бўлиб, қашшоқлик, очлик ҳамда душманлар ва малайлар ҳукмронлигини олиб келади. Шунинг учун нафақат мусулмонлар, балки бутун башарият рибога қарши уруш очмоқлари лозим. Улар рибонинг сабабчиси уни қонунийлаштираётган капиталистик система эканини, шунингдек, рибони қонунийлаштираётган ҳамда бошқа юртларни, айниқса, мусулмон юртларини мустамлакачиларга тобе малай ҳукмдорлар орқали бошқараётган конституцион тузум ҳам шу системага тобе эканини тушуниб етмоқлари даркор.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки, Жаҳон Савдо ташкилоти ва бошқа молиявий муассасалар дунё аҳолисини назорат қилишга интилаётган халқаро системанинг иқтисодий витриналаридир. Мана бу майда давлатчалар эса, бу ваҳший системага қарши туришдан ожиздир. Бу қўғирчоқ давлатчаларнинг роли ва вазифаси фақат шу сиёсатларни бажариш ва халқаро система этагидан тутиб, судралиб юришдир, холос.

Олдимизда иккита танлов бор, холос: Ё шу воқеликка бўйин эгиб, қашшоқлик, очлик, касаллик, танг ҳаётга рози бўлиб, душманларимизга ва уларнинг этагини тутганларга доимо тобе бўлишимиз керак. Бу билан ҳаётимиз ҳеч қачон ўнганмайди, Роббимизни асло рози қилолмаймиз, дунёю охиратни бой бериб, зиён кўраимиз... Ёки бу сиёсатларга Аллоҳ бизга инъом қилган Раббоний мабда (мафкура) билан қарши туришимиз лозим. У Ислом мабдаси бўлиб, фаровон ва яхши ҳаёт кечиришимизни кафолатлайди.

Ислом шундай бир низом (система)ки, у бойликни барчага адолат билан тақсимлайди, бу бойликларнинг халқлар тақдири билан ўйнашиб, уларни хорлайдиган бир ҳовуч кимсалар қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймайди. Исломнинг рибога бўлган позицияси, муносабати аниқ-равшандир. Зеро, Аллоҳ уни ўзил-кесил ҳаром қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, рибони ҳаром қилган»

[Бақара: 275]

У оз миқдорда бўладими ёки кўпми, ҳаромдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً﴾

«Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан рибо емангиз (судхўрлик қилмангиз)!...»[Оли Имрон: 130]

Рибо моли қатъан ҳаром мол бўлиб, уни мулк қилиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, Аллоҳ судхўрлик қилувчи кимсага қарши уруш эълон қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿۲۰۰﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз). Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг!»

[Бақара: 278-279]

Ислом олиб келган ушбу аҳкомларнинг бирортасини Аллоҳга, Росулига ва мўминларга хиёнат қилган бу малай режимлар ҳеч қачон татбиқ қилмайди. Аксинча, уларни Роббимиз бизга ваъда қилган ва Росулимиз бизга башорат берган ҳамда халқаро капиталистик системага қарши тура оладиган иккинчи рошид Халифалик давлатигина татбиқ қилади. □

АЁЛ ВА ДАЪВАТНИ ЁЙИШ

Насиба Иброҳим – Иордания вилояти

Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺ га ғорда ваҳининг дастлабки нозил бўлган кунидан бошлаб, аёл кишининг роли аниқ ва фаол тарзда юзага келди. Ўша куни Росулulloҳ ﷺ вафоли, мухлиса завжалари Хадича бинти Хувайлид олдиларига қайтиб, ғорда кўрган нарсаларини, Жаброил ﷺ билан ўрталарида бўлиб ўтган ҳодисани айтиб бердилар. Шунда Хадича رضي الله عنها у Зотни ҳақда устувор туришга ундаб, қўллаб-қувватлади, бу нарса яхшилик муждаси эканини айтиб, у зотни тинчлантирди. Дарҳақиқат, Хадича رضي الله عنها «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч қачон хор қилмайди. Чунки сиз қариндошлик риштасини боғлайсиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, етимларга, бошига мусибат тушганларга ёрдам берасиз», деб у Зотнинг қўрқувларини аритиб, хотиржам қилди. Сўнгра турмуш ўртоғини яна ҳам хотиржам қилиш, кўрган нарсалари яхшилик ва ёрқин келажак муждаси эканини таъкидлаш мақсадида у киши رضي الله عنه ни ўзининг амакиваччаси Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига олиб борди. Шундай қилиб, Хадича онамиз رضي الله عنها рисолат юкини ва унинг машаққатларини кўтарган ҳолда, Пайғамбар ﷺ га биринчи бўлиб иймон келтирган инсон бўлди.

Биз сўзни ушбу воқеадан бошлаган эканмиз, бу билан даъватни етказиш ва унинг машаққатларини кўтаришда, айниқса, даъватни етказиш аёлга ҳам, эркакка ҳам фарз эканини англаб етган маҳалда аёл кишининг нақадар муҳим рол эгаллашини тушунтирмоқчимиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ

حَكِيمٌ ﴿٥٩﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар, намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир»
[Тавба: 71]

Дарҳақиқат, Ислом аёлларга қаттиқ эътибор бериб, уларга иззат-икром назари билан қараган. Ислом аёлларни энг аввало она ва уй бекаси ҳамда авайлаб-асралиши вожиб бўлган номус, деб ҳисоблайди. Ислом ҳаёт масъулиятини кўтаришда аёлларга эркакларнинг бир бўлаги деб қарайди. Аллоҳ Таоло аёлга эркак билан бирга ер юзида ўринбосар бўлиш вазифасини юклайди. Унга фарзандларни тарбиялаш ҳамда уларни омонатни кўтарадиган, қўшинларга етакчилик қиладиган, Ислом байроғини кўтарадиган рижоллар қилиб улғайтириш вазифасини топширди. Унга эркак билан бир хил иззат-икром, бир хил савоб ва жазо белгилади. Зотан, ҳар иккиси солиҳ амалига яраша савоб, гуноҳларига яраша жазо олади.

Қуръони Карим бунга бир неча ўринларда урғу беради, жумладан Наҳл сурасида бундай таъкидланади:



﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أَنفَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» [Наҳл: 97]

Ҳозирги кунда даъватни ёйувчи аёлларнинг ҳаётига назар ташласак, дарслар, ҳалқаларда таълим олиш, бошқаларга таълим бериш ва фаолият қилиш орқали даъватни етказётганини кўрамиз. Шунингдек, атрофидаги кишилар ва жамият билан фикрий кураш олиб бораётганига, иш, оила ва қариндошлар муҳитида фаолиятга ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўламиз. Баъзан оила аъзоларидан кимдир унинг бу йўлда юришига қарши чиқади. Бундан ҳам оғири – эри ёки отаси унинг даъват карвонида юришига тўсқинлик қилади. Аммо у бу тўсиқларнинг барчаси қаршисида сабр қилади, Аллоҳдан ажр умид қилиб, ҳолатини яхши тарафга ўзгартиришига кўз тикади.

Агар Аллоҳ Субҳанаҳу эрининг қамоққа олинишини ва узоқ йиллар панжара ортида ўтиришини тақдирга битган бўлса, аёл азоб-уқубатларни, машаққатларни бошдан кечиради. Айрилиқ аламларига чидаб, бир неча йилларни ёлғизликда ўтказади. Уй, фарзанд ва оила масъулиятини ўзи кўтаради. Бироқ бу оғир

синовлар унинг иродасини буколмайди, балки саҳобийя аёллардан ўрнак олиб, ҳақ йўлда давом этади.

Умму Салама  даъват йўлида қаттиқ озорларни бошдан кечирган, ибрат олинадиган аёллардан бири эди. Дарҳақиқат, у дини сабаб Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага ҳижрат қилди. Росулulloҳ  у билан машварат қилар ва маслаҳатини оларди. Асмо бинти Абу Бакр ҳижратда, Умму Аммора жиҳодда амалга оширган буюк ишларни тарих ҳеч қачон унутмайди.

Зулм, куч ишлатиш, ўнлаб йиллар қамоқ жазоси бериш каби босимлар авж олган Ўзбекистон ва Қирғизистондаги даъватчи аёлларни ҳеч қачон унутмаймиз. Улар бу каби зулм, зўравонликларга қарамасдан, Аллоҳдан ажр, савоб умид қилиб, Аллоҳнинг розилигини кўзлаб, сабр ва сабот ила иккиланмай олдинга интилмоқдалар.

Даъватчи аёллар Ислом бу – даъватни ёйиш ва барча каттаю кичик ишларда Аллоҳнинг амрига бўйсуншидир, деган тўғри тушунчалари билан, муслима аёл суратини бузиб кўрсатаётган ҳамда аёл эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш даъвоси билан залолат ва жаҳолатга ундаётган адаштирувчи фикрларга қарши аёвсиз курашмоқдалар. Ҳар хил шартнома ва қонунлар орқали ўзларини аёл бахти, озодлиги йўлида елиб югураётгандек кўрсатувчи мана бу адаштирувчи фикр эгалари ўз мақсадлари йўлида кўп маблағлар сарфлашди. Феминизм, хотин-қизлар қўмитаси, турли хил жамиятлар, дастурлар ва ахборот воситалари каби барча мавжуд имкониятларини ишга солишди. Улар ўзларинг бу қабих ишларини шариат нусусларини бузадиган ҳамда бу ишларига шаръий тўн кийдириб берадиган сарой муллалари ёрдамида амалга оширишди. Мақсад, аёлни ҳимоя қўрғони бўлмиш уйдан, оиланинг иссиқ тафтидан олиб чиқиб, қандайдир она ва бола ҳуқуқига ўхшаш сохта ҳуқуқлар алдовига етаклашдир. Аслида айни ҳуқуқларни зое кетказиш ва йўқ қилишдир.

Лекин, улар ўзларнинг ифлос мақсадларига етишига йўл бўлсин. Зеро, уларнинг маккорона тузган режаларини, ҳийланайранглари, Умматга қарши уюштирган фитналарини очиб ташлайдиган йигит-қизлар бор экан, шунингдек, аёлни фисқу фасод ва разиллик бўронларидан ҳимоя қилувчи ёпинчиғини ечиб олишга қилган уринишларини чиппака чиқарадиган йигит-қизлар бор экан, улар ҳеч қачон ўзларининг ифлос мақсадларига эриша

олмайдилар. Балки, улар тез орада муваффақиятсизликка учраб, ўзлари ҳам изсиз йўқ бўлиб кетадилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّآ أَن يَتِمَّ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нуруни тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди» [Тавба:32]

Ана ўшалар даъват юкини кўтарувчи уйғоқ эркак ва уйғоқ аёллардир. Уммат муаммоларидан огоҳ ҳамда ҳудудларни ҳимоя қиладиган қаттиққўл посбонлар мана шу эркак ва аёллардир. Улар кечани кундузга улаб Уммат манфаатларини ҳимоя қиладилар. Умматнинг душманлари қаршисида мустаҳкам тўсиқ бўлиб, душманларнинг ўз мақсадларини рўёбга чиқаришларига асло йўл қўймайдилар.

Албатта, даъват юкини кўтарувчи аёллар Аллоҳнинг динини азиз қиладиган ва Унинг шариати билан ҳукм юритадиган Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик давлатини тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ҳаракат қилиб, аҳдларида содиқ қолишлари лозим. Аллоҳим, бизларни тезроқ Халифаликни барпо қилиш ва байроғини баланд кўтаришга муваффақ қил! Токи, бизлар ва фарзандларимиз Исломнинг азизлигидан ва Унинг нусратидан баҳраманд бўлайлик. Аллоҳдан шундай Халифалик давлати лашкарларидан ва унинг шаҳидларидан қилишини умид қилиб қоламиз. □

ИСЛОМ ДИЁРИ

Форис ал-Форис

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Ироқдаги
матбуот бўлими аъзоси

Биз мусулмонлар ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қилар эканмиз, мусулмонлар диёрининг бугунги воқелигини, яъни у Ислому диёримиз ёки куфр диёримиз – буни билишимиз лозим. Биз бу ерда ушбу диёрнинг аҳолиси ҳақида эмас, балки бир гуруҳ инсонлар яшайдиган диёр, ўлка, ватан ҳақида гапиряпмиз. Бу борада аниқ ва ёрқин хулосага келишимиз учун нусус ва далилларни нозик тушунишимиз ва уларни яшаб турган воқеимизга боғлаб, ўша воқеликка туширишимиз лозим бўлади...

Аввало шуни айтишимизки, диёрлар икки қисмга – Ислому диёри ва куфр диёрига бўлинади. Зеро, Бурайда رضي الله عنه ривоят қилган мана бу ҳадис шунга далолат қилади: «Набий ﷺ сарийя ёки қўшин жўнатсалар, бундай насиҳат қилардилар:

«**تُمْ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ، فَإِنْ أَجَابُوكَ، فَاقْبَلْ مِنْهُمْ، وَكَفَّ عَنْهُمْ، ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى التَّحْوِيلِ مِنْ دَارِهِمْ إِلَى دَارِ الْمُهَاجِرِينَ**»

«... Сўнг уларни Ислому даъват қил. Агар қабул қилишса, сен ҳам бунга рози бўлиб, уларга қарши жанг қилишдан тийил. Сўнг уларни ўз диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчиб ўтишга даъват қил». (Муслим ривояти). Росулulloҳ ﷺ яна бундай деганлар:

«**لَا يَقْبَلُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ مِنْ مُشْرِكٍ بَعْدَمَا أَسْلَمَ عَمَلًا، أَوْ يُفَارِقُ الْمُشْرِكِينَ إِلَى الْمُسْلِمِينَ**»

«Аллоҳ Азза ва Жалла бирор мушрикдан Ислому киргандан кейин, мушриклардан ажралиб мусулмонларга қўшилмагунча ҳеч бир амални қабул қилмайди». (Насоий ва ибн Можа ривояти, исноди ҳасан.) Демак ушбу нусуслар Ислому диёри ва куфр диёридан иборат икки диёр мавжуд эканига далолат қилмоқда.

Ислому диёри хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, аҳолиси Ислому соясида яшайдиган юртдир. Бу икки иш билан амалга ошади:

1 – Ислому аҳкомлари ҳаётнинг барча жабҳаларида, ички ва ташқи ишларда татбиқ қилиниши лозим.

2 – Ушбу диёрнинг хавфсизлиги энг юқорисида халифа турувчи давлат жиҳози (аппарати) орқали мусулмонларнинг қўлида бўлиши лозим.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур: 55]

Динни ғолиб-мустаҳкам қилиш бир жиҳатдан уни татбиқ қилишга боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, уни ҳимоя қилиш учун хавфсизликнинг таъминланишига боғлиқдир. Диёр Ислом диёри бўлиши учун мана шу икки нарсга топилиши керак. Бундан ташқари, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш шартлигини таъкидлайдиган бошқа бир қанча оятлар бор. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَن أَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرُهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида: 49]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузуринда) ҳаргиз қабул қилинмайди» [Оли Имрон: 85]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن لَّمْ يَخُصَّ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир» [Моида: 44]

Бунинг далилларидан яна бири Мадина ҳужжати ўз ичига олган нарсалардир. Ҳужжатда қуйидаги сўзлар келган: **«Агар бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, албатта, уни Аллоҳга ва Муҳаммад ﷺ га**

қайтариш лозим бўлади». Ушбу ҳужжат диёрдаги бошқарув фақат Ислом асосида бўлиши кераклигига шубҳа қолдирмаяпти. Саҳобаи киромлар худди шундай тушуниб, исломий фатҳларда амалда шуни татбиқ қилганлар. Зеро, мамлакат ва унинг аҳолисининг Ислом ҳукмронлигига бўйсунуши – гарчи аҳолиси ўз динида қолса ҳам – бу мамлакатни Ислом диёрининг бир бўлагига айлантиради. Бунинг акси ўлароқ, агар кофирлар Ислом диёрларидан бўлган бирорта юртни босиб олишса, ҳатто аҳолиси муслмонларни ташкил қилса ҳам, бу диёр кўфр диёрига айланади.

Диёр ҳақида биз келтирган мана шу тавсифга кўра, муслмон юртларининг бугунги воқелиги уларнинг кўфр диёри эканини кўрсатмоқда. Чунки бу юртларда Ислом билан ҳукм юритилмайди ва хавфсизлиги муслмонлар қўлида эмас. Кимдир айрим Ислом аҳкомларининг татбиқ қилинаётганини ёки конституцияда давлатнинг расмий дини Исломдир ёки Ислом, қонунларнинг асосий манбаидир, деб ёзиб қўйилганини ҳисоб олиб, нега Ислом диёри бўлмасин? – деб айтиши мумкин? Биз айтамызки, мазкур нарсаларнинг ҳеч бир қиймати йўқ, чунки асл эътибор ҳаётнинг барча жабҳаларида Исломни тўлиқ ҳукмрон қилишдир. Яъни Исломий ақида давлатдаги барча фикр, тушунча ва тизимлар учун ягона асос бўлиши керак. Давлатларнинг воқеига бирров назар ташланса, уларнинг динни ҳаётдан ажратиш ақидасига қурилган демократияга чақираётгани, ички ва ташқи сиёсатида инсонлар ишлаб чиққан қонун ва низомларга таянаётгани маълум бўлади. Халифаликда ўз аксини топган Ислом диёрининг воқелиги ва унинг ҳозирги мавжуд тузумлардан фарқини яна ҳам ойдинлаштириш учун Халифаликнинг қуйидаги тавсифи ва асосларини баён қилишимиз лозим:

Биринчи: **суверенлик (хўжайинлик) ҳаётнинг барча жабҳаларида ёлғиз шариатникидир**, у ақлники ҳам, кўпчиликники ҳам эмас.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَوَدُّهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатдан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва

пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо: 59]

Демак, одамлар ҳукмдорга шариатни ижро қилиши учун байъат қиладилар. Агар у шариатдан четга чиқса, шариатга қайтгунича уни муҳосаба қиладилар. Агар байъат қилган одамлар шариатдан четга чиқишса, шариатга қайтгунларича ҳукмдор уларни муҳосаба қилади.

Иккинчи: **ҳокимият Умматникидир**. Уммат ўзининг номидан шариатни татбиқ қилиши учун халифага байъат қилади. Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءَ فَتَكْتُمُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُؤَا بَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، وَأَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَاتِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда саҳобалар бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглр ва уларнинг ҳаққини адо этинглр. Зеро, Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди**».. (Муслим ривояти.) Модомики, халифа шариатга амал қилар экан, ҳокимият унинг қўлида қолади.

Учинчи: **Мусулмонлар учун фақат битта халифа бўлиши**. Чунки мусулмонларнинг биттадан ортиқ халифаси бўлиши ҳаромдир. Росул ﷺ бундай деганлар:

«إِذَا بُيِعَ خَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар иккита Халифага байъат берилса, кейингисини ўлдиришлар». (Муслим ривояти). Дарҳақиқат, саҳобалар Росулulloҳ ﷺ нинг вафотларидан кейин мана шу ҳукмга ижмо қилганлар.

Тўртинчи: **раият ишларини бошқаришга алоқадор масалаларда шариат ҳукмларини табанний қилишга фақат халифа ҳақли**. Агар бир масалада ижтиҳодлар кўпайиб кетса, халифа уларнинг орасидан татбиқ қилиш учун тўғрироқ, дея гумони ғолиб келган шаръий ҳукмни табанний қилади. Бунда

Аллоҳ ҳузурида ҳам, бандалар олдида ҳам фақат халифа жавобгар бўлади.

Бешинчи: Халифалик давлатининг бошқарув жиҳози. Халифалик давлатининг фарқли-мумтоз жиҳати унинг ўзига хос ижройи жиҳоз (орган)и борлигидир. Ушбу жиҳоз халифа, муовинлар, волийлар, жиҳод амири, қозилар, идорий жиҳоз, шўро мажлиси ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Олтинчи: Халифалик давлатининг маълум бир ерда тўхтайдиган, ўзгармас чегараси бўлмайди. Чунки унинг зиммасига бутун дунёдаги одамларга Исломни етказиш, уларнинг Исломга кириш ё кирмасликларидан қатъий назар, устиларидан Исломни татбиқ қилиш вазифаси шаръан юклатилган.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

«(Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик» [Сабаъ: 28]

Яна айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظَاهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ﴾

«У (Аллоҳ) Ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» [Соф: 9]

Еттинчи: Ислом давлати ўзининг ички ва ташқи сиёсатида Ислом аҳкомларига амал қилади. Унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгаши қонунларига мурожаат қилиши ёки муслмонлар устидан кофирларнинг ҳукмронлигини таъминлайдиган коалиция ёки шартномаларга қўшилиши ҳаром. Зеро, Аллоҳ Таоло бундай таъкидлаган:

﴿وَلَن يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»

[Нисо: 141]

Саккизинчи: маҳаллий ва халқаро сўзлашувларда расмий тил араб тилидир. Сақофат, таълим ва ахборотда ҳам араб тил қўлланади. Чунки у Қуръон ва Суннат тилидир. Араб тилидан

бошқа тилларни ўрганиш эса фарзи кифоя бўлиб, давлат ўзининг эҳтиёжига қараб амалга оширади.

Халифалик давлатининг шаръий далиллардан истинбот қилинган ушбу асос ва хусусиятлари мусулмонларга, айниқса, даъватни ёювчиларга – модомики, улар Халифалик давлатини барпо қилиш орқали Исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият қилар эканлар – аниқ-равшан бўлиши лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِ ذَٰلِكُمْ
وَصَلَاحٌ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Албатта, мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди» [Анъом: 153]

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ахиос: Судандаги урушни тўхтатиш учун босқинчиларнинг ташқи ишлар вазирлиги Бурҳон билан боғланаётган бўлса, Моссад Ҳамидатий билан алоқа ўрнатган		
<p>Ахиос веб-сайтига кўра, (Исроил) Суданда тўқнашаётган ҳар икки томон билан ҳам алоқага эга. Сайт учта (исроиллик) расмийнинг Тель-Авив жанглари тўхтатиш учун армия қўмондонлари ва Тезкор қўллаб-қувватлаш кучлари билан бўлган алоқаларидан фойдаланмоқда, деган сўзини келтирган. Бундан ташқари, Тель-Авивнинг ўтган уч йил давомида генерал Абдулфаттоҳ Бурҳон ва генерал Муҳаммад Ҳамадон Дақлу билан ўрнатган муносабатларига ишора қилиб, бу нарса (Исроил)га уришаётган ҳар икки томон ўртасида воситачилик қилиш имконини берганини таъкидлади. Сайт, шунингдек, Тель-Авивнинг Судандаги вазиятдан хавотирда эканини, чунки бу Хартум ва Тель-Авив ўртасидаги тинчлик битими истиқболини йўққа чиқариши мумкинлигини маълум қилди. (Исроиллик) расмийларнинг айтишича, (Исроил) ташқи ишлар вазирлиги муносабатларни нормаллаштириш бўйича Бурҳон билан боғланаётган бўлса, Моссад хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш масалаларида ҳамкорлик қилиш учун Ҳамидатий билан алоқа ўрнатган. (Исроил) расмийлари, шунингдек, уруш аланга олишдан олдин ҳам фуқаролик бошқарувидаги ҳукумат тузишга олиб борадиган доиравий битимни кузатиб боришганини айтишди. (Исроил) ташқи ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, «Исроил барча томонларни зўравонликдан қочишга ҳамда ҳукумат алмашинуви жараёнини тамомлаш учун миллий ярашув йўлига ўтишга чақиради. Ҳамидатий Мисрни Судан армияси билан ҳамкорлик қилишда ҳамда армияни қўллаб-қувватлаш учун ҳарбий қурол-аслаҳалар юбораётганликда айблади. Қоҳира бу даъволарни рад этиб, Миср армияси Судан аскарлари билан фақат ҳарбий машғулотлар ўтказганини айтди. Сайтнинг таъкидлашича, (Исроиллик) расмийлар ҳар икки томонни ҳам жанглари тўхтатишга чақаришга ҳамда улардан ҳеч бирини қўллаб-қувватламасликка қарор қилишган.</p> <p>Ал-Ваъй: Судан ҳукмдорлари етиб келган хорлик ва пасткашлик даражасини бир тасаввур қилинг-а! Улар ўзларининг муаммолари фақат яҳудийлар орқали ечилади деб ўйлайдиган бўлиб қолишди.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «المسلم أخو المسلم لا يظلمه ولا يخذله ولا يحقره» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Бундан олдин яҳудийлардан АҚШ санкцияларини бекор қилиш учун воситачилик қилиб беришни сўраб ялинишган эди. Мана, бугун яҳудийларнинг ўзлари Судан армияси тарихида энг расво кимсалар сифатида кўрилган ҳамда шайтондан насихат қилишни сўраётган Бурҳон ва Ҳамидатий ўртасидаги қонли низони тўхтатишга воситачилик қилиб беришни таклиф қилишяпти... Эй Судан аҳли, зиммангизда бу икки исқирт борасида Аллоҳнинг ҳаққи йўқми?!</p>		
<p>Israel Today: Амирликлар муносабатларни нормаллаштириш келишувларидан воз кечиш ҳақида ўйламапти</p>		
<p>Биньямин Нетаняху бошчилигидаги босқинчи (Исроил) ҳукуматининг ўта ўнгчи экстремистик йўналишларига қарамай, Бирлашган Араб Амирликлари 2020 йил 13 августда эълон қилинган нормаллашув келишувларидан воз кечиш ҳақида ўйлаётгани йўқ, дея таъкидлайди «Israel Today» газетаси. Газетанинг қайд этишича, «Исроил ташқи ишлар вазири Эли Коэн Осие билан муносабатларни мустаҳкамлаган бир вақтда, (экстремист Бецалел Смотрич бошчилигидаги) «Диний сионизм» партиясидан бўлган кнессетнинг икки депутати Охад Таль ва Моше Соломон Амирликларга чақирилди. Уларга Амирликлар ҳукумати томонидан мамлакат раҳбарияти билан бир қатор учрашувлар ўтказишлари учун таклифнома йўлланган». Газета бундан қўйидагича изоҳлади: «Кнессетнинг бирор депутати хорижий давлатда учрашув ўтказса, бунга одатда кўп ҳам эътибор берилмайди. Аммо бу сафар бироз бошқача. Чунки икки диндор депутатга сўнгги пайтларда Абу Дабида йўлланган номалар «Иброҳим келишувлари»га (муносабатларни нормаллаштиришга) кескин равишда «ҳа» деб жавоб қилинишининг кафолати бўлди». Газетада яна бундай дейилади: «Амирликлардаги вазирлар, депутатлар ва ишбилармонлар Таль ва Саломондан (Исроил) ҳукуматининг режа ва баёноتلарининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилишди. Бу икки депутат бошқа ишлар доирасида (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришнинг асосий тарафдорларидан бири бўлган доктор Рашид Нуаймий билан ҳам учрашишди. Нуаймий ва яна бошқалар «Иброҳим келишувлари»дан воз кечилмаслигини ва бу борада Амирликларнинг мўътадил йўл тутмаслигини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>таъкидлашди». Газетага кўра, «Бирлашган Араб Амирликларидагилар ҳозирда ҳеч қандай тарзда «Иброҳим келишувлари»дан воз кечиш ҳақида ўйлашаётгани йўқ. Лекин (Исроил) ўз барқарорлигини тикламаса ва ўнг қанот партиялар эҳ-ҳушини йиғиб олмаса, шунингдек, сўл қанот партиялар (Исроил)нинг дунёдаги мавқеини бузишни тўхтатмаса, катта муаммолар юзага келиши тайин».</p> <p>Ал-Ваъй: Бирлашган Араб Амирликлари Ислом ва мусулмонларнинг душмани бўлган яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш борасида қатъий позицияга эга бўлиб, бундан чекинаётгани йўқ. У, шунингдек, мусулмонларга душманлик қилишда ҳам қатъий позицияни эгаллаган... Ҳар қандай ҳолатда ҳам, биз уларнинг бошига Аллоҳ томонидан қора кунлар келишини кўтиб қоламиз ва Аллоҳнинг изни ила бу албатта келади.</p>		
<p>Фейсбукдаги маълумотлар ошкор қилди: Ҳамидатийнинг расмий саҳифаси Амирликлардан юритилади</p>		
<p>«Фейсбук» ижтимоий тармоғи сайтидаги маълумотлардан ошкор бўлишича, Тезкор ҳаракат кучлари қўмондони Ҳамидатийнинг расмий саҳифаси Бирлашган Араб Амирликлари давлатидан туриб бошқарилмоқда. «Арабий 21» ҳам Суверен кенгаш раиси ва Судан армияси қўмондони Абдулфаттоҳ Бурҳонга қарши уруш олиб бораётган Тезкор ҳаракат кучлари қўмондони Ҳамидатийнинг расмий саҳифасидаги маълумотларнинг тўғри эканини тасдиқлади. Бу маълумотларни фаоллар ижтимоий тармоқларда баҳам кўришган эди. Фейсбукдаги «Саҳифалар шаффофлиги» бўлимининг кўрсатишича, Ҳамидатийнинг расмий саҳифаси Амирликлардан туриб бошқариляпти. Фейсбукдаги маълумотлар саҳифани тўртта шахс юритишини кўрсатди. Улардан учтаси ўзларининг қаердалигини яширишган. Тўртинчисининг эса Амирликларда эканлиги кўриниб турибди. Саҳифани очган ҳам шу кимса. Ижтимоий тармоқдаги фаоллар Ҳамидатийнинг Амирликлар билан алоқалари ҳақида бир-бирларидан сўрашган. «Middle East Eye» веб-сайтнинг аввалги ҳисоботида айтилишича, Ҳамидатий Саудия ва Амирликлар расмийлари билан Яманда ҳамкорлик қилиш орқали мустақкам алоқалар ўрнатишга эришган.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Фаолларга кўра, Судан армиясига қарши ташвиқотларни олиб бораётган саҳифа айнан Амирликлардан бошқарилади. «Middle East Eye» бош муҳаррири Дэвид Херст 2019 йил май ойида ёзган мақоласида Ҳамидатий кучлари Ҳусийларга қарши жангларда қатнашаётган Судан кучларининг умуртқа поғонасини ташкил қилади, деб айтган ҳамда бир неча манбаларнинг «Амирликлар Ҳамидатийни молиялаштириб, оғир қуроллар билан таъминлайди» деган гапидан иқтибос келтирган.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу – айнан Муҳаммад ибн Зойид етакчилигидаги Амирликлардир. Бугунги кунда мусулмонларга зулм қилиниб, уларга қарши олиб борилаётган тил бириктирувларда бу кимса очик кўринмай қолаётган бўлса-да, бироқ, сиз унинг ушбу тил бириктирувнинг пана-пастаги ва ифлос ирмоқларида бошини пинжига тиккан ҳолда ўтирганига гувоҳ бўласиз. У ҳар доим мусулмонларга ҳийла-найранг қиладиган тарафда туради... Ғарб медиасида унинг бошига шайтоннинг икки шохи қўйилган карикатура сурати чиқарилгани бежиз эмас.</p>		
<p>(Исроил) Сисий даврида Миср таълим дастурларига киритилган ўзгартиришлардан мамнун</p>		
<p>(Исроил)да чиққан бир ҳисоботга кўра, (Исроил) расмий доиралари Миср мактаб дарсликларига ҳозирги режим ҳукмдори Абдулфаттоҳ Сисий даврида киритилган ўзгариш ва янгиланишлардан қониқиш билдирмоқда. Мактаб таълимида тинчлик ва маърифий бағрикенгликни мониторинг қилиш институти «IMPACT-SE» томонидан чиқарилган ҳисоботда айтилишича, ушбу институт «Миср таълим тизимида янги нашр этилган дарсликларда яҳудийлар ва иудаизмга нисбатан муносабатда сезиларли яхшиланишлар борлиги»га гувоҳ бўлган. Бу ҳақда (Исроил)нинг «i24» веб-сайти хабар тарқатган. Сайтнинг таъкидлашича, Миср мактаб дарсликларидаги бу янгиланишлар «Миср йўналишида ўзгариш юз бергани»ни ифодаламоқда. (Исроил), Яқин Шарқ ва дунё бўйлаб таълим дарсликлари мавзуларини кузатиб борувчи (Исроил)даги ушбу «IMPACT-SE» нодавлат ташкилоти қўйидагича таъкидлайди: «Бу ҳисобот воқеликнинг ўзгараётганини, яъни Мисрда 2018 йилда бошланган ва 2030 йили ниҳоясига етадиган миллий таълим программаси борасида йиллик ислохотлар ўтказиш жараёни давом этаётганини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>кўрсатмоқда. Бироқ, афсуслар бўлсинки, Мисрда олиб борилаётган реформалар аста-секинлик билан бормоқда, бу бошланғич ва ўрта таълимдаги миллионлаб ўқувчилар таълим дарсликларида ҳанузгача яҳудийларга нисбатан адоват ва нафратга йўғрилган стереотипларга дуч келаётганини англатади». Ҳисоботда қуйидагича қўшимча қилинди: «Бу нарса яҳудийларни Европадаги антисемитизмга сабабчи бўлаётганликда айблашни, уларни молиялаштирувчи этник гуруҳ деб таърифлашни ҳамда яҳудийларнинг мусулмонларга нисбатан умумий нафратга эга деб кўрсатишни ўз ичига олади». Ҳисоботда яна шундай таъкидланади: «Тарих китобларининг бирида сионистлар холокост жабрдийдаларини эксплуатация қилишда айбланиб, ўлдирилган олти миллион яҳудийнинг нацистлар қўлида ўлдирилиши ёки ёқиб юборилиши яҳудийларнинг Фаластинга араблар ҳисобига кўчиб келишини оқлаш учун бўлган, дея қайд этилган».</p>		
<p>Фаластиннинг босиб олинишидан 75 йил ўтиб... (Исроил) аҳолиси қанча?</p>		
<p>Босиб олинган Фаластин заминидан (Исроил) босқинчи давлати ташкил этилганининг 75 йиллиги муносабати билан ушбу заминдаги (исроиллик) кўчманчи яҳудийлар сони бўйича сўнгги статистик маълумотлар эълон қилинди. (Исроил) марказий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, босқинчилар томонидан 75-«мустақиллик куни», деб аталган байрам арафасида (Исроил) аҳолиси 9.727 миллионга етган. Бундан 7.145 миллиони (73.5 %) яҳудийларни, 2.048 миллиони (21 %) арабларни, 534 минги (5.5 %) бошқаларни ташкил қилади». Бу ҳақда (Исроил хайом) газетасида Хаяли Якоби Гендельсман ёзган бош мақолада айтилди. Статистика қўмитасига кўра, «Исроилда аҳолининг 28 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар, 12 фоизини 65 ёшдан юқори ёшдагилар ташкил қилади». Яна қўшимча қилинишича, «Исроил аҳолиси ўтган йили 265 минг, яъни 2.3 %га кўпайган. Шу аснода 183 минг бола туғилган бўлса, 79 минг келгинди яҳудийлар қўшилган. Ўлганлар сони эса, 51 минг». Фаластин араб заминидан босқинчи давлат ташкил топган пайтда «аҳоли сони 906 минг кишини ташкил қилган бўлса, шу санадан 100 йил ўтиб, яъни 2048 йилда – уларнинг даъвоси бўйича – аҳоли сони 15.2 миллионга</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>етиши» таъкидланади. Газетада, шунингдек, «2021 йил охирида дунёдаги яҳудийларнинг қарийб 46 %и мамлакатда (босиб олинган Фаластинда) экани», «Исроилдаги яҳудийларнинг тахминан 79 %и ўша ерда туғилган»и таъкидланади.</p>		
<p>Ал-Ваъй: аҳоли сонига тааллуқли бутун дунёдаги статистик маълумотлар – демографияга боғлиқ бўлгани ҳамда унинг қанчалик барқарор ёки тарқоқ эканини кўрсатгани учун – кўп ҳолларда умумий ва батафсил равишда нотўғри бўлади. Маълумки, (Исроил)даги аҳоли сонининг ўсиши туғилиш билан боғлиқ эмас. Балки улар даъво қилганидек, «ваъда қилинган замин»га кўчиб келиш билан боғлиқ. Яҳудийлар бу ҳисобот орқали ичкаридан хорижга қараб узлуксиз давом этаётган салбий кўчиш борасида айланиб юрган гап-сўзларга барҳам беришни кўзлаётган бўлишса керак. Биз мусулмонлар эса, Роббимиз ваъдасига мувофиқ, яҳудийларни илдизидан қўпориб ташлашимиз ва босқинчи вужудларига барҳам беришимиз учун бир кун келиб уларнинг Фаластинда йиғилишидан хотиржаммиз. Аллоҳ Таоло айтади:</p>		
<p>﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِبَنِي إِسْرَائِيلَ ائْسْكُنُوا الْاَرْضَ فَاِذَا جَاءَ وَعْدُ الْاٰخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ لَفِيْفًا﴾ «(Фиръавндан) сўнг, Бану Исроилга: Мана шу ерни маскан тутинглар, дедик. Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақтисоати келганида, сизларнинг барчангизни бир жойга жамлаймиз» [Исро 104]</p>		
<p>АҚШдаги сўров натижаси: ижтимоий тармоқ сайтлари жамиятда ахлоқсизликка олиб келди</p>		
<p>Америка Адвокатлар Ассоциацияси томонидан ўтказилган ва Рейтер ахборот агентлиги томонидан эълон қилинган сўров натижаларига кўра, сўровда қатнашганларнинг 29 %и Америка жамиятида одоб-ахлоқ маданиятининг таназулга юз тутишига ижтимоий тармоқ сабаб бўлган, деб ҳисоблайди. Иштирокчиларнинг 85 %и бугунги кунда Америка жамиятидаги «хушмуомалалик» ўн йил олдингидан анча ёмон, дея фикр билдирган. Улардан маданиятсизликнинг асосий сабабларини аниқ кўрсатиб ўтиш ҳақида сўралганда, 29 %и ижтимоий тармоқни, 24 %и оммавий ахборот воситаларини, 19 %и ҳукумат мулозимларини айбдор санаган, 8 %и таълим тизими, деган. Ушбу</p>		

Ассоциация президенти Дебора Эникс-Росс сўров натижаларига тўхталиб, мамлакат бўлиниш даврини бошдан кечирмоқда, деди. Сўровда қатнашганларнинг 90 %и болаларга маданиятни сингдиришда ота-она ва оилалар жавобгар эканини айтишди. Ўтган ойда АҚШда биринчи бўлиб Юта штати ижтимоий тармоқларда 18 ёшга тўлмаган фарзандларга ўз akkaунтларидан фойдаланишдан олдин ота-оналарининг розилигини олишни шарт қилди. Шу билан «инстаграм» ва «тик-ток» каби платформалардан фойдаланувчиларнинг ёшини текшириш талаб қилинадиган бўлди. Иккита тегишли қонун лойиҳасини имзолаган Юта штати губернатори Спенсер Кокос бундай твит қолдирди: «Биз энди ижтимоий тармоқларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатишига жим қараб туролмаймиз». Мазкур икки қонун лойиҳаси тармоқ платформаларига ота-оналарга фарзандларининг akkaунтларига тўлиқ кириш ҳуқуқини бериш ҳамда болаларнинг тунги вақтда akkaунтдан фойдаланишларига йўл қўймаслик учун стандарт «блок»ни қабул қилиш мажбуриятини юклайди. Бу икки қонун лойиҳасида тармоқ платформаларини – агар улар 18 ёшга тўлмаган фойдаланувчиларни «аддикцияга сабаб бўладиган алгоритмлар» билан нишонга олишса – жаримага тортиш назарда тутилган. Шунингдек, ота-оналарга молиявий, жисмоний ёки руҳий зарарлар учун айрим муайян ширкатларни судга беришни осонлаштиради.

Ал-Ваъй: бу бутун дунёдаги ёвузлик манбаи Америкадир! Дунё халқларини гирифтор қилган қийинчиликлардан унинг ўзи ҳам азоб чекмоқда. У қарама-қаршиликлар ва чуқур бўлиниш исканжасида яшамоқда. Бу эса кейинги парчаланишни кутаётган Америка жамияти учун кўплаб салбий оқибатларни башорат қилади. □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَإِنْ طَافَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَفْتَلَوْا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَهُمَا عَلَى الْأُخْرَى
فَقْتُلُوا الَّتِي تَبَغَى حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ
اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

«Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирларига қарши) жанг қилсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ислоҳ қилинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа)га қарши жанг қилинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ислоҳ қилинглар. (Ҳамиша) адолат қилинглар! Зеро, Аллоҳ адолат қилгувчиларни севади»

[Ҳужурот 9]

• Саййид Қутб роҳимаҳуллоҳнинг «Фи зилалил Қуръан» тафсирида бундай дейилади:

«Ушбу оят мўмин жамиятни низо ва қизиққонликлар оқибатида юзага келадиган хусумат ва бўлинишлардан асраш учун амалий қонунчилик асосидир. У фосиқ кимса келтирган хабарга аниқлик киритиш, шошилмаслик ҳамда исботлаб, аниқ ишонч ҳосил қилмасдан туриб қизиққонлик ва туйғуга берилмаслик тўғрисидаги оят ортидан келяпти. Бу оятнинг нозил бўлиши – хоҳ ривоятларда келганидек, муайян ҳодиса сабабидан бўлсин, хоҳ шундай ҳолатни олдини олиш учун қонунчилик мақсадида бўлсин, ҳар нима бўлганда ҳам, – исломий жамоатни бўлиниш ва парокандалиқдан асраш, қолаверса, ҳақ, адолат ва эзгуликни қарор топтириш ва буларнинг барчасида Аллоҳдан тақво қилиш, раҳматидан умидворлик ҳиссини вужудга келтириш учун қўйилган мустаҳкам умумий асос вазифасини ўтайди. Қуръон мўминлардан икки тоифа ўртасида жанг бошланиши мумкинлигини тахмин қилиб, ҳар икки тарафнинг бир-бирига қарши жанг қилаётганига қарамай ҳамда улардан бир тоифаси иккинчисига зулм қилган бўлишига ёки иккаласи ҳам бир-бирига зулм қилган бўлишига қарамай, иккала тоифада ҳам имон борлигини сақлаб қолмоқда.

У ўзаро жанг қилаётган икки томон ўртасини ислоҳ қилиш вазифасини қолган мўминлар зиммасига юкламоқда... Уларнинг бири ҳаддидан ошиб ҳаққа қайтишни қабул қилмаса, шунингдек иккиси ҳам сулҳни тарк этиш, жанжалли масалада Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилмаслик ила ҳаддидан ошса, демак, мўминлар уларга қарши жанг қилишлари ва Аллоҳнинг амрига қайтгунларига қадар жангни тўхтатмасликлари лозим. Аллоҳнинг амри эса, мўминлар ўзаро ўрталаридаги хусуматга барҳам беришларидир. Шунингдек, ихтилофга боришган ҳамда уларни душманлик ва бир-бирига жанг қилишга олиб борган масалада Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилишларидир. Агар тажовузкорлар Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилишса, мўминлар Аллоҳга итоат қилиб, Унинг ризосини кўзлаб, тўғри адолатга асосланган ислоҳни амалга оширган бўладилар. Зеро,

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

(Аллоҳ адолат қилганларни севади)».

• Ибн Саъдийнинг «Тайсирул Каримул Маннан фи тафсирил Қуръан» китобида бундай дейилади:

Ушбу оят мўминларни бир-бирига зулм қилиш ва жанг қилишдан қайтариқни ўз ичига олади. Агар мўминлардан икки тоифа бир-бирига қарши жанг қилса, қолган мўминлар улар орасини ислоҳ қилиш ва сулҳга олиб борадиган энг чиройли йўл билан орага тушиш орқали бу катта ёмонликни бартараф қилишлари, яъни сулҳга етакловчи йўлдан боришлари лозим. Агар икки томон сулҳга келсалар, қандай ажойиб неъмат бўлади.

﴿فَإِنْ بَعَثَ إِحْدَهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَتِلُوا الَّتِي تَبِعِيَ حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

(Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа)га қарши жанг қилинглар!). Яъни то Аллоҳ ва Росули ﷺ белгилаб берган яхши ишларни қилиб, ёмон ишларни – энг ёмони бўлган бир-бирига қарши жанг қилишни – тарк этмагунича уларга қарши жанг қилинади. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ﴾

(Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ислоҳ қилинглар), деган каломи сулҳга ва сулҳда адолат қилишга бўлган буйруқдир. Зеро,

баъзида сулҳга эришилиши мумкин-у, аммо унда адолат бўлмаслиги ва хусуматлашувчи томонларнинг бирига зулм қилинган бўлиши мумкин. Бу эса, бизга буюрилган сулҳ эмас. Шунга кўра, икки томоннинг бирида қариндошлик, ватандошлик ва шунга ўхшаш адолатсизликка олиб борувчи мақсад ва ғаразларга риоя қилмаслик лозим. Шунинг учун

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

(Аллоҳ адолат қилганларни севади), дейиляпти. Яъни одамлар орасида ҳукм қилишда ва барча бошқарув ишларида адолат қилувчиларни севади, демакдир. Эрнинг ўз аёли ва оиласи ҳақ-ҳуқуқларини адо қилишда адолат қилиши ҳам шунга киради. Саҳиҳ ҳадисда бундай дейилади:

«الْمُقْسِطُونَ عِنْدَ اللَّهِ عَلَىٰ مَنَابِرٍ مِّنْ نُورٍ، الَّذِينَ يَعْدِلُونَ فِي حُكْمِهِمْ وَأَهْلِيهِمْ، وَمَا وُلُوا»

«Адолатли кишилар Аллоҳнинг ҳузурида нурдан бўлган минбарларда ўтирадилар. Улар ўзларининг бошқарув ишларида, аҳли аёллари борасида ва ўзларига топширилган ишларда адолат қилган зотлардир».

• Саййид Тантовийнинг «Тафсирул васит лилқуръанил карим» номли тафсирида бундай дейилади:

Оятнинг «**إِنْ** **агар**» сўзи билан бошланиши мусулмонлар ўртасида жанг бўлиши асло тўғри эмаслигини тушунтириш учундир. Мабодо камдан-кам ҳолларда бу нарса юз бергудек бўлса, мусулмонлар барча воситаларни ишга солиб, уни бартараф қилишлари лозим. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ بَعَثَ إِحْدَهُمَا عَلَىٰ الْأُخْرَىٰ فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبَغَىٰ حَتَّىٰ تَفِيءَ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ﴾

(Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа)га қарши жанг қилинглар!), деган каломидаги **(бғи тажовуз)**дан мурод душманлик, ҳаддан ошиш, тўғриликка етакловчи сулҳдан бош тортишдир. Яъни икки тоифадан бири бошқасига зулм қилиб адолат ва ҳақ чегарасидан чиқса, эй мўминлар, ўша ҳаддан ошган тўдага қарши, Аллоҳнинг ҳукми ва амрига қайтгунларича ҳамда Биз буюрган сулҳни қабул қилгунларича жанг қилинглар, демакдир. Аллоҳ Субҳанаҳу ислоҳни адолат билан қайдлади. Сўнгра буни **(қиспт адолат)**га буюриш билан таъкидлади. Токи,

орани ислоҳ қилувчилар адолатни маҳкам тутсин, икки тоифанинг бири жабр ва зулм кўрмасин.

• Ибн Касирнинг «Тафсирул Қуръанил Азим» китобида бундай келади:

Аллоҳ Таоло бир-бирига тажовуз қилувчи мусулмонлар орасини ислоҳ қилишга буюриб шундай деди:

﴿وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا﴾

(Эй мўминлар), **агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирларига қарши) жанг қилсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ислоҳ қилинглар!** Оят бу икки тоифани бир-бирларига қарши жанг қилсалар ҳам мўминлар, деб атади. Бухорий ва бошқалар мана шу оятни далил қилиб, гуноҳ амал, қанчалик катта бўлмасин, кишини иймондан чиқармайди, деганлар. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ بَعَثَ إِحْدَهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَتِلُوا الَّتِي تَبِعِيَ حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

(Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа)га қарши жанг қилинглар!) дегани, уларга қарши то Аллоҳнинг буйруғига қайтиб, ҳаққа қулоқ тутиб итоат қилгунича жанг қилинг, деганидир. Анас رضي الله عنهдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«انصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا»

«Биродарингизга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам беринг». Анас айтади: мен ё Росулulloҳ, мазлум ҳолида-ку ёрдам бераман, аммо золим ҳолида қандай ёрдам беришим мумкин? – деб сўрадим. Шунда ул зот бундай марҳамат қилдилар:

«تَمْنَعُهُ مِنَ الظُّلْمِ، فَذَاكَ نَصْرُكَ إِيَّاهُ»

«Уни зулмдан қайтарасиз. Мана шу унга ёрдам берганингиздир». Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

(Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ислоҳ қилинглар. (Ҳамиша) адолат қилинглар! Зеро, Аллоҳ адолат қилгувчиларни севади), деган каломининг маъноси бир-бирига етказган зарар борасида уларга адолат қилинглар, деганидир. Оятдаги *قسط* адолатдир.

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

«**Аллоҳ адолат қилгувчиларни севади**», деган каломи ҳақида Ибн Абу Ҳотим Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

﴿إِنَّ الْمُقْسِطِينَ فِي الدُّنْيَا عَلَى مَنَابِرٍ مِنْ لَوْلُو بَيْنَ يَدَيِ الرَّحْمَنِ، بِمَا أَقْسَطُوا فِي الدُّنْيَا﴾

«**Дунёда адолат қилувчилар, адолатлари сабабли Раҳмоннинг ҳузурда дурдан бўлган минбарларда ўтирадилар**».

- Ибн Атийянинг «Муҳаррирул важиз фи тафсири китабил азиз» китобида бундай келади:

Оятдаги (*الطائفة* **тоифа**) сўзи жамоани англатади. Бу сўз гоҳида бирликни ҳам ифодалайди ва бунга Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи далил сифатида келтирилган:

﴿وَمَا كَانَ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنفِرُوا كَآفَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِنْ كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَآئِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ﴾

«**Мўминларнинг барчалари (жангга) чиқишлари лозим эмас. Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!**» [Тавба 122]

Оятнинг ҳукми шахсларга ҳам, жамоаларга ҳам бир хилдир. Оятдаги «بغت» сўзининг маъноси бундай: шариат қонунларидан ўзини устун қўядиган гуруҳ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай гуруҳга қарши қарши курашиш керак. Уларга қарши жанг қилиш учун волийлар билан бирга тайёргарлик кўрилади. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан Сиффин ва Жамал аҳли мушрик бўлдими? – деб сўрашганида, «йўқ, улар ширкдан қочишган», деди. Улар мунофиқми? – деб сўрашганида, «йўқ, мунофиқлар Аллоҳни кам эшлашади», деб жавоб берди. Ундай бўлса, уларнинг ҳукми қандай? – деб сўрашди. Шунда «Бизга боғий бўлган биродарларимиз», деб жавоб берган. Набий ﷺ «**Боғий жамоа ҳақидаги Аллоҳнинг ҳукми – жароҳатланган шахсга зиён етказилмас, қочган қувилмас, асир ўлдирилмас**», дея марҳамат қилганлар.

Шофеий роҳимахуллоҳ айтади: Аллоҳ Азза ва Жалла икки тоифанинг бир-бирига қарши жанг қилишини зикр қилди. Бу икки

тоифа адолат ва ҳақ чегараларидан чиқиб, уни рад этган тоифадир. Аллоҳ Таоло уларни мўминлар деб номлаб, уларнинг ўртасини ислоҳ қилишни буюрди. Улар бўлиниб бир-бирлари билан жанг қилишни хоҳласа, аввал уларни сулҳга чақириш барчага лозим. Шунга кўра, айтаман: Боғийларга даъват қилмай туриб тунги ҳужум уюштирилмайди. Негаки, Имом уруш бошлашдан олдин Аллоҳ Азза ва Жалла буюрганидек, сулҳга чақириши лозим. Аллоҳ Азза ва Жалла боғий тўда билан Аллоҳ амрига қайтгунларига қадар жанг қилишга буюрди. Агар қайтишса, энди улар билан жанг қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, Аллоҳ Азза ва Жалла боғийлар билан, улар сулҳдан бош тортаётган пайтда (боғийлигидан) қайтгунларига қадар жангга изн берган. □

«لَرَوَالُ الدُّنْيَا أَهْوَنُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ قَتْلِ مُسْلِمٍ»

**«АЛЛОҲ НАЗДИДА ДУНЁНИНГ ЗАВОЛГА ЮЗ ТУТИШИ БИР
 МУСУЛМОННИНГ ЎЛДИРИЛИШИДАН ЕНГИЛРОҚДИР» (1)**

Қуръони Карим Ислом Умматини бир-бирларининг қонини ноҳақ тўкишдан қаттиқ огоҳлантирганидек, Набий ﷺ ҳам ўз ҳадиси шарифларида бундан огоҳлантирдилар. Ҳатто бундан енгилроқ бўлган сўкиниш каби амалнинг фосиқлик эканини айтдилар. Гарчи озор бериш қасди бўлмаса-да, муслмонга қурол билан шунчаки ўқталишни ҳам номақбул санадилар. Дарҳақиқат, Ислом шариатининг буюкликларидан бири шундаки, у фақат муслмонлар қонини тўкишни ҳаром қилиш билан чекланмай, муоҳид, зиммий, омонлик сўровчи каби ғайримусулмонларнинг ҳам қонини тўкишни ҳаром қилиб, уларга ҳужум қилишни тақиқлади. Бу борада жуда кўп ҳадислар ворид бўлганки, бугунги кунда уларни маҳкам ушлашга нақадар муҳтожмиз. Қуйида ушбу ҳадислардан баъзиларини келтириб ўтамыз:

- Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинадик, Набий ﷺ бундай дедилар:

«سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ، وَقِتَالُهُ كُفْرٌ»

«Мусулмонни сўкиш фосиқлик, уларнинг бир-бирлари билан жанг қилиши кўфрдир». Ушбу ҳадис мусулмоннинг ҳаққи буюклигига далил бўлиб, у мусулмоннинг ўз биродарини сўкишини фосиқлик, яъни Аллоҳнинг итоатидан чиқиш деб ҳукм қилмоқда. Шунингдек, мусулмон кишининг ўз нафсига эргашиб ёки дунё учун бир биродари билан – унинг қонини ҳалол деб эътиқод қилмасдан – жанг қилишини кўфр деб атади. Бу ерда кўфр деб аталишидан қаттиқ огоҳлантираётгани тушунилади, уни диндан чиқариб қўйиш тушунилмайди. Абу Заръа бобоси Жарирдан ривоят қилган ҳадис ҳам шунга ўхшашдир. Жарир айтади: Набий ﷺ

ҳажжатул вадодда одамларни тинчлик сақлашга чақиргандан кейин бундай дедилар:

«لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كَفَّارًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ»

«Мендан кейин бир-бирингизни ўлдириб, яна кофир бўлиб кетманглар». (Муслим ривояти).

• Абу Бакра رضي الله عنه Аҳнаф ибн Қайсни жангга жўнаб кетаётганини кўриб, қаерга кетяпсиз? – деб сўради. Бу кишига ёрдам бермоқчиман, деб жавоб берди. Шунда у бундай деди: қайтинг, чунки мен Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг бундай деганини эшитганман:

«إِذَا تَقَى الْمُسْلِمَانِ بِسَبْفَيْهِمَا فَالْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا

الْقَاتِلُ فَمَا بَالُ الْمَقْتُولِ؟ قَالَ: إِنَّهُ كَانَ حَرِيصًا عَلَى قَتْلِ صَاحِبِهِ»

«Агар икки мусулмон қиличлари билан тўқнашсалар, қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахда. Мен ё Росулulloҳ, буниси-ку қотил, мақтулнинг айби нима? – деб сўрагандим. У зот – чунки у ҳам ўз дўстини ўлдирмоқчи эди-да, деб жавоб бердилар». (Бухорий ривояти).

• Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтдилар:

«مَا يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ إِذَا جَاءَ مَنْ يُرِيدُ قَتْلَهُ أَنْ يَكُونَ مِثْلَ ابْنِ آدَمَ، الْقَاتِلُ فِي النَّارِ

وَالْمَقْتُولُ فِي الْجَنَّةِ»

«Сизлардан бирингиз, кимдир уни ўлдириш учун келса, одам алайҳиссаломнинг қотил дўзахда, мақтул жаннатда бўлган икки ўғли каби бўлсин». (Имом Аҳмад ривояти). Мусулмонлар ўртасидаги фитна мавзусида Абу Мусо Набий رضي الله عنهдан ривоят қилади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«فِي الْفِتْنَةِ كَسِرُوا فِيهَا قِسْبَكُمْ وَقَطَعُوا أَوْتَارَكُمْ وَاضْرَبُوا بِسُيُوفِكُمُ الْحِجَارَةَ؛ فَإِنْ دَخَلَ

عَلَى أَحَدِكُمْ بَيْتُهُ فَلْيَكُنْ كَخَيْرِ ابْنِ آدَمَ»

«Фитна замонида камонингизни синдиринг, ипини узинг, қиличларингизни тошга уринг. Агар кимдир уйингизга кирса одам алайҳиссаломнинг икки ўғлидан яхшиси бўлинг». (Бешта имом ривоят қилган, фақат Насоий ривоят қилмаган).

• Абдуллоҳ ибн Амр Набий ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«لَزَوَالِ الدُّنْيَا أَهْوَنُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ قَتْلِ مُسْلِمٍ»

«Аллоҳ наздида дунёнинг заволга юз тутиши бир мусулмоннинг ўлдирилишидан енгилроқдир». (Бухорий ривояти). Бошқа бир ривоятда Пайғамбар ﷺ бундай деганлар:

«لَزَوَالِ الدُّنْيَا جَمِيعًا؛ أَهْوَنُ عَلَى اللَّهِ مِنْ دَمٍ يُسْفِكُ بَعْضَ حَقِّ»

«Бутун дунёнинг заволга юз тутиши Аллоҳ наздида биргина ноҳақ тўкилган қондан енгилроқдир». Бу ерда Набий ﷺ дунё тугаб, йўқ бўлиб кетиши Аллоҳ наздида бир мусулмон кишининг шаръий сабабсиз, ноҳақ ўлдирилишидан енгилроқ ва аҳамиятсизроқдир, деб хабар бериб, буни гуноҳи кабиралардан санамоқда.

• Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«أَوَّلُ مَا يُقْضَى بَيْنَ النَّاسِ بِالِدِمَاءِ»

«Одамлар ўртасида энг биринчи ҳисоб қилинадиган нарса тўкилган қонлардир». (Бухорий ривояти). Ушбу ҳадис қон тўкиш қанчалик оғир гуноҳ эканини, у қиёмат куни инсонлар ўртасида энг биринчи ҳисоб қилинадиган нарса бўлиб, хатари катталигини таъкидламоқда.

• Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّ مِنْ وَرَطَاتِ الْأُمُورِ، الَّتِي لَا مَخْرَجَ لِمَنْ أَوْقَعَ نَفْسَهُ فِيهَا، سَفْكَ الدِّمِّ الْحَرَامِ بَعْضٍ»
«حِلِّهِ»

«Шундай қилмишлар борки, уни ихтиёран қилган кимса (унинг гуноҳидан) қутулолмайди. Бу ҳаром қилинган қонни тўкишдир». (Бухорий ривояти). Бу борада Росулulloҳ ﷺ яна бундай деганлар:

«لَنْ يَزَالَ الْمُؤْمِنُ فِي فُسْحَةٍ مِنْ دِينِهِ مَا لَمْ يُصِبْ دَمًا حَرَامًا»

«Мўъмин, модомики, ҳаром қилинган қонни тўкмаган экан, динидан кенгликда-комилликда давом этади». (Имом Бухорий ривояти). Яъни бир мўъмин бошқа бир мўъминни

ёки зимийни ё муоҳидни ёхуд мустаъминни ўлдирмаган бўлса, шундай бўлади... Чунки булар ҳаром қилинган қонлардир. Уларнинг энг қаттиқ ва оғири мўъминнинг қонидир. Ибн Можа ва Ибн Ҳиббонлар ҳам худди шу маънода Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилганлар: Росулulloҳ ﷺ айтганлар:

«أَيُّ رَجُلٍ أَمِنَ رَجُلًا عَلَى دَمِهِ ثُمَّ قَتَلَهُ، فَأَنَا مِنَ الْقَاتِلِ بَرِيءٌ وَإِنْ كَانَ الْمَقْتُولُ كَافِرًا»

«Ким бир кишига омонлик берган бўлсаю сўнг уни ўлдирса, мен ўша қотилдан безорман, гарчи ўлдирилган шахс кофир бўлса ҳам».

• Оиша رضي الله عنها Росулulloҳ ﷺ нинг бундай деганларини ривоят қилади:

«أَبْعَضُ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ ثَلَاثَةٌ: مُلْحِدٌ فِي الْحَرَمِ، وَمُبْتَغٍ فِي الْإِسْلَامِ سِنَّةَ الْجَاهِلِيَّةِ، وَمُطَلَّبٌ دَمِ امْرَأَةٍ بَعِيرٍ حَقٍّ لِيُهْرَقَ دَمُهُ»

«Аллоҳ учун энг манфур кимса учта: ҳарам ичидаги даҳрий кимса, Исломда туриб жоҳилият қонунларини истаган кимса ҳамда бир кишининг қонини ноҳақ тўкиш талабида юрган кимса». (Имом Бухорий ривояти). Табароний ва Байҳақий ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«مَنْ اسْتَطَاعَ أَنْ لَا يُحَالَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجَنَّةِ بِمَلَأَ كَفِّهِ مِنْ دَمِ أَهْرَاقِهِ فَلْيَفْعَلْ»

«Ким (ноҳақ) тўкилган бир ҳовуч қон туфайли ўзи билан жаннат ўртаси тўсилиб қолишини тўхтата олса, шундай қилаверсин». Ибн Можа қилган ривоятда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«مَنْ لَقِيَ اللَّهَ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا لَمْ يَتَنَدَّ بِدَمٍ حَرَامٍ دَخَلَ الْجَنَّةَ»

«Ким Аллоҳга унга ҳеч нарсани ширк келтирмаган, ҳаром қонга булғанмаган ҳолда йўлиқса, жаннатга киради».

Ушбу ҳадис ҳақида Уқба ибн Омир Жуҳаний ривоят қилиб айтади: Росулulloҳ ﷺ нинг

«مَنْ لَقِيَ اللَّهَ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا»

«Ким Аллоҳга унга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда йўлиқса», дегани комил ва яқин иймон ила Аллоҳни ягона деб эътиқод қилган ҳолда вафот этса, деганидир.

«لَمْ يَتَنَّ بِدَمٍ حَرَامٍ»

«Ҳаром қонга булғанмаган ҳолда йўлиқса», дегандаги **لم يتند** сўзи **الندى** олинган. **الندى** ёмғир қатралари бўлиб, ҳадисдагидан мурод қон қатраларидир. Яъни бевосита ёки гижгижлаш орқали бегуноҳ қонга булғанмаган... деган маънода.

«دَخَلَ الْجَنَّةَ»

«Жаннатга киради» дегани, бунинг мукофоти, Аллоҳнинг фазли ила, Унинг ҳузурдаги жаннатга эришади, деганидир. Бу албатта барча каттаю кичик гуноҳларига яраша жазо олгандан кейин бўлади. Зотан, **мўъмин киши** – Бухорий ривоятида келганидек – **модомики, ҳаром қилинган қонни тўкмаган экан, динидан кенгликда-комилликда давом этади.**

• Абу Ҳурайра **رضي الله عنه** Росулulloҳ **ﷺ**нинг бундай деганларини ривоят қилади:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَذْهَبُ الدُّنْيَا حَتَّى يَأْتِيَ عَلَى النَّاسِ يَوْمٌ لَا يُدْرِي الْقَاتِلُ فِيْمَ قَتَلَ، وَلَا الْمَقْتُولُ فِيْمَ قُتِلَ. فِقِيلٌ: كَيْفَ يَكُونُ ذَلِكَ؟ قَالَ: الْهَرْجُ، الْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ»

«Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, одамларга қотил нима учун ўлдирганини, мақтул нима учун ўлдирилганини билмайдиган кун келмагунча дунё якун топмайди. Бу қандай бўлади, деб сўрашганди, Росулulloҳ **ﷺ** айтдилар: **Ҳарждир. Қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахда.**» (Муслим ривояти). Бу Ҳадисда Набий **ﷺ** одамлар бошига оммавий ёмонлик замони келмагунча бу дунё фанога юз тутиб якун топмайди, деб қасам ичдилар. Бундай замонда нима сабабдан ўлдирганини қотил ҳам, мақтул ҳам билмайди. Росулulloҳ **ﷺ** буни «**الهرج** ҳарж» деб номладилар. Ҳарж бу –

қотилликка олиб борадиган фитна ва бошбошдоқликдир. Бошқа бир ривоятда Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«يُوتَى بَالٌ قَاتِلٍ وَالْمَقْتُولِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، سَلْ هَذَا فِيْمَ قَتَلْتَنِي؟ فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ أَمْرِي هَذَا. فَيُؤْخَذُ بِأَيْدِيهِمَا جَمِيعًا فَيُقَذَّفَانِ فِي النَّارِ»

«Қиёмат куни қотил ва мақтул келтирилади. Мақтул, эй Парвардигор, бундан мени нега ўлдирганини сўра, дейди. Қотил, эй Парвардигор, мени бунга фалончи буюрди, дейди. Шунда, қотилни ҳам, буйруқ бергани ҳам қўлидан ушланиб, дўзахга улоқтирилади». Ибн Аббосдан сўрашди: эй Абу Аббос, қотилнинг тавбаси қабул бўладими? Ибн Аббос унинг сўзидан ажабланиб, «нима деяпсан?», деди. Сўровчи саволини такрорлади. Сўнг, яна икки ё уч марта «нима деяпсан?», деган жавобни олди. Сўнг Ибн Аббос бундай деди: Пайғамбар ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим:

«يَأْتِي الْمَقْتُولُ مُتَعَلِّقًا رَأْسُهُ بِأَحْدَى يَدَيْهِ مُتَلَبِّيًا قَاتِلَهُ بِالْيَدِ الْأُخْرَى تَشْحَبُ أُوْدَاجَهُ دَمًا حَتَّى يَأْتِي بِهِ الْعَرْشَ، فَيَقُولُ الْمَقْتُولُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ: هَذَا قَتَلَنِي فَقُولِ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِلْقَاتِلِ: تَعَسْتَ وَيُذْهَبُ بِهِ إِلَى النَّارِ»

«Қиёмат куни ўлдирилган одам, бир қўли билан осилган бошини ушлаб, иккинчи қўли билан қотилни маҳкам тутиб, томирларидан қон оққан ҳолда аршнинг олдига келади. У оламлар Парвардигорига, мана бу мени ўлдирди, дейди. Аллоҳ Азза ва Жалла қотилга, сен бахтиқаросан, дейди. Сўнг дўзахга улоқтирилади».

• Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«إِذَا أَصْبَحَ إِبْلِيسُ بَثَّ جُنُودَهُ فَيَقُولُ: مَنْ أَخَذَلِ الْيَوْمَ مُسْلِمًا أَلْبَسْتُهُ النَّجَّاحَ، قَالَ فَيَجِيءُ هَذَا فَيَقُولُ: لَمْ أَزَلْ بِهِ حَتَّى طَلَّقَ امْرَأَتَهُ، فَيَقُولُ يُوْشِكُ أَنْ يَنْزَوْجَ، وَيَجِيءُ هَذَا فَيَقُولُ: لَمْ أَزَلْ بِهِ حَتَّى عَقَّ وَالِدَيْهِ، فَيَقُولُ يُوْشِكُ أَنْ يَبْرَهْمَا، وَيَجِيءُ هَذَا فَيَقُولُ: لَمْ أَزَلْ بِهِ حَتَّى أَشْرَكَ، فَيَقُولُ أَنْتَ أَنْتَ، وَيَجِيءُ هَذَا فَيَقُولُ: لَمْ أَزَلْ بِهِ حَتَّى قَتَلْتُ، فَيَقُولُ أَنْتَ أَنْتَ وَيَلْبِسُهُ النَّجَّاحَ»

«Иблис эрта тонгда лашкарларини ҳар тарафга жўната туриб айтади: ким бугун бир мусулмонни адо қилса, унга тож кийдираман! Шунда улардан бири келиб айтади: бир мусулмонни васваса қилишда тўхтамадим, ниҳоят, ўз аёлини талоқ қилди. Иблис айтади: тез орада яна уйланиб олаверади. Яна бири келиб айтади: мен васваса қилишда тўхтамадим, ниҳоят, ота-онасига оқ бўлди. Иблис айтади: тез орада яна уларга яхшилик қилаверади. Бошқа бири келиб айтади: мен уни васваса қилишда тўхтамадим, ниҳоят, ширк келтирди. Шунда Иблис сенсан тож соҳиби, сенсан, дейди. Бошқа бири келиб мен уни васваса қилишда тўхтамадим, ниҳоят, у одам ўлдирди, дейди. Сўнг сенсан тож соҳиби, сенсан, деб унга тож кийдиради». Ушбу ҳадис Аллоҳ Таолонинг наздида одам ўлдириш қанчалик катта гуноҳлигини баён қилмоқда.

• Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«يَخْرُجُ عُنُقُ مِنَ النَّارِ يَتَكَلَّمُ يَقُولُ وَكَلْتُ الْيَوْمَ بِثَلَاثَةٍ؛ بِكُلِّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ، وَمَنْ جَعَلَ مَعَ

اللَّهِ إِهًا آخَرَ، وَمَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ حَقٍّ، فَيَنْطَوِي عَلَيْهِمْ فَيَقْدِفُهُمْ فِي حِمْرَاءَ جَهَنَّمَ»

«Дўзахдан бир бўйин чиқиб, тилга киради: Бугун менга уч тоифа инсон топширилди: Барча қайсар золимлар, Аллоҳ билан бирга бошқа бир «илоҳ» қилиб олганлар, ноҳақ одам ўлдирганлар. Сўнгра уларни ўз домига олиб, дўзахнинг қипқизил қаърига улоқтиради».

• Ибн Сиридан ривоят қилинади: Абу Ҳурайрани бундай деганини эшитдим: Абу Қосим ﷺ бундай деганлар:

«مَنْ أَشَارَ إِلَى أَخِيهِ بِجَدِيدَةٍ، فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَلْعَنُهُ حَتَّى يَدَعَهُ، وَإِنْ كَانَ أَحَاهُ لِأَبِيهِ وَأُمِّهِ»

«Ким ўз биродарига битта темирни ўқталса, у ота бир, она бир оға-иниси бўлса ҳам, темирни қўлидан ташламагунича фаришталар уни лаънатлаб туради». (Бухорий ривояти). Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: Бунда мусулмоннинг дахлсизлиги жуда ҳам юқори экани таъкидланиб, уни қўрқитиш ва озор берувчи нарса билан қарши олишдан қаттиқ қайтарилмоқда. «У ота бир, она бир оға-иниси бўлса ҳам» ибораси билан ҳар қандай шахсга нисбатан – у

жиноятда айбланаётган ёки айбланмаётганидан ёки унга нисбатан ўйин ёки ҳазл сифатида қилинишидан қатъий назар – шундай қилмаслик тўғрисидаги қайтариқнинг умумийлигини муболаға билан тушунтирмақда. Чунки муслмонни қўрқитишнинг ҳар қандай кўриниши ҳаромдир. Зеро, бошқа ривоятда очиқ баён қилинганидек, қурол унга тўсатдан тегиб кетиши ҳам мумкин. Фаришталарнинг уни лаънатлаши бу амалнинг ҳаромлигини англатади.

- Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинади:

«مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السِّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا»

«Ким бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас». (Табароний кабирда ривоят қилган). Бу ҳадис ҳам муслмонлар билан жанг қилиш ҳаромлигига, оғир гуноҳ эканига далилдир. Ундаги «биздан эмас» иборасининг зоҳири муслмонлардан чиқишини тақозо этади. Бу ибора биздек эмас ёки бизнинг тариқатимизда эмас ё шунга ўхшаш, дея шарҳланган. Имом Санъоний роҳимаҳуллоҳ айтадики, Росулulloҳ ﷺ нинг

«مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السِّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا»

«Ким бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас», деган сўзларидан мурод, ким муслмонларга қарши ноҳақ жанг қилиш учун қурол кўтарса, деганидир. Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: Аҳли сунна ва фуқаҳолар мазҳаби бўйича, ким муслмонларга қарши ҳеч қандай изоҳсиз, ноҳақ қурол кўтарсаю бунини ҳалол санамас экан, у гуноҳкордир. Бу билан у кофир бўлмайди. Аммо бу ишини ҳалол санаши куфрдир. «Биздан эмас» иборасининг маъноси, аҳли илм наздида, биз юрган ҳидоят йўлидан юрмаган, бизнинг илму амалимиз ва чиройли тариқатимизга амал қилмаган, деган маънони англатади. Бу гўё ота ўз фарзандининг ишидан норози бўлганида «мендан эмассан», дегани кабидир... Бу тўғрида келган барча ҳадисларда ҳам худди шундай.

(Давоми бор). □

ҚАЛТИС ПАЙТДАГИ КУЧЛИ ПОЗИЦИЯЛАР (1)

– Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه бундай деганлар: «Биз Аллоҳ Ислом билан куч-қудратли қилган халқмиз. Қачонки куч-қудратни бошқа нарсдан истасак, Аллоҳ бизни хор қилади». Яна бир ривоятда айтади: «Биз Аллоҳ Ислом билан куч-қудратли қилган халқмиз. Бинобарин, Аллоҳнинг ўрнига бошқа ҳеч нарса истамаймиз».

– Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: «Кимсалар борки, арғумоқларни тез чоптириб юрсаларда, орқаларида одамлар уларга етти букилиб турсаларда, аммо осийликнинг хорлиги бўйинларини тарк этмас. Аллоҳ ўзига осий бўлганларни хор қилмай қўймас».

– **Набий صلى الله عليه وسلمнинг Абу Толибга нисбатан тутган позициялари:** Қурайш аҳли Абу Толибнинг олдига келиб, «Эй Абу Толиб, жиянингиз Каъбада бизнинг олдимизга келиб, бизга озор берадиган нарсаларни гапиряпти. Агар сиз уни бу ишни қилишдан тўхтатиш зарур деб топсангиз, шундай қилинг», деди. Шунда Абу Толиб Росул صلى الله عليه وسلمнинг амакиваччаси Ақилга «Эй Ақил, амакиваччангни менга топиб кел», деди. Ақил чиқиб, у зотни топиб, Абу Толибнинг олдига чақириб келди. Абу Толиб деди: «Эй жияним, Аллоҳга қасамки, менга итоатсизлик қилганингизни билмайман. Қавмингиз менинг олдимга келиб, сизнинг Каъба ва мажлисларига бориб, уларга озор берадиган сўзларни айтаётганингизни даъво қилишди. Менимча, сиз бундан узоқроқ бўлишингиз керак». Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم кўзларини осмонга тикиб,

«وَاللَّهِ مَا أَنَا بِأَقْدَرُ عَلَىٰ أَنْ أَدَعَ مَا بُعِثْتُ بِهِ مِنْ أَنْ يَشْتَعَلَ أَحَدُكُمْ مِنْ هَذِهِ الشَّمْسِ شُعْلَةً مِنْ

نَارٍ»

«Аллоҳга қасамки, ҳеч бирингиз шу қуёшдан бир парча оловни узиб олишга қодир бўлмагани каби, мен ҳам ўзимга жўнатилган нарсани тарк қилишга қодир эмасман», дедилар. Шунда Абу Толиб Қурайшга бундай деди: «Аллоҳга қасамки, жияним ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, боринглар, кетинглар».

– **Умму Ҳабиба رضي الله عنهاнинг ҳали Исломга кирмаган Абу Суфёнга нисбатан тутган позицияси:** Абу Суфён ўз қизи Умму Ҳабиба رضي الله عنهاнинг олдига кирди. У Росулulloҳнинг тўшакларига ўтирмақчи бўлганида Умму Ҳабиба тўшакни йиғиштириб олди. Абу

Суфён «Қизим, тўшакни менга раво кўрмадингми ёки мени тўшакками?», деди. Умму Ҳабиба жавоб қилди: «Бу Росулulloҳнинг тўшаклари, сиз нажас мушриксиз». Шунда Абу Суфён «қизим, мендан кейин сенга ёмонлик илашибди», деди.







– **Саъд ибн Муознинг аҳзоб кунда Росулulloҳ ﷺ ҳузурда тутган позицияси:** Аҳзоб кунда одамларга синов қаттиқ келганида, Росулulloҳ ﷺ Уяйна ибн Ҳисн ва Ҳорис ибн Авф Миррийга – улар Ғоффоннинг сардорлари эди – элчи жўнатиб, ул зотни ва саҳобаларини тинч қўйиши ва ўз қавми билан қайтиб кетиши эвазига Мадина мевасининг учдан бирини беришни таклиф қилдилар. Икки ўртада сулҳ жараёни бошланиб, ҳатто битим қоғозга туширилди. Аммо ҳали на гувоҳлик ва на сулҳ келишуви охирига етган, балки музокара кетаётганди. Росулulloҳ ﷺ битимни охирига етказишни хоҳлаб, икки Саъдга одам жўнатдилар. Улар билан маслаҳатлашиб, бу ҳақда хабар бердилар. Улар айтди: ё Росулulloҳ, бу сиз яхши кўрган ва биз қилишимиз керак бўлган ишми ёки бажаришимиз лозим бўлган Аллоҳнинг ҳукмими, ёхуд биз учун қилаётган бир тадбирингизми? Ул зот дедилар: **«Йўқ, бу сизлар учун қилаётганим бир тадбир. Аллоҳга қасамки, ҳамма араблар сизга қарши бирлашгани, сизга қарши ҳар тарафдан итдек ташланишганини кўриб, шу тадбирни қиляпман. Шу билан маълум муддат уларнинг куч-қудратини синдирмоқчиман».** Саъд ибн Муоз رضي الله عنه деди: «Ё Росулulloҳ, биз ҳам, улар каби мушрик, бутпараст эдик. Аллоҳга ибодат қилмасдик ва уни танимасдик. Улар мевамиздан бир донасини ҳам олишни хаёлларига келтиришмасди, фақат меҳмон бўлиб келганда ейишарди ёки сотиб олишарди. Бугун Аллоҳ бизни Ислом билан сийлаб, ҳидоят қилгани, Ислом ва сиз билан азиз-кучли қилганидан кейин уларга молларимизни ўз қўлларимиз бериб қўямизми? Бунга эҳтиёжимиз йўқ. Аллоҳга қасамки, то У Зот биз билан улар ўртасида ҳукм қилгунича, уларга ҳеч нарса бермаймиз, фақат қилич кўтарамиз. Росулulloҳ ﷺ **«Айтганингиз бўлсин»**, дедилар. Саъд ибн Муоз саҳифани олиб, ундаги номани ўчирди. Сўнг қани бизга кучларини кўрсатсинларчи, деди.

– **Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг Абу Убайда رضي الله عنهга нисбатан тутган позициялари:** Ториқ ибн Шихоб ривоят қилиб айтади: Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه Шомга келди. Биз Абу Убайда билан бирга уни қарши олдик. Улар кечиб ўтиладиган сув олдига келганда Умар туясидан

тушиб, маҳсисини ечиб, бўйнига илдида тўясини тизгинидан етаклаб сувдан кечиб ўтди. Шунда Абу Убайда رضي الله عنه: «Эй амирул мўминин, сиз шундай қиялпсизми? Маҳсисини ечиб, бўйнингизга илиб, тўянгизни етаклаб сув кечасизми? Мен шаҳар аҳли сизни бу ҳолатда қарши олишини хоҳламайман» деди. Шунда Умар رضي الله عنه бундай деган: **«Эҳ, Абу Убайда, агар сиздан бошқаси бўлганида, шундай таъзирини берардимки, Муҳаммад صلى الله عليه وسلم Умматига ибрат бўларди. Биз бир хор қавм эдик. Аллоҳ бизни Ислом билан куч-қудратли қилди. Агар биз куч-қудратни Исломдан бошқа нарсадан изласак, Аллоҳ бизни хор қилади».**

– **Саъд ибн Абу Ваққос رضي الله عنهнинг онасига нисбатан тутган позицияси:** Саъд رضي الله عنه Исломга киргач, онаси бундан хабар топиб, ғазаби қўзғади ва унга юзланиб бундай деди: «Эй Саъд, сен қабул қилган, ота-онанг динидан сени айирган бу дин қандай дин ўзи? Аллоҳга қасамки, ё бу янги динингни тарк қиласан ёки мен ўлгунимча ҳеч нарса емайман ва ичмайман, аҳволимдан қайғуриб, юрагинг тилка-пора бўлади, қилмишингдан надомат ич-этингни еб ташлайди, одамлар абадул-абад сени айблаб ўтишади». Шунда Саъд رضي الله عنه онасига «бундай қилманг онажон, мен динимни ҳеч нарсага алишмайман», деди. Лекин онаси ўзининг дўқ-пўписасида қаттиқ туриб, еб-ичишдан бош тортди ва шу аҳволда емай-ичмай бир неча кун ўтказди. Оқибатда озиб кетди, сўяклари мўртлашди, кучдан қолди... Саъд رضي الله عنه онасининг олдида дам-бадам келиб, бирон нарса ейишини, озгина бўлса ҳам ичимлик ичишини сўрар эди. Онаси эса бундан қаттиқ бош тортар ва Саъд رضي الله عنهдан динини тарк қилишини талаб қилар, акс ҳолда ўлгунича ҳеч нарса емаслиги ва ичмаслигига қасам ичар эди. Ниҳоят, Саъд رضي الله عنه онасига бундай деди: «Онажон, сизга бўлган муҳаббатим албатта кучли, лекин Аллоҳ ва Росулига бўлган муҳаббатим ундан-да кучлироқ. Аллоҳга қасамки, мингта жонингиз бўлиб, бирин-кетин чиққанида ҳам бу динимни асло тарк этмайман». Онаси Саъд رضي الله عنهнинг динда жиддийлигини кўргач, бу ишга кўниб, еб-ичишга мажбур бўлди.

– **Али ибн Абу Толиб رضي الله عنهнинг Амр ибн Абду Ваддга нисбатан тутган позицияси:** Амр ибн Абду Вадд Қурайшнинг шижоатли чавандозлари учта бўлса, уларнинг биттаси эди. У Бадр куни жанг қилиб яралангани боис, Уҳуд жангида қатнашмаган эди. Хандақ куни эса ўлиб кетиш учун чиқди. У ўзининг отлиқ аскарлари билан

тўхтагач, Али  унга, эй Амр, Қурайш олдида бирон киши икки хислатга даъват қилса, иккисидан бирини қабул қилишинг тўғрисида Аллоҳга аҳд берган эдинг, шундайми? – деди. Амр «ҳа, шундай», деди. Али  унга «у ҳолда, мен сени Аллоҳ Азза ва Жалла ва унинг Росули  га ҳамда Исломга даъват қиламан, деди. У «менга бунинг кераги йўқ», деди. Шунда Али «у ҳолда, мен сени яккама-якка олишувга чақираман», деди. Амр «эй акамнинг ўғли, нега? Аллоҳга қасамки, мен сени ўлдиришни истамайман», деди. Али «лекин мен сени ўлдиришни истайман», деди. Шунда Амрнинг ғазаби қайнаб, отидан сакраб тушди, кейин отини сўйиб юборди... Сўнг Алининг олдига келиб, «олишадиган ким бор?», деди. Темир совут кийиб олган Али «ё Росулulloҳ, мен у билан олишгани чиқаман», деди. Росулulloҳ  «У Амр ибн Абд Ваддир, ўтиринг жойингизга», дедилар. Шунда Амр «бирон мард йўқми?», деб ҳайқирди. Шундан сўнг Росулulloҳ  унга (Алига) изн бердилар. Али  бундай дея унга қараб юрди:

Ҳовлиқма, ошиқма ҳаргиз





Чорловингга жавобан қаршингга чиқмиштир рақиб


У ожиз эмас, фикру ақлга соҳиб,




Ростликдан паноҳ топгай ким эрса ғолиб

Умид этгум мурданг устида фарёд чекувчи хотинни қилгумдур қоим,

Ҳалокатли зарбаданки, овозаси қолажак доим.

Амр «сен кимсан?» деди. «Мен Алиман», деган эди, Амр: «Кимнинг ўғлисан? Абдуманнофнинг ўғлимисан?» деди. Али «мен Али ибн Абу Толибман», деди. Амр «эй акамнинг ўғли, амакиларинг орасида сендан кўра ёши каттароқлари ҳам бор, ортингга қайт, қонингни тўкишни истамайман», деди. Али «Лекин мен Аллоҳга қасамки, сени қонингни тўкишни истайман», деди. Буни эшитиб Амр ғазабланди ва отидан тушиб қиличини яланғочлади, унинг қиличи олов шуъласи каби ялтирарди. Ҳазабланиб, Али томон юрди. Али уни теридан қилинган қалқони билан қарши олди. Амр қалқонга зарб билан уриб, уни ёриб ташлади, қилич ундан ўтиб Алининг бошига тегиб уни яралади. Али  унинг елка томирига зарб билан урди. Натижада у ерга қулаб, чанг-тўзон кўтарилди. Росулulloҳ  такбир товушларини эшитиб, Алининг уни ўлдирганини билди. Шундан кейин Али  Росулulloҳ  томон юрди, юзи хурсандликдан яшнарди. Умар

ибн Хаттоб  «унинг совутини ўлжа қилиб олмабсизда, арабларнинг ундан кўра яхшироқ совути йўқ», деди. Али «унга ҳалокатли зарба бердим. Амакимнинг ўғлини нарсаларини тортиб олиб, (яланғоч қолдиришдан) ҳаё қилдим. Отлиқ аскарлари қочиб, хандақдан ғойиб бўлишди», деди.

– **Абдуллоҳ ибн Масъуд нинг Қуръонни баралла ўқиган позицияси:** бир кун Росулulloҳ нинг Маккадаги асҳоблари тўпландилар. Улар оз сонли, бечораҳол эдилар. Улар «Аллоҳга қасамки, Қурайш ўзига бу Қуръон очик, баралла тиловат қилинганини шу пайтгача эшитмади. Қуръонни уларга ким ўқиб эшиттиради?!» дедилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд  уларга мен ўқиб эшиттираман, деди. Шунда улар «Сизга улар зиён етказишидан қўрқамиз, улар ёмонлик қилмоқчи бўлишса улардан ҳимоя қиладиган қариндош-уруғлари бор бирон киши ўқиб, эшиттиришини истаймиз», дейишди. Абдуллоҳ «бу ишни менга қўйиб беринглар, Аллоҳ мени ҳимоя қилади», деди. Сўнг эрталаб Масжидга бориб, Мақоми Иброҳимга келди, Қурайш Каъба атрофида ўтирган эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд Мақоми Иброҳимда туриб,

﴿الرَّحْمٰنُ ﴿ۙ عَلَّمَ الْقُرْءَانَ ﴿ۙ خَلَقَ الْاِنْسَانَ ﴿ۙ عَلَّمَهُ الْبَيَانَ﴾﴾

оятларини ўқиди... Ўқишда давом этди... Қурайш «Умму Абднинг ўғли нима деди?» деб ўйланиб қолди. Ҳалок бўлгур, Муҳаммад келтирган нарсалардан тиловат қиляпти, дейишди ва ўринларидан туриб, унинг юзига ура бошлашди... Абдуллоҳ эса ўқишда давом этиб, оятлардан Аллоҳ хоҳлаган жойигача етиб борди. Шундан кейин дўстлари ҳузурига юзидан қон оққан ҳолда қайтди. Улар «биз шундай бўлишидан қўрққандик, дедилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд бундай деди: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг душманлари кўзимга бу даражада кичик-арзимас бўлиб кўринмаган, хоҳласангиз эртага эрталаб ҳам яна ўқиб эшиттираман». Улар «йўқ, шу ўқиб, эшиттирганингиз етарли, уларга ўзлари ёқтирмайдиган нарсани эшиттирдингиз», дедилар.

(Давоми бор). □

ҚАЙС ИБН САЪД ИБН УББОДА ХАЗРАЖИЙ

Бу инсон Набий ﷺнинг ходими, қўриқчиси, байроқдори, буюк саҳобий, Хазраж раҳбари ва раҳбарининг ўғли, саҳобийнинг ўғли Қайс ибн Саъд ибн Уббода ибн Дулайм ибн Ҳориса Соидий хазражийдир. У шарафли хислатларни аждодларидан мерос олган бўлиб, буюк етакчи хонадондан эди. Унинг онаси Факиҳа бинт Абид ибн Дулайм хазражийдир. Қайснинг куняси Абу Фазл бўлиб, гоҳида Абу Абдуллоҳ, Абу Абдулмалик ҳам дейилган. Амр ибн Динор бундай дейди: Қайс ибн Саъд гавдали, тўладан келган, боши кичикроқ, кўса киши бўлиб, эшак минса, оёқлари ер чизиб борарди. У Маккага келганида одамлар «ким қўй гўшти сотиб олади?!», деб киноя қилишар эди. Юзида на соқол ва на тук бор бўлиб, саҳобалар «қани, энди, Қайсга соқол сотиб олиб берсак» деб ҳазил қиларди. Шунга қарамай, у чиройли эди.

Саъд ибн Уббода رضي الله عنه Исломга кирганида, ўғли Қайсни қўлидан етаклаб, Росулulloҳ ﷺнинг олдларига олиб келиб, «ё Росулulloҳ бу сизнинг ходимингиздир», деди. Набий ﷺ Қайсда устунлик ва эзгулик нишонларини кўриб, ёнларига олдилар. Қайс доимо мана шу мартаба эгаси бўлиб қолди. У Росулulloҳ ﷺга ўн йил хизмат қилди. Бухорий Анас ибн Молик رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Қайс ибн Саъд ибн Уббода Набий ﷺнинг ҳузурида, мисоли амир ҳузуридаги гвардия қўмондони лавозимини эгаллаган эди». Яъни бошқарув ишларида. Ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳ қилинганда, Саъд رضي الله عنه ўғли Қайснинг бирор хато ишга қўл уришидан хавфсираб, уни тайинланган вазифаларидан озод қилиш тўғрисида Набий ﷺ билан гаплашган эди, Набий ﷺ уни тайинланган вазифадан озод қилди.

Қайс Росулulloҳ ﷺ билан бирга барча ғазотларга қатнашди. Ибн Шихоб айтади: «Росулulloҳ ﷺ билан бирга ансорлар байроқдори Қайс ибн Уббода эди». У маслаҳат-раъй соҳибларидан бири эди. Шунинг учун ҳам Росулulloҳ ﷺ Макка фатҳи куни байроқни унга бердилар. Чунки унинг отаси Саъд ибн Уббода «Бугун қирғин куни, бугун ҳаром нарсаларга рухсат бериладиган кун, бугун Қурайшни Аллоҳ хор қилади», деганида, Росулulloҳ ﷺ байроқни ундан олиб, Қайсга бердилар ва дедилар: «Бугун марҳамат куни, бугун Қурайшни Аллоҳ азиз қилди». Росулulloҳ ﷺ байроқ Саъдда қолаётганини билдилар. Чунки Саъд Росулulloҳ

дан белги келтиришларини талаб қилиб, уни бермаётганди. Шунда Росул ﷺ унга саллаларини юбордилар.

Осим ибн Амр ибн Қатодадан ривоят қилинади: Росулulloҳ ﷺ Қайс ибн Саъд ибн Уббода ﷺни закот йиғиш вазифасига тайинладилар. Қайс барча итоат қиладиган раҳбар, қўли очиқ, сахий ва бадавлат инсон бўлиб, фазилатли саҳобалар, араб раҳбарлари ва улуғларидан бири эди. У шижоат ва жасорат билан бирга, тўғри фикр соҳиби ҳамда уруш ҳийлаларини яхши англаган киши эди. Бундан ташқари, араблар етакчиларидан бири эди. Абу Амр Воқидий айтади: Қайс ибн Саъд ибн Уббода Росулulloҳ ﷺнинг энг ҳурматли ва саховатли саҳобаларидан бири бўлиб, ҳикмат, ҳарбий ҳийла, мардлик, жасорат, саховат ва улуғворлик соҳиби эди. У ўзининг отаси ва бобоси каби қабиласининг олийжаноб инсони эди. Унинг ўзи, отаси ҳамда укаси Саид ибн Саъд ибн Уббода Росулulloҳ ﷺга ҳамроҳлик қилганлар.

Қайс ибн Саъд ибн Уббоданинг хислатлари орасида, саховатидан бошқа ҳеч бир хислати унинг ақл-заковатидан устун эмас эди. Сахийлик Қайсда кейинчалик пайдо бўлган хулқ эмас. Зеро у саховат ва мурувват билан танилган олийжаноб оиладан чиққан эди. Ўша даврдаги бой ва мўътабар арабларга ярашганидек, Қайс оиласининг бир хизматкори бор эди. У тепаликда туриб, кундузи меҳмонларни таомга чақирар, кечаси эса, йўловчиларга йўл кўрсатиш учун ўт ёқиб турар эди. Одамлар ўша пайтда, ким ёғ ва гўшт егиси келса, Дулайм ибн Ҳорисанинг қўрғонига борсин, дер эди. Дулайм ўлганидан кейин, Уббоданинг жарчиси шу тарзда жар соларди. Уббода ўлгач, Саъд жарчиси шу тарзда жар солди. Ибн Умарнинг озод қилинган қули Нофё айтади: «Қайс ибн Саъд ибн Уббодани одамларнинг энг саховатли кишиларидан бири эканини кўрдим». Жобир ﷺ ривоят қилиб, айтади: Қайс ибн Саъд ибн Уббода бошчилигидаги сария билан чиқдик. У сарияга тўққизта туя сўйиб берди. Росулulloҳнинг ҳузурларига келганларида, у зотга Қайс ибн Саъднинг бу ишини хабар бердилар. Шунда, Набий ﷺ «**Сахийлик бу хонадон аҳлининг фазилатларидан биридир**», дедилар. Қайс Усра-Табук қўшинида туя сўйиб қўшинни таомлантирарди. Ҳатто шу сабабдан қарздор ҳам бўлиб қолди. Шунда Абу Убайда ибн Жирроҳ унга буни ман қилиб қўйди. Ривоят қилинишича, бир киши ундан ўттиз минг қарз олиб, кейин қайтариб бермоқчи бўлганида, Қайс «Биз

берган нарсамизни қайтариб олмаймиз», деб қабул қилишдан бош тортди. Қуйидагилар унинг дуоларидан бири эди: «Аллоҳим, мени мақтов ва шон-шараф билан ризқлантиргин. Зеро, саховатсиз мақтов йўқ, мол-дунёсиз шон-шараф ҳам йўқ. Аллоҳим, оз мол менга яроқсиз ва мен ҳам унга яроқсизман».

Қайс ибн Саъд ибн Уббода ҳақидаги машҳур ривоятлардан бири шу эдики, атрофида ундан қарздор бўлган одамлар кўп эди. У касал бўлиб қолганда ҳеч ким унинг олдига келмади. Шунда унга «одамлар берган қарзингиз сабабли келгани хижолат бўлишяпти», дейишди. Шунда Қайс «Ким Қайс ибн Саъддан қарздор бўлса, қарзидан озоддир», деб жар солдирди. Ўшанда уни кўришга шу қадар кўп одам келганки, ҳатто, унинг олдига чиқиладиган зина ҳам синиб кетган. Суфён Саврий Амрдан, Амр эса Абу Солиҳдан ривоят қилиб, айтади: Саъд ибн Уббода молини фарзандлари ўртасида тақсимлаб, Шомга жўнаб кетди ва ўша ерда вафот этди. Унинг вафотидан сўнг, ундан бир бола туғилди. Абу Бакр ва Умар رضي الله عنهماлар Қайс ибн Саъднинг олдига келиб, «отангиз молини тақсимлаётганида, ҳомила бўлган боласидан хабари бўлмаган эди, шунинг учун унга ҳар бирингиз ўз улушидан берсин» дейишди. Шунда Қайс «Мен отамнинг тақсимотини ўзгартирмайман, лекин менинг улушим уники бўлақолсин», деб жавоб берди.

Қайс эзгулик ва камолотда ўрнак эди. Шу боис Росул ﷺ уни ўз ёнларига олган эдилар. Термизий Қайс ибн Саъддан ривоят қилган ҳадис буни тасдиқлайди: Отам мени Пайғамбаримиз ﷺга хизмат қилишим учун топширди. Бир куни Пайғамбар ﷺ намоздан кейин ёнимдан ўтаётиб, оёқлари билан тўртдилар-да, «**Сизни жаннат эшикларидан бирига йўллаб қўяйми?**», дедилар. Мен, «бўлмасамчи!» дедим. Шунда ул зот бундай дедилар: бу «**لا حول ولا إله الا بالله**» ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» калимасидир.

Қайс Исломдан олдин одамлар билан маккорлик ила муомала қилгани боис, улар ундаги ақл-заковатнинг чақнашига дош бера олмас эдилар. Мадина ва унинг атрофида ким бўлмасин, унинг даҳо-айёрлиги билан минг бор ҳисоблашарди. Исломга кирганида, Ислом унга айёрлиги билан эмас, ихлоси билан муомала қилишни ўргатди. Шу сабабдан айёрлигини бир четга суриб қўйиб, ҳал қилувчи манёврларда айёрлик ишлатмайдиган бўлди. Ҳар сафар қийинчиликка дуч келганида, ўзининг кишанланган айёрлигини қумсарди ва ривоятларда келган мана бу машҳур иборасини айтарди: «Агар Ислом бўлмаганида араблар дош беролмайдиган

даражада айёрлик ишлатган бўлур эдим». Яна бундай дерди: Агар мен Росулulloҳ ﷺнинг

«**الْمَكْرُ وَالْخَدِيعَةُ فِي النَّارِ**»

«**Макр ва алдов дўзахдадир**» деган сўзларини эшитмаганимда, бу Умматнинг энг маккори бўлардим.

Қайс ибн Саъд ибн Уббода رضي الله عنهдан бир гуруҳ саҳобалар ва тобеинлар бир қанча ҳадисларни ривоят қилган. Булар маданий ҳадислардан саналади. Қайс رضي الله عنه ҳижратнинг олтмишинчи йили Муовия халифалигининг охириги даврларида вафот этгунига қадар Мадинада яшаган. □

ҲУҚУҚ ФАНЛАРИ ПРОФЕССОРИ НОЙ ФЕЛДМАН: САИД ДУНЁДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ ИСЛОМИЙ ДЕМОКРАТНИ ҲИБСГА ОЛДИ

Гарвард университетининг таниқли конституциявий ҳуқуқ фанлари профессори, 1994 йилда Оксфордда исломий тафаккур бўйича докторлик даражасини олган ва араб тилида эркин сўзлаша оладиган Ной Фелдман Бломберг ва Вашингтон Пост газеталари томонидан нашр қилинган ўз мақоласида фаннушийнинг ҳибсга олиниши ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. У жумладан бундай дейди: «Дунёдаги энг нуфузли исломий демократлардан бири, мухолафат партиясининг маънавий етакчиси Рашид фаннушийнинг ҳибсга олиниши Туниснинг араб баҳори демократиясидан диктатурага ўтишда давом этаётганидан далолат беради». Фелдман Арабий21 томонидан таржима қилинган мақоласида бундай қўшимча қилади: «Яқин вақтгача ягона самарали араб демократияси бўлган мамлакат учун бу дахшатли янгилик». У яна бундай деди: «Фаннушийга келсак, у сиз илгари эшитмаган энг нуфузли мусулмон етакчисидир... У Наҳза партияси раҳбари сифатида мамлакатнинг демократик конституциясини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшган ва ҳукуматда иштирок этган... Сургунда ўтказган йилларида исломий модернист фаннуший Ислом ва демократияни қандай қилиб бир-бирига мувофиқлаштириш ҳақида кенг қамровли назария ишлаб чиқди. Бу назария замирида Ислом дини ҳар қандай мажбурлашни, жумладан, диний мажбурлашни қоралайди, деган мазмун ётади. Шу маънодан келиб чиқиб, фаннушийга кўра, аксарияти мусулмонлар яшайдиган мамлакатларда демократик йўл билан сайланган ҳукуматлар диний қонунларни ўрнатмаслиги керак».

Ной Фелдман яна бундай қўшимча қилади: «Фаннуший раҳбарлигида Наҳза партияси Тунис конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда масъул сифатида иштирок этди. Фаннуший томонидан маъқулланган консенсуал либерал конституцияда на Ислом қонунлари ўрнатилган ва на бу ҳақда эслатиб ўтилган. Қолаверса, фаннуший ўз партиясини аста-секинлик билан тобора демократик ва камроқ исломий йўналишга йўналтирди. Охири-оқибат, партия Европадаги христиан-демократик партияларга ўхшаш мусулмон демократлар партияси бўлишни хошлаётганини билдирди». Фелдман яна бундай таъкидлайди: фаннуший «Тунисдаги турли сиёсий қарашларни ифодаловчи партиялар билан музокаралар олиб боришга ва иттифоқ тузишга тайёр эди. Буларнинг барчаси Ислом демократияси ҳақиқатдан ҳам мумкинми ёки йўқми деган ўзига хос тажриба ва синовдир. Жавоб эса, мана бундай ижобий бўлган: ҳа, исломий демократия бўлиши мумкин».

Фелдман фаннушийга қўйилаётган «иғвогарлик» айбловини «тўқима» деб атаб бундай деди: «Фаннуший кўп йиллар давомида ўзининг тинчликпарвар инсон эканини қайта-қайта исботлади. Унга қўйилаётган «иғвогарлик» айблови ақлга тўғри келмайди... Ўтган йили Қайс Саид Тунисни араб баҳоридан олдинги бир партияли давлат мақомига қайтаришга ҳаракат қилган эди. У фавқулодда ҳолат эълон қилиб, демократик йўл билан сайланган қонун чиқарувчи ҳокимиятни бостиргандан сўнг, ҳукуматнинг бошқа органлари ҳисобидан президент ваколатларини оширувчи янги конституция ишлаб чиқди... Бу референдумда маъқулланди ва мухолафатнинг аксарияти уни бойкот қилди. Унда тунисликларнинг атиги 30 фоизи қатнашди».

Ал-Ваъй: Бу сўзлар фаннушийнинг ҳақиқатдан ғарблагганини очиб ташлайди. Муаллиф фаннушийнинг Исломни ғарбча тушунишини идеал ҳолат деб ҳисоблаб, унинг ҳибсга олиниши ҳақида чуқур қайғу билан гапиради. Зеро, у ҳақда «Дунёдаги энг нуфузли исломий демократ... Сиз илгари эшитмаган энг нуфузли мусулмон раҳбар...», деган сўзлари Исломда ғайннуйишнинг фойдасига эмас, балки зарарига берилган гувоҳликдир. □

«ДУШМАН МАМЛАКАТЛАР» НОМЛИ КИТОБ ҲИНДИСТОН БИЛАН БОСҚИНЧИ (ИСРОИЛ) ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ СИРИНИ ОЧИБ БЕРАДИ

Форин Полиси журнали ёзувчи Сумит Гангулининг мақоласини чоп этди. Ёзувчи унда Ҳиндистон ва босқинчи вужуд ўртасидаги муносабатлар ўзининг энг ёрқин даврида эканини таъкидлайди. У, шунингдек, ҳар икки ҳукумат ўртасида муштарак хусусият борлигига ишора қилиб, бу хусусият озчиликларга, айниқса мусулмонларга нисбатан душманликдан иборат эканини айтиб ўтди. Мақолада кўп қиррали Ҳиндистон-(Исроил) муносабатлари Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди ва унинг яҳудий ҳамкасби Биньямин Нетаняху ҳокимиятга келганидан бери сезиларли даражада мустаҳкамлангани қайд этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Моди ва Нетаняху ўз мамлакатларини Ҳиндистондаги кўпчиликни ташкил қилувчи ҳиндуларга ҳамда (Исроил)даги кўпчиликни ташкил қилувчи яҳудийларга устунлик берадиган этник демократик давлатларга айлантирмоқчи. Мақолада журналист Исса Азаднинг «Душман мамлакатлар: Ҳиндистон ва Исроил ўртасидаги янги иттифоқ» номли китобига ҳам тўхталиб ўтилган. Китобда таъкидланишича, «Ҳиндистон-(Исроил) муносабатлари кўп қиррали бўлиб, зарур ҳарбий хизматдан сўнг дам олиш учун Ҳиндистоннинг ғарбий соҳилидаги пляжларга келган ёш (исроиллик) сайёҳларнинг йиллик оқимидан тортиб, қишлоқ хўжалигидаги томчилатиб суғориш соҳасидаги ҳамкорлик ва илғор қуролларни сотишга қадар чўзилган. Бу яқин ҳамкорлик минтақавий ва глобал сиёсатга катта таъсир кўрсатади. Зеро, икки томонлама яқин муносабатлар ҳар икки томоннинг Яқин Шарқда, айниқса, Араб кўрфазига муҳим рол ўйнашига имкон беради. Бу уларнинг янги тўрт томонлама иттифоқ I2U2даги иштирокида тобора намоён бўлмоқда. Маълумки, I2U2 иттифоқи Хитойнинг минтақадаги таъсирини чеклашга, шунингдек, иттифоқчиларни АҚШнинг минтақага қатъий содиқлигига ишонтиришга қаратилган.

Ҳиндистонда бу тенденция Моди ва унинг тарафдорлари бошчилигида «ҳиндутва» ҳаракатининг шаклланишида ўз ифодасини топди. Шунга ўхшаш жараён (Исроил)да ҳам бўлиб ўтди. Унинг охириги Нетаняху бошчилигидаги ўнг қанот «Ликуд» партиясининг ўта ўнгчи партиялар, шу жумладан, экстремист ва арабларга қарши диний сионистик партия билан ҳокимиятни бўлишишга тайёрлиги бўлди. Ҳиндистон ва (Исроил) ҳукуматлари ўртасидаги умумий ўхшашлик уларнинг озчиликларга нисбатан, яъни Ҳиндистондаги мусулмонларга ва (Исроил)даги араб мусулмонларга нисбатан душманлигидир.

Журналист Исса Азаднинг таъкидлашича, Моди ҳам, Нетаняху ҳам ўз мамлакатларини кўпчиликни ташкил қилувчи жамиятга устунлик берувчи этник демократик давлатга айлантирмоқчи. Ҳар икки мамлакат ушбу мантиқдан келиб чиқиб ҳаракат қилар экан, улар ўртасидаги умумий ўхшашлик муносабатлар мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ал-Ваъй: Бугунги кунда Ҳиндистон ва (Исроил)ни Исломга бўлган душманлик ва Халифалик давлатининг барпо этилишидан қўрқув ҳисси бирлаштирмоқда. Зеро, Ҳиндистон Халифаликни яқинлашиб келаётган глобал ўзгаришларда ўзининг халқаро мавқеига энг катта таҳдид, деб билапти. Чунки уни ҳар тарафдан мусулмон юртлари ўраб туради. Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг ўзида мусулмонлар сони мамлакат аҳолисининг чорак қисмини ташкил этиши ҳақида статистик маълумотлар мавжуд. (Исроил)га келсак, Халифалик давлати яҳудий вужудини бутунлай йўқ қиладиган ягона давлатдир... Шунинг учун ҳар икки давлат сиёсий Ислом ва Халифалик давлати лойиҳасини ўзлари учун катта экзистенциал таҳдид деб билади. □